

R 496



ГУЛИСТОК
9
1972







Ягона оилада

С. А. ХМЕДОВ,
ЎзКП Ўрта Чирчиқ район коми-
тетининг биринчи секретари

ЯНГИ УФҚЛАР

Районимизнинг бир чеккаси Чирчиқ дарёси ва гўзал Тошкентга, бир чеккаси Оҳангарон ва Қурама тоғи этакларига туташади. Ёз ойлари бепоеён пахтазор, бугдой, кўм-кўк боғ-роғлар гўё денгиздек мажлланади. Бўлик, серунум ерларда экинларнинг ҳамма туридан экилади, хил-хил мевалар етиштирилади.

СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги нишонланадиган бу қутлуг йилда биз давлатга 65,5 минг тонна пахта, кўлаб чорва ва саноат маҳсулотлари топшираемиз. Район партия комитети КПСС XXIV съезди қарорларини изчил амалга ошира бориб, беш йилликнинг иккинчи йилида тўнғич йилдагига нисбатан яна ҳам кўпроқ пахта, гўшт, сўт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ишига бошчилик қилмоқда, минглаб коммунистларни иш бўлишига рағбатлантирмоқда, уларнинг ташаббусини кенг ёймоқда.

Пахта ҳақида гап борганда районимизда меҳнат қилаётган 3600 коммунистнинг айрат-шижоати кўз олдидан кетмайди. Пахтазорда жасорат намуналарини кўрсатаётган чинакам коммунистлар озмунчами!

Ёз чилласида асл деҳқон, кекса коммунист Нозим ака Мирзаев даласига бордим. Ҳарорат қирқдан ошган бўлишига қарамай миришкор деҳқон эгат оралаб гўзанинг сувдан, озуқасидан, ҳосил туғишдан кўз-қулоқ бўлиб юрибди. «Гўзаларим ҳар уч кунда битта кўсақ тугади,— деган эди у ўшанда қувонч билан.— Ҳозир қаранг, саккиз-тўққизтадан кўсақлабди. Ҳали вақт бор».

Йил бошида Нозим ака ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш ташаббусини кўтариб чиққан эди.

«Ленин йўли» колхозидagi бу тажрибали бригада бошлиғи 1947 йилдан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Ҳосилдорлик ўша пайтда 12 центнердан ошмасди, ишчан бригадир биринчи йилиёқ ҳосилдорлигини 30 центнерга кўтарди. Шундан бери «оқ олтин» хирмонига барака кириб бормоқда. Ҳозир гектар бошига 42 центнерга етиб қолди. Бригаданинг экин майдони сув сатҳидан 10—12 метр баландликда, шундай оғир шароитда юқори ҳосил олиш чинакам мўъжизакорлик, коммунист деҳқоннинг катта жасоратидир.

Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатларини муносиб тақдирлади. Нозим аканинг кўксини иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккита «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали безаб турибди. У бошчилик қилаётган бри-

гада Бутунтифоқ ҳалқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаси медали билан тақдирланган. Коммунист Нозим Мирзаев бир неча йил область партия комитетига аъзо бўлди, 1967 йилдан эса у район партия комитетининг аъзосидир.

Мен Нозим Мирзаевга ўхшаш ҳалол ва меҳнатсевар коммунистларнинг кўп биланам. Ҳаммаларининг ҳаёти ва ишларида битта умумий хусусият бор: пахта учун жон фидо қилишади. Ор-номусли бундай кишилар билан бутун район фахрланади.

Пахтакор аёллар сафи ҳам ўсиб бораётир. Энгелс номли колхоз партия комитетининг секретари Т. Уролова, «Ленин йўли» колхозидан область Советининг депутаты Шарофат Худойбердиева, Киров номли ўқув-тажриба хўжалигидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени коммунист Зоя Ивашченко, Ленин номли колхоздан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Жанар Ёқубова, Партия XXII съезди номидаги колхоздан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Назира Ҳайитова каби меҳнатсевар пахтакорлар шулар жумласига киради.

СССР ташкил топган кунининг шонли ярим асрлик юбилеи шарафига пахтакорлар катта ҳиммат билан меҳнат қилишяпти. Ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишга интилаётган Нозим Мирзаев бригадаси сафига «Ленин йўли» колхозининг Шакар Ғофуров, Энгелс номли колхозининг Кан О Нам бошчилик қилаётган бригадалари ҳам қўшилди.

Оқунбобоев номли, Свердлов номли, Ленин номли, «Ленин йўли», Ақмап Икромов номли, Партия XXII съезди номли, Куйбишев номли ва «Северний маяк» ва Терешкова номли колхозларининг пахтакорлари 35 центнердан хирмон кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар. Шуниси қувонарлики, республикада хизмат кўрсатган механизатор Мирозид Рўзиматов, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хава, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Умри Ҳасанова сингари тажрибали рақслар бошчилик қилаётган колхозлар ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишда Қ. Соттибоев, М. Каримов, У. Абдуллаев, М. Дусенбоев, А. Ни, Х. Пўлатов каби рақслар етакчи бўлган колхозлар билан мусобақалашмоқдалар.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига таяниб иш тутмоқда. Партия ташкилотлари кекса ва ёш коммунист кадрлар билан ишлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг состави ҳам яхшиланиб бормоқда. Улардан 30 киши хотин-қизлар, 116 киши эса олий ва ўрта маълумотли. Партия ташкилотлари ва гуруҳларининг секретарларининг тўртдан ўч қисми олий ва ўрта маълумотга эга.

«Полярная Звезда», «Северний маяк», Партия XXII съезди номидаги колхозларнинг партия комитетларида ташкилий-сиёсий ишлар хўжалик ишлари билан яхши боғлаб олиб борилаётгани учун йил сайин қувончли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Тошкент Эксперименталь-тажриба механика заводи ва Тўй-тепадаги Металл конструкциялар заводи партия комитетлари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Районимизда пахтачиликни янада ривожлантириш учун янги уфқлар очилмоқда. Азамат қурувчиларимиз юбилей шарафига 80 километрдан зиёдор Хандам каналини бунёд этиб, Хўжабалаанд каналига уладилар. Бу ҳозирнинг ўзиде 4 минг гектар, келгусида эса 15 минг гектар янги ерни сўғориш имконини беради.

Рақом чорвачиликни сердаромад соҳага айлантириш учун бу соҳани ҳам коммунист кадрлар билан мустаҳкамламоқда. Чорвачилик маҳсулотлари етказиш бўйича юбилей шарафига олинган мажбуриятлар муваффақиятли адо этилаётир.

КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил май Пленуми, КПСС XXIV съезди қарорлари асосида партия ҳужжатларини алмаштириш ва бу муҳим тадбирни 1973—1974 йилларда амалга оширишни вазифа қилиб қўйди. Район партия комитети бу муҳим сиёсий ташкилий тадбирга пухта ва атрофлича таёй-гарлик кўрмоқда. Райкомнинг VIII пленумида ана шу масала чуқур ўрганилиб, муҳокама қилинди. Коммунистлар, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари сўзга чиқиб, партия ҳужжатларини алмаштириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-сиёсий ишнинг умумпартиявий моҳиятини чуқур тушунарликларини кўрсатдилар. Партия ҳужжатларининг алмаштирилиши кучларимизнинг ўзига хос кўриги бўлиши керак. Ҳар бир партия ташкилини КПСС XXIV съезди қарорларини қандай бажарилаётганлигини назойиш этади. Бу муҳим масала ҳамма бошланғич партия ташкилотларида қийин муҳокама қилинди. Партиявий ички ишларни намунали қўлга қўйиш, энг муҳими, юбилей йилида зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этиш район партия ташкилотининг муҳим сиёсий тадбирга амалий жавоби бўлади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!




№ 9 (69) 1972
Сентябрь



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

1925 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти





Ягона оилада

ОЗАРБОЙЖОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ



Г. А. АЛИЕВ,
Озарбойжон Коммунистик
партияси Марказий Комитетининг
биринчи секретари

ҲАМКОРЛИК ТУФАЙЛИ

Озарбойжон меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Умумиттифоқ миқёсида нефть саноати ускуналари, пўлат қурув, электр қуввати ҳосил қилиш, автопокришкарлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича республика салмоқли ўрин тутди... Мамлакатимизнинг энг эски нефть районларидан бўлган Озарбойжон нефтчилари шу вақтга қадар миллиард тоннадан зиёд нефть чиқардилар.

Бонудаги 26 комиссар ҳайнали — буюк революцион нураш обидаси.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети 1970 йилнинг июлида Озарбойжон халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги юксалишини таъминлайдиган қарорлар қабул қилган эдилар. Республикаимиз ҳаётда ҳақиқатан ҳам тарихий воқеа ҳисобланган бу қарорларда партия ва ҳукуматнинг Озарбойжон меҳнаткашларига қилган ғамхўрлиги, КПССнинг ҳамма совет республикалари равангага қаратилган ленинча доно сўбати яна бир намоён бўлди.

Янги беш йилликда юздан ортиқ янги корхонани эксплуатацияга топшириш мўлжалланган. Бу Озарбойжонда ўтган беш йилликда ишга туширилган корхоналардан икки баробар кўпдир. Олдимизда республика машинасозлигининг замонавий тармоқларини барпо этиш, нефтни қайта ишлаш саноатини, темир йўл транспортини қайта қуриш вазифалари турибди. Кимё, озиқ-овқат ҳамда саноатнинг бошқа бир қанча соҳалари ҳам жадал ривожланади.

Эллик йил — Озарбойжон халқининг кўп асрли тарихида унчалик катта давр эмас. Аммо шу ярим аср мобайнида Озарбойжон тупроғида ҳақиқий мўъжизалар рўй берди. Тарихнинг кечаги кунинда чор Россиясининг қолюқ ўлкаси бўлган Озарбойжон бугун юксак тараққий этган индустриал-аграр республикадир. Яқин ўтмишда халқнинг бой миллий маданияти эксплуататор синфлар томонидан кишанбанд қилиб ташланган эди. Эндилликда бу маданият социалистик мазмун касб этиб, миллий шаклда гуллаб-яшнамоқда, илдиз отиб юксалмоқда. Бу мўъжизанинг яратувчиси барча совет халқларини иқтисодий, иқтисодий ва маданий ҳаётда замонавий ютуқларнинг чўққиларига олиб чиққан партиямиздир, унинг ленинча миллий сўбати.

Озарбойжон халқи коммунистлар партияси ва КПСС Марказий Комитетининг ғамхўрлиги ҳамда оғамиз рус халқи бошчилигидаги совет халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги туфайли шундай катта ютуқларга эришганини чуқур ҳис қилади.

Узининг бутун тарихи давомида пролетар интернационалиزمи ғояларини изчил ва қатъий амалга оширган Озарбойжон партия ташкилоти, бундан бунён ҳам, буюк ютуқ — совет халқларининг ленинча дўстлиги ва қардошлигини кўз қорачигидек сақлайди.

(КПСС XXIV съездида сўзланган нутқдан)





Саггачан денгиз нефть қидириш бошқармасынинг донгдор пармаловчиси
Исрофил Хусайнов.

СССР халқ артисти, композитор Қора Қораев шогирдлари орасида,



Наримонов номидаги Озарбойжон медицина институти кўллаб
моҳир шифокорлар етиштиради.



Каспий денгизи манзарасини нефть ҳавозаларисиз тасаввур қилиб
булмайди.



167 ёшли колхозчи Шерали Муслимов — ер юзидаги энг пири бадавлат одам.

СССР халқ рессоми М. Абдуллаев жонажон диёрининг куйчиси.



Озарбойжон пойтахтининг Киров майдонидан кўриниши.

Боку метрополитенининг Наримон Наримонов номидаги бекати.



Каспий соҳилларида меҳнатнашларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун қулай шaroитлар яратилган. Суратда: атоқли меъмор Л. Берберов оиласи дам олишда.



Озарбойжон

Кўп ўтганман шу тоғлардан,
Турига кўзли булоқлардан;
Юртим, уям, масканимсан,
Менинг туққан Ватанимсан!
Туролмасман беҳаджон,
Озарбойжон, Озарбойжон!

Гўзал Ватан! Қачонки сан
Ол байроқли шафақлардан
Илҳом олдинг... Тугилдим ман,
Кулар туғроқ, кулар инсон,
Қадим Шарқнинг эшигисан!

Тингла мени, азиз Ватан!
Бу сўз чиқар юрагимдан:
Партиянинг меҳри-ла сан —
Кулиб, яшаб, юксал ҳар он,
Озарбойжон! Озарбойжон!

Самад ВУРГУН



Оқдом район, Тельман номли колхознинг донгдор зевно бошлиғи, қаҳрамон она, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сурайё Каримова.

Ф. БАГИРОВ, Ю. РАҲИЛЬ, В. ПАШЧЕНКО, Н. ИГНАТЬЕВ фотолари

Сумгаит кимё комбинати — Бутуниттифоқ зарбдор қурилишини беш йилликнинг охириги йилда тугаллаш кўзда тутилди.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

САНОАТ

Тўққизинчи беш йилликда Озарбойжон ССРда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 46 процент кўпаяди. Кимё, электр қуввати ҳосил қилиш, асбосозлик ва машинасозлик саноати тез суръатлар билан юксалади.

Кимё ва нефть кимёси саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми ўтган беш йилликдагига нисбатан қарийб икки баробар ошади.

Минерал ўғит ишлаб чиқариш 1,5, синтетик каучук 1,6 баробар, автопаркшалар 21,6 процент кўпаяди.

Тўққизинчи беш йилликда Сумгаит кимё комбинатининг янги тармоғи ишга туширилади. Машинасозлик беш йилликнинг охирига бориб 1970 йилдагига нисбатан 180 процент ортади.

Қуввати 100 киловаттли электр двигателлар ишлаб чиқариш 36,8, электр чироқлар 62, насослар 69, қишлоқ хўжалик машиналари 22 процент, трансформаторлар 2,2 баробар кўпаяди.

Еғочсозлик саноати 1975 йилга келиб, 1970 йилдагига нисбатан 88 процент ошади.

Тўққизинчи беш йилликда жун газлама ишлаб чиқариш 46,8, ипак газлама 58,9, пойафзал 59,4 процент кўпайтирилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Республиканинг ялпи маҳсулоти 1975 йилда 1970 йилдагига нисбатан 40 процент ошади. Пахта хирмони 380 минг тоннани ташкил этади.

Узумчилик 2,3 баробар ривожланади, сабзавот 56, мева 35 процент кўпаяди.

Республиканинг колхоз ва совхозлари беш йиллик мобайнида 15,7 минг трактор, 1450 экскаватор, 1700 бульдозер, 1300 комбайн, 9 минг юк машинаси оладилар.


Лаликор ерлар тўққизинчи беш йилликда 120 минг гектарга кенгайди.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

1971—1975 йилларда Озарбойжоннинг миллий даромади 42 процент кўпаяди. Жон бошига нисбатан олинмаган аниқ даромад 34 процент ортади.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида 7 миллион квадрат метр турар-жой бинолари қурилади. 371 минг хонадон тўла газлаштирилади. Боку метрополитенининг биринчи навбати ишга туширилади.

1971—1975 йилларда жами 1300 ўринли санаторий, 900 ўринли дам олиш уйлари, 4300 ўринли туристик базалар, 7600 ўринли касалхоналар қуриш мўлжалланган. Курорт-шифохоналар янада кенгайтирилади.



Уринбой Азимов Олтириқнинг тўнғич коммунистларидан. Колхоз тузумининг ветерани. Батрақликдан министрликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозир республика миқёсидаги шахсий пенсионер. Районнинг эллик йиллик ҳаётини сувдай билади.

У бизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Республика Олий Советининг бир неча қақриқ депутатлари Бозорбой ака Отақулов ҳақида гапириб берди.

Саратонда ерга тухум қўйсанг, кампир игнанинг кўзини топгунча пишарди. Бозорбой ака ўшандай ерларда колхоз тузди. Колхоз тузилганидан то пенсияга чиққунча муттасил раислик қилди. Овнинг айланса бошинг айланмайдиган кичкинагина хўжаликини оддий бир деҳқон жаҳонга танитди. Вақт топсангиз, машҳур француз адиблари Луиза Мамияк ва Андре Вюрмернинг «СССР очик қалб билан» китобини бир varaқланг. Унда шу колхоз ҳақида, Бозорбой ота ҳақида ҳам талай маълумот бор.

«Ўзбекистон» колхозидан Республика Олий Советига сайланган депутат Орзихон Пўлатова ҳам ҳар қанча эъзозга лойиқ. Қадам-бақадам чўл қувиб, шўрхок, янтоқзорлар устидан кўм-кўк йўл

МЕҲНАТ

тортаётган «Комсомол» колхозининг аъзолари-чи!

— Инсон кечаги шўхрат билан яшай олмайди,— дейди Уринбой ота,— Партия XXII съезди номидаги колхоз бугун районнинг карвонбоши. Отаси билан алангали, ташвишли йилларда бир майизни бўлиб еганим, кўзимнинг олдида униб ўсгани учун Каримжон Файзиматов ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Машҳур чўлқувар Ғанишер «Менинг олтига болам бор, еттинчиси пахта», деган экан. Пахтамининг пири айтган бу сўзлар Каримжоннинг ҳам дилдаги гаплар. Файзиматов ҳам ували-жували. Угли Ҳасан бўлса, пахтаси — Ҳусан. Қизи Зухро бўлса, гўзаси — Фотима. Бола билан пахтага эгизакка қарагандай бир хил қарамасангиз бўлмайди. Негаки, бирининг тақдирини бири тўлдирди. Пахтамиз — бахтимиз! Ким ўз бахтига иштиёқманд эмас? Ким бошига қўнган бахт қушини учиргиси келади? Ҳеч ким! Сизларни-ку билмадим, лекин жаҳоннинг жаннати — Фарғонада кимки юрагининг бир чети билан пахтага бойланган бўлса, Файзиматовни танийди. Шахмат доналарини бирор сипоҳисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, Файзиматов ҳам рақонлик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураззоқ ота Икромов, Республиканинг энг кекса раиси, етти орден кавалери маргилонлик Абдулла Раҳмонов,

МУҲАББАТ

республикада хизмат кўрсатган пахтакор, ёзвонлик Холматжон Марозиков, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони яппаник Рисолат Эргашева, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, бағдодлик Нурмават Тўрақулов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эркин Усмонхўжаев, Абдувосиқ Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, қувалик Мусажон Шербўтаев каби фарғоналиклар пахта усталари галереясини ташкил қиладилар. Номлари шу топда эсга келмаган пахтамининг бошқа пирларига узар.


Чингиз Айтматов, «Пахтанинг йўли ойдин», деганда, ҳақ гапни айтган эди. Пахтанинг ойдин йўли Каримжонни Лайлакхонанинг пахтазор жўяқларидан Кремль саройигача олиб келди. Пахтакорлар уни колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездига, республика Компартиясининг XVIII съездига делегат қилиб, Республика Олий Советига депутат қилиб сайладилар, обком аъзолигига кўрсатдилар. Пахта унинг кўксига Ленин ордени, «Хўрмат белгиси» орденларини тақиб қўйди. Пахта унинг юзини пахтадай оқ қилди. Пахтанинг йўли ойдин, дедик. Хўш, бу каттакон, бепоён, ча-

ФОРМУЛАСИ



Андижон область, Москва районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рузихон Жураева ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



Пахта бизнинг фахримиз.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотоси

рогон йўлнинг сўқмоқлари қаерда? Донолар айтаганидек, катта йўлга сўқмоқлар олиб чиқади-ку!..

Олтириқда ҳам колхоз тузуми ўттизинчи йилларда бошланди. Хар ердагидек, бос-бослар, ос-ослар, ёқ-ёқлар бўлиб ўтди.

Чўл кезиб кўз ёшдай милтираган булоқни кўрганда юраги симобдай қалқиб, ховучини тўлдириб сув ичган киши қачонлардир сарсону саргардон бўлиб, оёғига тикан кириб, шу булоқнинг кўзини очганини эсласа эслайди, эсламаса йўқ. Кимдир катта йўлга чиқаётган сўқмоқдан юрганда, ана шу йўлни очганини ўйласа ўйлайди, ўйламаса йўқ. Саратон тафтида девдай чинорнинг шапа-лоқдай барглари соясида ҳордигини чиқарган киши шу чинорнинг богбонини ёдласа ёдлайди, ёдламаса йўқ. Аммо ҳар бир жамоанинг Данколари бўладики, уларнинг номи йиллар ўтган сари ҳаяжон билан эсланади. Олтириқлик Файзимат ота ҳам ана шундай кишилардан эди. Малла ғўза, оқ ғўзанинг устаси ҳисобланар эди. Ўттизинчи йилларнинг бошида колхоз тузилганда кўш хўкизи билан от-аравасини колхозга бағалва топшириб, биринчилар қатори аъзо бўлди. Гектаридан 80 пуддан ҳосил олган пайталари кўп бўлган. Каримжонни 1931 йили 82 яшар отаси кўлидан етаклаб мактабга олиб борди. Каримжон ҳам уч ўғилнинг ичиде отасига тортиб, районимизнинг сара деҳқонларидан бирига айланди. Кетмончиликдан раисликка кўтарилди.

Уринбой ота айтганидек, Ойшахон ая уч ўғилнинг бўйига гул ўлчаб ўстириб, кўз-кўзлаб боқиб, кўрт боқиш кезлари Олтириқнинг чўлларинда опичлаб юриб катта қилган.

Каримжон 1942 йилнинг сентябрида армияга чақирилди. Бу ёйда акаси Нуъмонжон ярадор. (Ҳозир Нуъмон Файзиматов — Бағдод район прокурори, Юстиция ветерани). Одам боласининг боши тошдан деганлари рост. Ушанда у тўққизинчи синфда ўқирди. Аввал муаллимлар урушга кетди. Кейин болалар... Хўвиллаган синфда орасига қалам қистирилган китоблар очилганча қолаверди.

Ойшахон аянинг кеагидек эсида. Кенжатоий Абдурахим (Ҳозир Абдурахим Файзиматов — райондаги Пушкин номи биринчи ўрта мактабнинг директори) пешанасига муздек латта босиб, юзига сув сочиб ўтирганлари ҳали-ҳали кўз олдидан кетмайди. Бир кун минг қунаг ўхшарди. Хат ташувчи хизрдай туюларди. Каримжон бора солиб Калинин фронтда жангга кирибди. Кейин кўп шакарлардан хатлар келиб турди. Ҳар бир хатини она рўмолчасининг учига тутиб олади. Уғил бошидан ярланиб, уч ой ётганида, хат узилди. Хат ҳам узилди, она юраги ҳам... Пруссияда уч офицер билан уч солдатни асир туширгани учун «Шуҳрат» ордени олганда севинганимизни ай-

тинг! Варшавани озод қилишда қатнашди. 1945 йил 2 майда — чин арафа кунлари Берлинга кириб «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди. 1945 йил сентябрида Ойшахон аянинг уйини тўлдириб кириб келди.

Шабнам тушиб намиққан ғўзапоя аччиқ-аччиқ тутади. Қизилтепа чўлларининг шамоли мўрилардан чиққан тутунни тентиради. Она юртининг тутуни ҳам ширин тотад, дегандек, бу тутун Каримжонга алланарсаларни кўмсатиб қўйди. Ғўзапоя богламаганига ҳам неча йил бўлибди... Кўлларига қаради. Қадок. Қаерда қадок бўлди экан! Евин қувиб, неча кунлар қўлидан автомат тушмаганидами? Иштиқом кунлари тошдай заранг ерларни бўйи барабар қовлаганидами? Эслопмайди.

Чақирик қоғози келгунча, муштдек боши билан туя кўтаролмас юкларни кўтарди. Тунни тонга улади, саратонда ажиққ юлиб, қаҳратонда зовур қазиди. Чндади. Қанча чидаса, интиқом кунини шунча яқинлашарди.

Фашистини қуллаб, оламнинг ярмини айланиб чиққанида чарчамаган йигит эндигина ҳориганини хис қилди. Оёқлари зирқираб кетди. Нега йиллар елкасидан тушмаган, тер ва қон, ўқ ва балчиқ, тўзон ва бомба, қор ва ёмғир исларини шимиб келган шинели ҳам тоғдек босди. Ечиб, кўзига олди.

— Чарчадингизми, Карим тоға! — деб сўради эшакни ниқтаб кетётган бола.

— Ҳа, жиян, чарчадим. Асабларим таранг, яна битта бураса, узилдигандай. Отанг қайтдими?

Боланинг кўзига ёш келди. Энтикди. Фашизмнинг томирини қирқиб, юрт шаҳиди бўлган, қабри олис-олислардаги номсиз тепаликларда қолиб, оналарнинг, келинларнинг, болаларнинг юрагига кўмилган миллионлаб аскарнинг қанчаси шу райондан экан? Биргина кўчадан 495 киши қайтмади. Оламда нима кўп — кўча кўп...

Каримжон фронтдан қайтиб от совутар қилмади. Кетмон кўтариб далага чиқди. Кейин уни партия ташкилотчиси қилиб сайлашди.

Олтиминчи йиллар... Қотмадан келган, балинд бўйли, бугдойранг, чайир йигит фуфайкасини тўриллаб, сариқ эттигига бир разм солди-да, райком секретарининг хонасига кириб кетди. Саломлашиб, креслога омонатгина ўтирди. Райком секретари Каримжонга бошдан-оёқ разм солиб, ўйланиб турди-да, тўсатдан сўраб қолди:

— Партияга қаерда ўтгансиз?

— Жанганда.

— Маълумотим тўққиз синф дедингиз-а? Математикадаги формулаларни қандай ечардингиз?

— Яхши ечардим.

— Колхозингизга оталарингизнинг кўп меҳнати сингган. Шу колхоз ҳозир сизнинг ёрдамин-

гизга муҳтож. Тўрт формулани чапиштириб бир вақтда ечсангиз, план бажарилади. Бу — ер, сув, меҳнат, муҳаббат формуласи. Ана шунда одамларнинг бошини бириктирасиз. Ана шу формулаларни қанчалик тўғри ечсангиз, пахта ва фаровонлик масаласи шунчалик тез ҳал бўлади. Тушунарлими?

— Тушунарли...

— Ишни нимадан бошлайсиз? — деб сўради райком секретари.

— Колхоз кассасида муҳрдан бўлак нарса йўқ экан.

— Қарз берамиз. Уза олармикансиз.

— Қарз узилар, бир амалармиз.

Раис одамларни чақириб масалани ўртага қўйди. — Одам нимага дунёга келади. Бир амаллаб қоринни тўйғазиб-у бемалолроқ ухлашгани? Йўқ! Ватан деган тушунча, сиз ашайдиган уйдан — киндик қони тўкилган ердан бошланади.

Чолларнинг кўзига хирагина, кўримсиз уйлари, тоқчалардаги бетартиб қаланган чинни, сопол идишлар, ёмғир эзиб ёққанда қайтарилган наматлар, кампирларнинг кўзига гуваляк деворлардаги таппиларнинг излари кўриниб кетди.

Раис сўзида давом этарди:

— Торкўчагача обод қиламиз. Токай ўт босган жин кўчаларда сиғирлар арқонини судраб ўтлаб юради! Бутун қишлоқни қайта кураемиз. Артезианлар қазиймиз. Нур олиб келамиз.

Аввал чоллар, кейин бошқалар қўл кўтаришди. Раис сўзининг устидан чиқди.

— Колхознинг тақдирига оямборнинг қоровулидан тортиб раисгача жавобгар бўлиши керак. Негаки, колхознинг тақдирини — деҳқон тақдирини, маданиятини, дастурхонини акс этади. Колхоздаги ҳар бир киши занжир ҳалқаларидек бир-бирига богланиб, битта мақсадга хизмат қилади. Мақсад — коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш. Коммунизм галабаси — КПСС Программасида ёзилганидек — кишиларга боглиқ. Коммунизм ҳам кишилар учун қурилади. Ҳар бир совет киши ўз меҳнати билан коммунизм тантанавини яқинлаштиради.

Ун икки йилдирки, Файзиматов бошчилик қиладиган Партия XXII съезди номидеги колхоз райотининг олдиде. У ҳар йили қовун уруғлар хумга тушишган, беш-беш ярим минг тонналик пахта қарвонларини кузатиб қоларкан, ўша суҳбат эсига келади. Ер, сув меҳнат, муҳаббат формуласи... Ана шу муаммолар доим ёдда туриши керак экан.

Анвар ЭШОНОВ,
Абдуқаҳор ИБРОХИМОВ,
Маҳкам МАҲМУДОВ

Фаргона

Халқимиз ингичка толали пахтани ипакка қиёс қилиб, «ипак пахта» деб ҳам атайди. Жарқўргон ана шундай зар тола берадиган районлардан биридир. Республикада олинадиган жами ингичка толали пахтанинг 23 процентига яқинини шу район меҳнатқашлари етиштирадилар.

Ингичка толали пахта районда 1932 йилдан бери экилади. У оддий толали пахтага қараганда кўп жиҳатдан афзалдир. Ингичка толали пахтанинг меҳнати оғирроқ бўлса ҳам, 1933 йилда унинг ҳосилдорлиги азалдан етиштирилиб келаётган оддий навлар ҳосилдорлигига тенглашди. Айниқса, 1936 йили район пахтакорлари катта ютуққа эришдилар: гектаридан 32 центнердан хирмон кўтарилди. Ингичка толали пахтадан рекорд ҳосил олинганлиги учун Жарқўргон райони Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги кўргазмаси ёрлигини ҳам олган эди.

Бироқ, эришилган муваффақиятлар мустаҳкамланмади, изланишлар янада давом эттирилмади. Сўнги вақтларда районда ингичка толали пахта етиштириши иши сусайиб кетди. 1957 йилдан 1964 йилгача ингичка толали пахта майдонлари қисқарди. Зар толали пахта майдонлари 5 минг гектардан зиёдроқ камайиб кетди.

Нима сабабдан Жарқўргон хўжаликларига ингичка толали пахта майдонлари кескин камайитириб юборилди? Балки табиат инжиқликлари салбий таъсир кўрсатгандир? Йўқ, асло ундай эмас. Бундан ўн икки йил аввал иқлим қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Аксинча, ингичка толали пахта етиштириш учун тупроқ, сув ва бошқа иқтисодий шароитлар тубдан яхшиланди.

Колхозлар ўсди, уларнинг моддий-техника таянчи мустаҳкамланди. Ерларнинг унумдорлиги ошди. Сув танқислиги деярли тугатилди. Ўғит етарли. Ишчи кучи истаганча бор. Ҳар бир колхозда кўпгина мутахассислар ишлаб турибди. Деҳқонлар ингичка толали пахта етиштиришни миридан-сиригача билишади. Пахта ҳосилининг давлатга сотиш ҳажми чегараланмаган.

Экин майдонлари камайиб кетиши — асосан баъзи маҳаллий хўжалик раҳбарларининг ингичка толали пахтага нисбатан эътиборсизлиги оқибатидир. Улар ялли ҳосил ва обрў орқасидан қувиб, қимматбахо ингичка толали пахта майдонларини аста-секин камайитира бордилар.

Бироқ, кўп йиллик тажрибанинг кўрсатишича, Жарқўргон райони хўжаликлари учун ингичка толали пахта ниҳоятда фойдалидир. Мана, бир неча йилдики, райондаги баъзи колхозлар ингичка толали пахтадан мўл ҳосил олиб келмоқдалар. 1963—1967 йилларда оддий толали пахта гектаридан ўртача 31,3 центнердан, ингичка толали пахта эса гектаридан 28,8 центнердан ҳосил берди. Кўриниб турибдики, фарқ 2,5 центнерга етар-етмас.

Кейинги йилларда Жарқўргонда ингичка толали пахтани кўплаб экиш мақсадида анча-мунча ишлар қилинди. 1967 йилда экин майдонлари 5580 гектарга етказилди ва 1964 йилга нисбатан 3543 гектарга кўпайтирилди. Ялли ҳосил эса 12 минг тонна ортиқ етиштирилди. Деҳқончилик маданияти анча ошди, ингичка толали пахтанинг янги, серунум навлари жорий этилди, маҳаллий ва кимёвий ўғитлардан фойдаланиш яхшиланди. Шу тадбирлар нати-

жасида хўжаликлар муттасил мўл ҳосил етиштира бошладилар. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми қарорларидан кейин ингичка толали пахтачилик жадал ривож топди.

Натижада 1967 йилда районда ингичка толали пахтадан 31,3 центнердан ҳосил олинди; бу, областнинг ўртача ҳосилдорлигидан 7,4 центнер зиёд демакдир. Ҳосилдорлиқни оширишда районнинг Норали Боймуродов номли ва «Қизил Октябрь» хўжаликлари биринчилиқни эгалладилар.

Ингичка толали пахта майдонларини камайитириб юборган хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари қаттиқ янглишмоқдалар. Аслида ингичка толали пахта ҳосилдорлиги оддий толали пахта ҳосилдорлигига тенглашиши шарт эмас. Шунга қарамастан, бир хил ишлаб чиқариш шароитларида ингичка толали пахта оддий толали пахтадан қолишмайдиغان миқдорда ҳосил бермоқда.

Агар ялли ҳосилнинг ҳаммасини давлатга сотишни назарда тутсак, ингичка толали пахтанинг иқтисодий жиҳатдан анча фойдали эканлиги янада равшан кўринади. Район хўжаликлари оддий толали пахтанинг бир тоннаси учун давлатдан 402 сўм олсалар, ингичка толали пахтанинг бир тоннаси учун эса 760 сўм оладилар.

«Москва» колхозида ингичка толали пахтачилик зулқисиз ривожланмоқда. 1965—1967 йилларда пахта майдони ўрта ҳисобда 170 гектардан кўпайиб, 1300 гектарга етди. Хўжалик ингичка толали пахтанинг ҳар гектаридан 2500 сўм, яъни оддий толали пахтанинг бир гектаридан олинаётган пул даромадидан икки ҳисса ортиқ даромад олмақда. Ҳосилдорлик ҳам кам эмас. Утган мавсумда ингичка толали пахтанинг гектаридан 31,4 центнердан хирмон кўтарилди. Ялли ҳосил эса 40.818 центнерни ташкил этди. Бу, 1964 йилдаги ялли ҳосилдан 18.690 центнер ортиқ.

Хўжалиқнинг ишлаб чиқариш ва жамоат фондларига кўпроқ пул ажратилиши билан айнаи вақтда пахтакорларнинг моддий фаровонлиги йил сайин яхшиланиб бормоқда. Чунки ялли пул даромадининг ярмидан ошикроғи меҳнат ҳақи жағмармасига ажратилади. Колхозчилар ҳаётининг маданий даражаси ҳам юксалмоқда.

Жарқўргон районининг бошқа хўжаликларидаги ишлаб чиқариш шароитлари «Москва» колхозидан гадан қолишмайди. Лекин бошқа хўжаликларда ингичка толали пахтачиликнинг ривожланиши ҳозирги куннинг талабига мувофиқ жавоб бермайди. Пахта майдонини кенгайтириш борасида айтарли ўзгаришлар сезилмаётир. Райондаги 15.738 гектар пахта майдонининг 8.000 гектари, яъни 51 проценти ингичка толали пахта учун ажратилган. Кўпчилик хўжаликларда эса бундан ҳам оз.

Ингичка толали пахта! Яқиндагина бу Жарқўргон районининг ифтихори эди. Жарқўргонликларнинг доврuginи Ўзбекистондагина эмас, ҳатто Иттифоқимизда танитган ҳам шу зар тола бўлди.


Хуллас, ингичка толали пахтага эътибор кучайтирилса, Жарқўргоннинг бир вақтлардаги доврuginи яна тикланиши ва янгидан янграши турган гап. Буни жарқўргонликларнинг ўзлари ҳам яхши билдилар.

Бойқобил КУЧАРОВ

ЗАР ТОЛА

Авиация деҳқоннинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қолди. Суратда: Оққўргон районидagi «Ленинобод» колхози далаларида гўзаларни дориллаш.

А. АБАЛЯН фотоси





Тўнқизинчи беш йилликнинг гиганти — Андижон денгизи нўпмиллатли коллективнинг фидонорона меҳнати билан барпо этилмоқда. Суратда: кўрилишнинг илғор бетончилари Анна Чечуро ва Маъруфжон Жўраев.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



Б. МИЗРОХИН фотоси

Дружина байроқдорлари.

Таклифлар, истаклар

Кейинги ўн йилда республикаимиз колхоз ва совхозларида қурилиш ишлари кенг қулоч бўйди. Қишлоқ марказларида қад кўтарган шинам ва қулай бинолар деҳқонларимизнинг фаровон турмушидан далолат бермоқда.

КПСС XXIV съезди қарорлари асосида тўққизинчи беш йилликда республикаимиз қишлоқларида турар-жой, жамоат бинолари ва иншоотларини яна ҳам кўпайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Мирзачўл, Қарши чўли, Фарғона водийси ва бошқа янги ўзлаштирилган ерларда ўнлаб колхоз ва совхозлар бунёд этилмоқда. Бундан ташқари, кўпгина қишлоқ марказлари қайта қурилмоқда. Бу эса меъморлар, лойиҳачилар зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклайди.

Меъморларимиз сўнгги йилларда турар-жой ва жамоат биноларининг тежамли ҳамда аҳоли дидига муносиб, намунали лойиҳаларини яратиш бўйича катта иш олиб бормоқдалар. Бундай лойиҳалар асосида қурилган иморатлар республикаимиз қишлоқларининг кўржига кўрк қўшмоқда.

Айтиш керакки, яратилаётган намунали лойиҳалар, кўпгина ижобий томонларидан қатъий назар, гоҳо савдо ва маиший хизмат кўрсатиш борасида аҳоли эҳтижларини тўла қондиролмаётир. Бундан ташқари, мазкур лойиҳалар бўйича кейинги ўн йил ичида бунёд этилган биноларни кузатиш шунинг кўрсатдики, Ўзбекистоннинг кескин ўзгарувчан иқлими, сейсмик шароитлари, маҳаллий хусусиятлари ва қадимий анъаналари етарлича ҳисобга олинмаган. Шунингдек, уларда халқимиз миллий меъморчилигининг илгор услубларидан кам фойдаланилган. Энг ачинарлиси, колхоз ва совхоз марказларини қуриш тажрибасида маданий-оқартув, савдо ва маиший хизматга мўлжалланган бинолар кўпинча тарқоқ ҳолда жойлаштирилади. Бу нарса қурилишнинг қимматга туширади, бебаҳо экинзорларни қурилиш майдонига айлантиришга олиб келади, коммуникация тадбирларига, қишлоқ марказини суғориш ва кўкаламазорлаштириш ишларига ортиқча маблағ сарфланишини талаб этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг қатор илмий-тадқиқот институтлари II ва III иқлим зонасидаги совхоз марказларининг маданий-оқартув, савдо ва маиший хизмат биноларини кооперативлаштириш борасида янги режалар, лойиҳалар яратмоқдалар. Таассуфки, баъзи лойиҳаларда совхоз маркази ҳисобига кирувчи ҳамма турдаги иншоотларни кооперативлашга етарли аҳамият берилмаган, улар синовдан ҳам ўтказилмаган.

Тошкент Политехника институти архитектура факультетининг жамоат биноларини меъморчилик-лойиҳалаш кафедраси беш-олти йил давомида республика қишлоқларидаги жамоат биноларининг лойиҳаси ва қурилишини текшириш бўйича илмий тадқиқот олиб борди. Бу ишлар заминида совхоз марказларида маъмурий биноларининг янги наму-

наларини қуриш режаси ишлаб чиқилди. Режа маданий-оқартув, савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи жамоат биноларини максимал даражада бирлаштиришга асосланган. Шунинг учун вестибюль, кийимхона, санузел каби ёрдамчи хоналар ҳисобига кетадиган анча майдон тежаб қолинди.

Биз тарих фанлари кандидати Х. Убайдуллаев ва архитектор И. Абдурахмонов билан ҳамкорликда ўлкаимизнинг ўзига хос иқлим ва этник шароитларини ҳисобга олган ҳолда совхоз марказлари учун биноларининг кооперация асосидаги лойиҳасининг уч турини ишлаб чиқдик.

Уларнинг биринчиси 500 тагача одам истиқомат қиладиган, иккинчи тури 2000 тагача ва учинчиси 4000 тагача аҳоли яшайдиган марказлар учун мўлжалланган. Учала лойиҳанинг ҳар қайсида клуб, ошхона, чойхона, маиший хизмат комбинати, меҳмонхона, алоқа бўлими ва омонат касса, кутубхона, маъмурий бино қуриш кўзда тутилган.

Авторлар томонидан кооператив биноларининг кооперация асосида ҳар қайси турининг уч хил вариантлари ишлаб чиқилди. Ҳамма вариантларда ҳам бинолар икки-уч қаватдан ошмайди. Уларни режалаштириш, меъморчилик, миқёс, массафа, бадий жиҳатларини белгилашда республикаимизнинг иссиқ иқлими, сейсмик шароитлари, халқ урф-одатлари ҳисобга олинди. Шунингдек, юртимиз қишлоқларида намунали ва хусусий лойиҳалар асосида қурилган ўнлаб маданий-оқартув, савдо ва маиший хизмат кўрсатув жамоат биноларидан фойдаланиш жараёни узоқ ўрганилди. Бундан буён томоша заллари, ошхона, чойхона каби кўпчилик йиғиладиган биноларнинг иложи борича баҳоли бўлишига эътибор берилмоқда.

Илмий тадқиқотлар шунинг кўрсатмоқдаки, жамоат марказларини мумкин қадар тўлиқ кооперация асосида фақат меъморий-бадий кўркемчилигига эмас, балки муайян тежамкорлик натижаларига ҳам эришиш мумкин экан. Бу эса давлат харажатларининг 15—17 процентини тежаб қолиш демакдир.



Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат қурилиш бошқармаси лойиҳаларимиз мазмунини маъқуллади. Шунга қарамай, республикаимизда совхоз ва колхоз марказларидаги жамоат биноларининг бу янги намуналарини амалда қуриб, синаб кўрилиши, негадир, кечиктириляётир. Олтириқ районидagi «Пахтакор» совхозида кооперация асосида тузилган янги лойиҳа бўйича маъмурий марказ қурилиши эндигина бошланмоқда.

Қарши чўли, Мирзачўл ва Фарғона водийси, умуман, янги ўзлаштирилаётган ерлардаги колхоз марказларида кооператив бинолар қурилиши, шубҳасиз, меъморчилигимиз маданиятини кўтаришга, давлат маблағларини тежаб қолишга катта имконият яратган бўлур эди.

Абдулла БОБОХОНОВ,
СССР халқ архитектори, профессор

КЎРКАМ ВА АРЗОН

Қишлоқ марказларининг табиий ва иш шароити, аҳоли миллий анъаналари назарга олиб қуриладиган биноларининг намунали лойиҳалари.



БУЮК ҚОМУСЧИ

Бутун Шарқда илгор табиий-илмий, фалсафий тафаккур тараққиёти Форобийдан кейин, Ибн Сино билан бир вақтда Абурайхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний катта таъсир кўрсатди.

Абурайхон Беруний — ажойиб олим, теран файласуф, илмий интилишларнинг ранг-баранглиги, фикрий парвозининг юксаклиги билан ҳаммани ҳайратга солган ҳадоқдор. Буюк қомусчи мутафаккир, ўрта асрларнинг улуг гуманисти Беруний табиёт, фалсафа, тарих, филология фанларининг энг муҳим муаммоларига бағишланган 150 дан зиёд асар мерос қолдирган.

Биз бу мақолада ўқувчиларимиз эътиборини Берунийнинг билиш методи, табиат, жамият ва инсонга доир қарашларига жалб этмоқчимиз.

БЕРУНИЙ БИЛИШ МЕТОДИ ҲАҚИДА

Буюк табиётчи Абурайхон Беруний ўзининг салафлари, хусусан, Аҳмад Фароний (IX аср) ва Муҳаммад Хоразмий (X аср) ишлаб чиққан илмий билиш методини ривожлантириб, янада чуқурлаштириб, жуда қимматли ғолиб илгари сурди. Олимнинг айтишича, мушоҳадаларнинг мўлдилги инсонда кўрган нарсаларини эслаб қолди қолиятининг ажувдага келтиради. Бу қонда барча санъатларга, яъни барча фанларга таваллуқлидир. Беруний халқнинг бир ўғитини келтиради: «Билимнинг шундай пухта бўлсинки, у либосининг ечганинда ва ҳаммомда терлаганинда йўқолиб кетмасин».

Беруний хотиранинг аҳамияти ҳақида жуда ажойиб фикр айтади. «Асоси, заминни бор ҳамма нарсалар хотирада яхшироқ сақланиб қолади, тезроқ ва осонроқ ёдланади».

Тўғри, Беруний инсон хотираси ҳақида гапирганда материалистик қарашлардан қисман чекинади. Одам хотирасини оллоҳнинг ҳақси деб билиб, уни кейинчалик ўзлаштириш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Аммо бошқа бир ўринда унинг ўзи бу қондан инкор қилади, куч-ғайрат кўрсатиш ҳақида машаққатли машғулотлар натижасида юксак хотирага эришиш мумкин, дейди.

Кўриниб турибдики, Беруний табиатшуносларга табиат ҳодисаларини кузатиш, уларни кўриш ва хотирлаб бориш зарурлигини тавсия қилишдан ташқари, илмий тадқиқот учун куч-ғайрат ва машаққатли машғулотлар, яъни тажриба зарурлигини таъкидлайди. Урта Осиё, Яқин ва Урта Шарқда тажрибага таянувчи фанларнинг асосчиларидан бўлган Беруний табиат ҳодисаларини билишда мантикий ҳулоса, қиёслаганинг бениҳоя аҳамиятини уқтириб ўтади. Тарихий воқеа-ҳодисаларни ўрганиш ва умумлаштириш соҳасида Беруний қўлаган ва ҳар томонлама асослаб берган метод эътиборга сазовордир. Олимнинг тарихий илмий билиш методи ҳақидаги фикрлари қизиқарлидир. Унинг айтишича, тарихий воқеаларни ўрганишда қадимий халқларнинг афсоналарини ва ўтмиш авлодлар қолдирган маълумотларни билиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу афсоналар, маълумотларнинг кўпчилигида ўша халқлар ҳаётининг тафсилотлари, узоқ вақтлардан сақланиб қолган урф-одат ва қонунарий акс этади. Тарихий воқеа-ҳодисаларни фақат мантикий ҳулосалар йўли билан ёки эшитилган нарсаларга қиёслаб йўли билан билиш қийин. Бинобарин, қалам аҳлининг, турли динлар, таълимотлар ва маънавиятга эътиқод қўйган, ана шу эътиқодларга риоя қилган кишиларнинг гувоҳликларига ишонишга тўғри келади. Фани янада ривожлантириш учун, ана шу кишиларнинг фикрларини асос қилиб олиб, сўнгра улар далил сифатида келтирган сўзлар ва фикрларини ўзаро таққослаш зарур. Бироқ бу ишга киришишдан аввал олим ўз руҳини ҳақиқатни қуришга ҳалақит берувчи турли иллатлардан тозалаш зарур. Негаки, бу иллатлар кўпчилигини бузди. Чунончи, қўндоқда теккан ёмон одатлардан — қизиққонликдан, рақобат, гайрилик, бахилликдан, тубан эхтиросларга қўл бўлишдан, ҳокимият таловишдан ва шу сингари иллатлардан халос бўлиш керак. Бу ҳақиқатга эришишнинг энг

яхши йўлидир. Ҳақиқатни хиралаштирувчи бўлса ва иккиланишлар ҳоқидан кутулушнинг таъсирчан воситаси шудир. Бу иллатлардан кутулмай туриб, олим ҳар қанча машаққат чекса ҳам, тинимсиз куч-ғайрат сарфласа ҳам, мақсадга эриша олмайд.

Беруний тарихий воқеа-ҳодисалар замиридаги ҳақиқатни билишга алоқадор масалаларни айрим-айрим қисмларга бўлади ва шу тариқа олимларни сохта йўлга олиб кетишдан оғохлантиради. Илм-фани нозик тушуновчи шарҳунос Абурайхон Беруний ёзма манбалардаги маълумотларнинг, кўрилган ва эшитилган маълумотларнинг ҳоқиятини бир-биридан фарқлайди. Ахборот бошқа, кўз билан кўриш бошқа, деган фикрга мутафаккир катта эътибор билан қарайди. Дарҳақиқат, воқеа-ҳодисани ўз кўзи билан кўрган киши ўша воқеа-ҳодисанинг ҳоқиятини содир бўлаётган вақтда ва жойда идрок этади. Ахборот, муайян камчиликлардан қатъий назар, кўриб билишдан афзалроқдир. Чунки, кўриб билиш ҳаётнинг бир бўлаги билан, вақтинг муайян бир бўлаги билан чекланади. Ахборот эса муайян вақт бўлагини ундан аввалги ҳақида ундан кейинги вақт билан биргаликда акс эттиради. Шу тариқа, ёзма ахборот муайян вақтда содир бўлган воқеани ҳам, ўша вақтда юз бермаган воқеани ҳам қамраб олади. Шунинг учун ёзма ахборот ҳар қандай бошқа турдаги ахборотлардан афзалроқдир. Қалам аҳлининг абадий обидалари бўлмаганда қадимий халқларнинг афсоналарини қаёқдан биламиз эдик, дейди олим. Шуниси қизиқки, Абурайхон Беруний ёлгон ахборотларнинг конкрет ва умумий илмларини очиб кўрсатади. Турли гуруҳдаги одамларнинг манфаатлари эътиборини, уларнинг майли, истаклари, эхтирослари, ғазаб, муҳаббат ва нафрати, шунингдек, айрим табиатдан тубан одамларнинг ёлгон ёрдамда фароғатга эришишга интилиши ёки ёвузликдан қўрқиб қоби сабаблар оқибатида ёлгон ахборотлар туғилади. Айрим одамлар иродасизлик ёки қўрқонликлар туфайли ёлгон гапирдилар. Беруний ёлгонга, сохталikka қарши чиққанларни жасур одамлар деб санади. Олимнинг фикрича, чинакам жасорат сўзда ёки хатти-ҳаракатда ўлимни менсимасликда, ёлгонга қарши курашда намоён бўлади. Фақат ёлгондан нари юрадиганлар, ҳақиқатга амал қилмайдиганлар таҳсин ва мактоғва лойқадирлар. Бундай одамларга ҳатто ёлгончилар ҳам қойил қолса, таҳсин айтадилар. Бошинга қилич келса ҳам, рост гапир, дейишди улуғлар.

Беруний табиат ҳодисаларини ва ижтимоий тарихий воқеаларни объектив, илмий, ҳақиқоний ўрганиш тарафдори эди.

Оламини ўрганишда Беруний тил билиш, айниқса, ҳинд тилини билишнинг муҳим аҳамиятини таъкидлайди. Олим «Ҳиндистон» асарига бу ҳақида шундай деб ёзади: «Ҳиндларнинг ҳамма нарсалари, бошқа халқларники сингари, биздан андан ўзгарадир. Бошқа халқлардаги каби, аввало, луғат ва тилларида ҳам тафовут бор. Бу тафовутни ҳеч бир киши бартараф қилолмайди. Чунки уларнинг тили бой ва кенг, араб тили каби, маълум бир нарса бйрон ўзакдан олиниб, ўзига хос қилиб белгиланган бир мунча исмлар билан аталади, мақсадини ифода қилишда сифатларини кўпроқ айтишга эҳтиёж туғилмайдиган кўпгина нарсаларга бир исм берилмади.»

Шу билан бирга, ҳиндларнинг ҳар хил илмлар ҳақидаги китоблари ўз завқларига мос, турли вазнларда тизма — шеър қилиб тuzилган. Бундай қилишдан мақсадлари ўша китобларни ўз ҳолича ва миқдорича сақлаб қолишдир. Чунки китоб тизма шаклида ёзилса, ичига бир сўз (ёки ҳарф) қўшилса ёки қамайтирилса, вазин бўлиниб, ўзгаришига қарши дарров сезилади ва иккинчидан, тизмани ёдлаш осон бўлади. Улар ёзишга эмас, балки ёдлашга аҳамият берадилар. Маълумки, тизма равишда ёзим вазинларни текислаш ва бу текислашда етишмаган жойини тўлдирish учун сўз қидириш каби қийинликлардан холи бўлмайди ва сўзларни кўпайтиришни тақозо этади. Нарсалар исмларининг турлича айтилиш сабабларининг биттаси шу. Бу ҳол улардаги асарларни ўрганишни қийинлаштирадиган сабаблардандир.

Форс, араб, юнон, ҳинд ва бошқа тилларни бил-

ган Беруний бу ўринда ажойиб филолог олим эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, кузатиш, кўриш, тажриба қилиш, мантикий умумлашлар чиқариш, маълумотларни йиғиш, оғзак афсоналарни ва ёзма обидаларни ўрганиш, бу маълумотлар, манбаларга таъқиқий кўз билан қараш, ҳақиқатни аниқлаш учун уларни ўзаро таққослаш, тилини, унинг қурилишини, ёзувини билиш — буюк олим Абурайхон Беруний илмий методининг асосини ташкил этади.

БЕРУНИЙ ВА ФАЛСАФА ТАРИХИ

Беруний Урта Осиё, Ҳиндистон ҳамда араб ва юнон фалсафаси, табиий фанлари тарихини чуқур ўрганиш ҳақида ўзига хос ҳулоса ва умумлашмалар ясади. У тажриба ва мустиқил тадқиқотлар натижасида бу фанларни ниҳоят даражада бойитди ҳамда жаҳон маданий тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди. Биз кўида гениал табиатшунос-файласуфнинг ўша давр турли фанларига доир айрим фикр-мулоҳазаларини келтириш билан kifволанамиз.

Беруний дурдона асари «Ҳиндистонда шундай фикрни айтади: «Бу тортишиш ва баҳсланиш китоби эмас, шунинг учун бу китобда рақибларнинг далилларини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиққанларга қаршилик кўрсатмайман. Бу фақат баён қилиш китобидир, холос».

Мен бунда ҳиндлар сўзини ўзича ёзмаман, уларнинг юнонлар билан ақилликлари борлигини билдириш учун унга юнонларнинг шу хилдаги сўзларидан қўшаман. Чунки юнон файласуфлари ҳақиқатни баён қилишга уринсалар ҳам, авом халққа тегишли тушуночаларда уларнинг эътиқодлар ва тариқатларидан четга чиқа олмайдилар.

Юнонларнинг сўзлари билан биргаликда бошқаларнинг сўзларини баён қилмайман, фақатгина сўфяннинг ёки насоранинг тоифаларидан бирон-тасининг сўзини қўшиб баён қиламан. Чунки ҳаммаларининг ҳуллу ва иттиҳод¹ хусусидаги тушуночалари бир-бирига яқиндир.

Мен илгари ҳиндларнинг иккита китобини арабчага таржима қилган эдим. Уларнинг бири, бошлангиш ва мавжудот таъсифи ҳақида бўлиб, «Санхья» деб аталади. Иккинчиси, жонни бадан қафасидан қутқазиб тўғрисида битилган, у «Платан-Шарк» номи билан машҳурдир. Бу икки китобда ҳиндларнинг тариқат ҳукмлари эмас, балки эътиқодлари асосларининг кўпчилиги баён қилинган. Унид қилмаганим, шу китобни (бу мавзунин) баён қилишда халғи икки китобнинг ва улардан бошқа китобларнинг ўрнига ўтар ҳамда талабга тўла жаоб берар...»

Ҳинд материалистик фалсафасидаги қарашларни таҳлил қилар экан, Беруний ҳиндлар орасида кенг тарқалган оламнинг яратилишига доир тасаввур фақат авом халқ тасаввур эканлигини тўғри таъкидлайди. Олим ҳиндларнинг модда абадийлиги ҳақидаги фикрини келтириб, улар оламнинг яратилиши деганда бирор нарсанинг йўқ нарсадан яратилишини кўзда тутмайлар, дейди.

Беруний ҳинд материалистик фалсафасининг асосларини баён этаркан, табиат ҳақидаги ўз нуқта-назарини айтади.

«Ҳиндистон» асарига ёзилишича, машҳур кимёгар Муҳаммад ибн Закарё Розий, бурунги юнонларнинг, беш нарсани қадимдан бор деб эътиқод қилишларини айтиб, бу беш нарса: пок тағрир, умумий руҳ, ҳуёла — бирламчи модда, абстракт замон, абстракт макондир, деган ўз маънабининг асосини шу эътиқодга қурган ва замон билан мудар орасида айрма кўрсатиб, «Уларнинг бирига

¹ Хулуд ва иттиҳод — икки жойим бирлашиб, қўшилиб кетиши. Хулуд тарафдорларининг таъбирча, худо ҳар ерда ҳозир ва ноизор, у ҳар бир нарсани ва нарсаларнинг ҳар бир бўлагига бирлашиб, унда зўхур этади, демак, улрча ҳар бир нарсанига худо дейиш жоиз бўлади.

сон тўғри келади, соннинг чеки бўлмагани туйфали бошқасига сон тўғри келмайди», деб тушунган. Шунингдек, файласуфлар, аввали ва охири бор нарсани замон деб, аввали ва охири йўқ нарсани дахр (абдийлик) деб белгиланганлар.

Розий ҳалиги беш нарсанинг шу борлиқда бўлиши зарур, деган. Шу борлиқда сезилмаган ва кўринадиган нарсалар ўша беш нарсдан таркиб топиб, шаклга кирувчи ва бирон жойга жойлашувчи моддалардир. Уларга, албатта, жой керак, аҳволининг турлича бўлишига қараб замон ҳам керак; чунки, моддаларнинг баъзиси олдин, баъзиси кейин вужудга келади. Уларнинг қадимлиги ва янги пайдо бўлганлиги ҳамда жуда қадимлиги ва жуда янгилиги замон воситаси билан билнади. Демак, борлиқда замоннинг бўлиши зарур, борлиқда тирик зотлар бор, шунинг учун нафс (руҳ)нинг бўлиши зарур. Тириклар орасида ақл эгалари ва гоят даражада моҳир санъат арбоблари бор; шундай бўлгач, ақлни гоят даражада тузатиб, унинг қувватини руҳини халос қила олиш мартабасига эриштирадиган ҳижмат эгаси, билимдон ва моҳир яратувчининг бўлиши зарур, деб баён қилганлар.

Фикр эгаларининг баъзиси дахрга ҳам, замонга ҳам битта маъно бериб, улардаги ҳаракат ниҳояланади, деган.

Демак, ар-Розийнинг фикрича, яратувчи ва умумолам руҳи билан бир қаторда, бирламчи материя, макон ва замон абдий мавжуддир.

Беруний юқорида бу ҳақда ўз нуқтаи назарини билдирмаса ҳам, лекин материянинг абдийлигини эътироф этади, шунингдек, материянинг мавжудлигини макон ва замоннинг мавжудлиги билан боғлайди.

Берунийнинг фикрича, материя ҳаракатдадир. У «Ҳиндистон» китобида ҳаракат ҳақида гапириб, Аристотель ва Птолемейнинг фикрларини келтиради. «Тўққизинчи фалак ҳақида одамлар турли фикрдалар; баъзилари: (сақкизинчи фалакни) шарқдан ғарбга қараб айланишга мажбур қилган нарса уни ўраб олган (тўққизинчи) фалакдир», деса, баъзилари эса: «Ҳаракатнинг сабабчиси бўлса ҳам, тўққизинчи фалакнинг ўзи ҳаракат қилмайди», дейди. Биринчи гуруҳнинг мақсади маълум. Лекин Арасту: «Ҳаракат қилувчи ҳар бир нарса ташқаридан ҳаракат қилдирувчи вужуд сабабли ҳаракат этади; шу тўққизинчи фалакдан ташқари уни ҳаракат қилдирувчи нарса бор бўлиши керак. Шундай бўлгач, тўққизинчи фалак бўлмасданоқ, сақкиз фалакни ҳаракат қилдирувчи зотнинг борлигига нима тўққизинчи қилади?» деган.

Бу ўринда Беруний Аристотелнинг ташқаридан ҳаракатга келтирувчи вужуд, биринчи туртки, ҳаракатдаги вужуддан ташқаридаги тўққизинчи осмон ҳақидаги фикрларига шубҳа билдиради.

Шундан кейин Беруний мазкур масала хусусида Птолемейнинг мулоҳазаларини келтиради: «Ябтлимус ўзининг «Мажастий» деган китобининг бошида шу фикр ҳақида бундай дейди: «Биз дастлабки умумий ҳаракатни ягона ва алоҳида, деб гумон қилсақ, унинг дастлабки сабабчиси бир мавбуд эканини фаҳмлаймиз ва бу хилдаги баҳсини илоҳий баҳс деб атаймиз. Бундай тазсир (эгасининг олам юқори томонининг энг юқорисидан бўлишини ва унинг сезилмаган моддаларга албатта эид эканини ақл билан биламиз... Аммо ҳаракатдаги бу чегара — оламнинг нарғи томонда, ҳаракатсиз ва чексиз (катта) бир жисм ёки чексиз бўшлиқ борлигини қабул этувчилар сўзларининг, шунингдек, бўшлиқни ҳам, тўлиқликни ҳам йўқ дегувчилар гапларининг биз баён қилиб турган масалага алоқаси йўқ».

Кўриниб турибдики, Беруний бу масалада ҳам ўз муносабатини ошқора айтмайди. Лекин шуниси аниқки, олим ташқаридан ҳаракатга келтирувчи вужудни на сокин муаллақ жисм, на чексиз бўшлиқ, на қандайдир номаълум жисм сифатида тан олади.

Абурайхон Беруний табиат, моддий оламнинг маконда, замонда, ҳаракатда мавжудлигини эътироф этар ва исботлар экан, ана шу соҳада ўзининг мазмунга бой дурдона асарларини яратди.

БЕРУНИЙНИНГ БАЪЗИ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ ҲАҚИДА

Беруний Қуёш ва унинг нурлари, Ернинг ҳарорати ҳақида қизиқарли фикрлар аятади: «Қуёш нури ҳақида кўп гапирилган. Биров: «У, Қуёшнинг ўзига ўхшаш оловсимон зарралар бўлиб, Қуёш танасидан чиқади» деса, биров: «Ҳаво оловга рўпара келганда иситгани сингари Қуёшга рўпара келиб исийди», дейди. Бу, «Қуёш оловдек иссиқ», дегувчининг фикричадир. Яна биров, «Қуёш нури ҳавода жуда тез, ҳатто, худди замон-



АБУРАЙХОН БЕРУНИЙ.

А. ВЕНЕДИКОВ ЧИЗГАН

сиз суръат билан юриши сабабли ҳаво исийди», дейди. Бу — «Қуёш табиати тўрт унсур табиатдан ташқари», дегувчининг фикричадир.

Шунингдек, Қуёш нурининг ҳаракати масаласида ҳам ихтилофлар бор. Баъзилар: «У замонсиздир, чунки жисм эмас» десалар, баъзилар: «Унинг замони тез, лекин ундан ҳам тезроқ бирор нарса йўқ ва (нур) тезлигини сезиб бўлмайди. Чунки, таққослаганда овоз ҳаракати нур ҳаракатидан секинроқдир, нур шу жиҳатдан унга қисб қилиниб, замони у билан билинади», дейдилар.

Қуёш нурида мавжуд ҳароратга (баъзилар) нур акси бурчакларининг ўткирлиги сабабдир, деганлар. У бундай эмас, балки нурнинг ўзида ҳарорат мавжуд.

Фалак ичкарисига тегиб турган жисмга, яъни оловга келганда, бун тупроқ, сув, ҳаво каби асосий ва табиийдир, қурра шаклидадир, деб гумон қилганлар. Бизнингча, олов фалакнинг ҳавога ишқаланиши, уни тирмалаш ва тез ҳаракати билан унга тегавериши сабабли ҳавонинг исшидан иборатдир; шакли эса ҳилолий шаклнинг ўз ватариди¹ айлантирилишидан пайдо бўладиган жисмга ўхшашдир. Бу фикр «Мавжуд жисмларнинг ҳеч бири ўзининг табиий ўрнида эмас, барчасининг азалий бўлиши мумкин эмас», деган маҳзабга мувофиқдир. Бу масалани шу китобдан кўра муносиброқ жойда, айниқса мен билан фозил йигит Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино орасида шу боб устида бўлган музокараларда баён этдим.

Иккала ҳарорат йилининг тўрт фаслида ерга бориб етишда бир-бирига тенгдир. Ердagi ҳароратга келганда, бир гуруҳ фикрича, бунга ё Қуёш нурларининг ер сатҳидан акс этиши, ёки ер ичкарисига жойлашганлиги, ёки бошқа бир гуруҳ фикрича, ер устидан ўтувчи, иссиқ кўзготиб юборадиган бўлса сабаб бўлади, чунки бу ҳавода ҳаракат ҳосил қилади.

Олов ҳарорати эса яқинлашмайди ҳам, узоклашмайди ҳам, чунки фалак тезлашмай ва секинлашмай (ҳаракат қилади). Акс этувчи нурларга келганда, уларнинг ерга алоқаси йўқ, буларнинг эса бориб етадиган ва ундан ўтмайдиган чегараси бор. Гумонимча, бу сўзни айтган киши ерда (доимо) сақланиб турадиган ҳарорат мавжуд, ҳаво Қуёш нурлари билан иситган вақтда у ҳарорат ер ичидан сиртга чиқади-да, иккови бир-бири билан учрашади, деб тушунса керак. Бу зарур бўлганда айтиладиган важдир». Берунийнинг бу сўзларида Қуёш ва унинг нурлари, ёруғлик ҳаракатининг тезлиги, Ер ва унинг ҳаво ҳақида қанчадан-қанча муҳим фикрлари маънисомлашган!

Қадиимги вақтларда инсонларнинг қуёш, унинг нурлари, структураси ҳақида билимлари жуда чекланган эди. Табиийки, у вақтларда Қуёш — шар шаклидаги тэссимон оловли самовий жисм эканлигини, Қуёшдан тарқаладиган қудратли энергия жуда катта ядро реакциялари натижаси эканлигини, Қуёш ҳажм жиҳатдан Ердан 1301 баравар катта эканлигини, Қуёш атропо-теваракка сочадиган нурининг умумий қуввати 4 · 10³³ эрг. секунд эканлигини, бу улкан қувватнинг фалақат 2.200.000.000 дан бир улшугина Ерга етиб келишини билмас эдилар. У вақтларда Қуёшнинг ички тузилиши, бу сайбра атмосферасининг кимёвий таркиби, унинг айланиши, Қуёш тожи, радионурланиши ўрганилмаган эди.

Шуларнинг ҳаммасига қарамай, Беруний даҳоси Қуёш сирларини кашф этишга имкон берди. Олим Қуёшнинг қайноқ, оловли жисм эканлигини, Қуёш нури ҳаракатидан тезроқ ҳаракатланувчи нарса йўқлигини, фақат нур ҳаракатини товуш ҳаракати билан қисблагандagina унинг тезлигини аниқлаш мумкинлигини ўқтирган эди. Берунийнинг фикрича, Ер Қуёшдан олиб турадиган ҳарорат Қуёш нурларининг ўзида мавжуд. Қуёш ҳароратидан ташқари Ернинг ўз ҳарорати ҳам бор. Бу ҳарорат Ер қаъридаги сиқилган иссиқликдан ҳосил бўлиб, у

¹ Ватар — ўқи.

юзага чиққанда Кувейт нурлари ҳарорати билан тўқнашади.

Беруний Ер ҳақида, тоғлар, дашт-саҳролар ва уларнинг пайдо бўлиши тўғрисида, денгиз ва океанлар, фойдали қазилмалар, минераллар ва уларнинг хоссалари ҳақида жуда кўп қимматли маълумотлар беради. Унинг жаҳон палеонтология ва геология фанларига қўшган ҳиссаси бебаҳо. Абурайхон Беруний чиндан ҳам буюк табиатшунослар!

Беруний асарларини ўқир эканмиз, унинг ақлидан, истеъдодидан, дедиқлиги ва жасоратидан, унинг табиатга доир диалектик фикрлари, материалистик қарашларидан ҳайратланмай илож йўқ.

У, замондоши ибн Сино ҳақида нақадар саямиёт билан гапирди! Бутун бир тарихий даврдан олдин кетиб, астрономиянинг энг янги муваффақиятларини тарғиб қилиш учун Берунийдек ҳақиқат фидойиси бўлиш лозим. Берунийнинг ёзишча, Пулисга ўзининг «Сиддиконтас»ида айтдики, иону Паулиса бир жойда Ерни курра шакли, бошқа жойда эса юзи ясси шаклда, деган. Иккала гапи ҳам тўғри,— деб ёзди Беруний.— Чунки Ер юзи юмалоқ, диаметри эса тўғридир. Паулиса Ернинг шакли куррадан бошқача эмаслигига ишонган, бунга ўзининг кўпчилик мулоҳазалари ҳамда Бароҳамиҳира, Оряхтата, Дева, Шрешена, Вишнунандра ва Бароҳим каби олимларнинг бир оғзидан Ер курра шакли дейишлари далил бўлган. Чунки Ер юмалоқ бўлмаганда одамлар яшайдиган жойлар кенглиги географик минтақаларга ажралмас эди, ёзу қишда кеча билан кундуз узунлиги ўзгармас эди, ёритилганининг уфққа нисбатан вазиятлари ва суткали йўллари ҳозиргидек кўринишда бўлмас эди.

Олим яна бир ўринда Ернинг ҳаракати ҳақида Пулисга, Браҳмагупта ва Бароҳиханнинг фикрларига муносабат билдириб айтдики, «Осмоннинг дақиқалари (даври) 21600 пронадир. Прона нафас демакдир. Чунки, уларнинг ўйлашча эватор нуқтасининг бир дақиқа (минут ёйича) силижиши учун одамнинг бир нафас олиш вақти ўтади. Биз уларнинг фикрларини тўғри деймиз. Ер кун чиқишига қараб шунчалик нафас давомийда тўла айланб чиқади, десак, Ер ва Осмон айланishi уйғунлиги ва мувофиқлигига нима тўсқинлик қилади? Браҳмагуптанинг назарида, тенг вақтда осмон айлангандек бўлади. Кейин Ернинг айланishi ҳаракати назариса астрономия фанига ҳеч бир зарар келтирмайди, балки Ерда ўзи берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга текис давом этаверади. Аммо бошқа жиҳатлардан бунга имкон йўқдай туюлади. Шунинг учун Ер ҳаракати муаммоси ҳал қилиниши жуда қийин масалалардан ҳисобланади. Қадимги олимлар ва улардан кейин етишган фозиллар унинг ҳаракат қилиш ва қилмаслиги ҳақида кўп чунқ гапирдилар. Биз «Мифтоҳ илми ул-ҳайъа» («Астрономия калиди») исмли китобда, сўз эмас, маъзун жиҳатдан улардан кўпроқ, мўътабарроқ гапирдик, деб ўйлаймиз».

Демак, Берунийнинг фикрича, Ер айланади, унинг ҳаракати кунуний, астрономик ҳодисаларга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам олим бу масалада, (афсуслар, қали нашр этилмаган махсус) «Мифтоҳ илми ул-ҳайъа» китобини бағишлаши эътиборга сазовордир.

Абурайхон Беруний ўз даврдан неча асрлар илгарилар кетган, ўз асри астрономиясининг йirik биланди. Олимнинг кўйидаги фикрлари шундан далолат беради: «Агар отиғиш кундуз аввали бўлса, шафақ боғиши албатта кундуз охири бўлар эди, ҳатто шама маъбадиғиларининг баъзилари бу фикрни қабул этганлар. Шу билан бирга, қўрида айтганларимизга қарши бўлган кишилар кеча ва кундузнинг бир йилда икки марта — бир марта баҳорда, иккинчи марта кундуз — баробар бўлиши хусусида бизга қўшдиларлар. Уларнинг сўзича, бизда кун узайиши тўғрисида Шимолий кутбга нисбатан яқинлашганига тўғрисида; ёзининг энг қисқа кечаси қаниннинг энг қисқа кунига тенг келади...»

«Кундуз билан кеча (мажмуи) Кувейтнинг «Даворон кулл» натижасида кеча-кундузнинг бошланиши деб фараз этилган доирага қайтиб келишидан иборатдир... Чунки катта доираларнинг ҳар бири билкувава (потенциал) уфқидир. Билкувава уфқ (деганининг) маъноси (шуки), маъзур доира бирон турар-жой учун уфқ бўлиши мумкин. «Даворон кулл» фалакнинг ундаги нарсалар билан ўзининг иккала кутби устида кун чиқишдан кун боғишга томон кўриниб турган ҳаракатидир.

Энди айтганимиз: Кувейтнинг буржлар фалағидаги ҳаракати ул-куллага қарши ҳаракат қилиб, қайси нукта бўлса ҳам унинг ҳаракатининг бошланган жойи деб фараз этилган нуктага қайтиб келгунича ўтган (муддатга) йил дейилади. Йил тўрт фасл — баҳор, ёз, кундуз, кичи ва уларнинг тўрт хил табиатларини ўз ичига олиб, қаердан бошланган бўлса, шу ерда тамом бўлади».

Буюк табиатшунос чукўр ва кенг билим эгаси Абурайхон Берунийнинг Бу фикрлари унинг табиъет илмига қўшган ҳиссасининг кичик зўррасидир, холос.

БЕРУНИЙНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИГИ ВА ИНСОНПАРВАРЛИГИ ҲАҚИДА

X оразмлик буюк олим Абурайхон Берунийнинг ватанпарварлиги, инсонпарварлиги, олимлик бағти, суруриги умумжаҳон фани ва миллий фан рамақида, умумий ва хусусий тараққийда кўриши чукўр ҳурмат-эҳтиромга лойиқдир. Беруний халқ ватанпарварлигини изчил гуманизм, инсонпарварлик билан алоқадорликда кўради. Буни олимнинг кўйидаги сўзларидан ҳам яққол сезиш мумкин: «Бирор ўтиб кетган йилнинг аввалидан ҳисобга олинадиган маълум бир муддатга тарих дейилади. Уша кинда турли аломатлар ва далиллар билан қандайдир пайгамбар дунёга келган ёки кудратли, шайин улуг бир подшоҳ бош кўтарган, ёки хароб қилувчи умумий тўфон, зилзила ва ҳалокатли ер ютиш, ҳалок этувчи вебо ва қаттиқ қаҳатчилик натижасида бирор миллат ҳалокатга учраган, ёки давлат ва ҳукмдорлик бир хонадондан бошқасига ўтган, ёки бирор дин иккинчисига алмашган, ёки осмон ҳодисаларидан ва ернинг машўр аломатларидан бирон муҳим нарсга юз берган бўлиши керак, булар узоқ асрлар ва кўп замонларсиз пайдо бўлмайди. Бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, тарихлар аниқланади, дунё ва динга оид барча ишларда бунга эҳтиёж сезилади.

Барча мамлакатларга тарқалган халқлардан ҳар бирининг алоҳида тарихи бор, ҳар бир халқ тарихини подшоҳлари, пайгамбарлари, давлатлари ёки мен юқорида айтган ҳодисаларнинг биридан ҳисоблайди. Шу тарих ёрдами билан муомала ишларида ҳамда вақтларини билиш хусусида керакли муддатларни белгилайди ва бу тарих уларни бошқа халқлардан ажратди. Қадимги тарихларнинг энг машўри башариётнинг бошланишидир». Шундай қилиб, турлича йил ҳисоблари орасида умумий бир йил ҳисоби борки, бу ҳисоб Абурайхон Берунийнинг фикрича, барча ирқлар, миллатлар, халқларнинг, бутун инсониятнинг бошланишидир.

«Қимматбаҳо тошларини билишга доир маълумотлар мажмуаси» китобида Беруний инсон, унинг Ер юзидаги бурчи, унинг олижаноблиги ҳақида, шунингдек иқтисод, ахлоқ ва одоб хусусида жуда қимматли фикрлар билдиради.

«Инсоннинг фикрича, инсондаги энг мақтовга сазовор чўқи олижаноблик, муравватдир, олижанобликнинг ўқи эса — поклик ва оройишадир. Беруний инсондаги барча салбий ҳислатларини, иллатларни қоралайди, унинг софидиллиги ва олижаноблигини маъд этади. Олимнинг фикрича, эзуликни интилиш умуман одамларга ва хусусан қариндош-уруғларга хайрихоҳликда кўринади. Одам агар оғиз, имконсиз ҳолатда бўлса яхши ниъати билан, агар қўлидан келса — амалий иш билан эзуликни интилиши лозим. Инсон учун энг яқини — аввало ўзининг кўнгли. Одам учун ҳаммадан аввал ўз кўнгли, шундан кейин унинг яқин-атрофидаги шароит ва одамлар яхшиланishiга муҳтождир. Чехра зўғаллиги ва қадди-қомат расолини қилушдир, одамлар ўзи учратадиган кишиларда шуларнинг ҳар иккиниси кўришни истайдилар. Қиёфа тугилишдан аввал это этиладики, илло уш ўзгартриш ҳеч қандай маъжудотнинг қўлидан келмайди. Аммо маънавият ва ҳаёт кеириш тарзи маъносиди дил қиёфасини яхшилашга келганда, инсон ўз эҳтиросларига ҳокимдир, бу қиёфани ўзгартришига қодирдир, одам ўз руҳини тарбиялаб бориш жараёнида ёмон ахслатларини яхши хислатларга айлантира олади, дил қиёфасини руҳий табобат ёрдамида, ахлоққа оид китобларда кўрсатилган йўлар воситасида даволай олади.

Бу ерда Берунийнинг айрим мунозаравли фикрларини назарга олмаганимизда, инсон маънавий қиёфаси, ҳаёт тарзи инсоннинг ўзига, тарбияга, «руҳий табобатга» боғлиқлигини тарғиб қилиши қимматлидир.

Берунийнинг ижтимоий ҳаётдаги адолатга доир ўзига хос қарашлари эътиборга сазовордир. У олис Мағриб шаҳарларидан бирининг аҳолиси ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Айтишларича, ўша шаҳарда ҳокимиятнинг аслозда ва деҳқонлардан чиққан одамлар навабтама-навабтош қарар эканлар. Навабти етган ҳар бир киши уч ой мобайнида юртга ҳукмдорлик қиларкан. Шу муддат ўтгандан кейин у киши ҳукмдорликдан иктиўрий бўшаб, бу мураккаб ишдан кутулган учун миннатдорлигидан ҳайр-эҳсон улашаркан. У ишкандан кутулганди қувонч билан оиласига қайтиб, ўзининг одадига ишларига тутинаркан. Чунки, бу шаҳарда ҳукмдорлигини ёвуз, зувучи

одамлардан жабр кўрган фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи, осийишталлиги учун ўз осийишталлигидан кеиш деб билар эканлар. Ҳукмдорлиқни жабранганлар, уларнинг оилалари, мол-мулки, ҳаётини муҳофаза ва ҳимоя қилиш мақсадида вужудни толдириш, фуқаро учун, унинг жиёмаси учун жанг қилиш висоталарини излаб топишда жонни қийнаш деб туюнар эканлар. Ҳукмдор учун одамлардан солиқ иғиш эса маҳалла қоровулига ҳақ тўлашга ҳамда йўловчиларнинг қарвонда йўл бошловчи касби ва мартабасига қараб ҳақ тўлашга ўшаркан. Бу ишларнинг ҳаммаси юқоридаги муқлат ўтганда тугаркан. Ҳар бир ҳукмдорлик даврининг ўз тартиб-одалари бор экан, одамлар шу тартиб-одаларга риоя қилар эканлар. Ақс холда, барлик ва тотувлик бўлмаса, тартиб ҳам йўқоларкан.

Кўриниб турибдики, Беруний мамлакатни демократик тарзда бошқаришни антик даврдаги Афина шаҳри ва ўрта асрлардаги Италия шимолидаги шаҳарларнинг давлат тугилиши системасини назарда тутган ҳолда тўшунади ва талкин қилади.

Беруний яна бир ўринда жуда қизиқарли фикр билдиради. Унинг айтишича, одамларнинг мақсад ва ниятлари турлича бўлиб қолган даврда санъат ва ҳунар ҳам бир-биридан фарқлана бошлади. Шундан кейин бир одам бошқа одамни қароликка ёллайдиган бўлди. Яъни иккинчи одам биринчи одам учун адолатли шартнома асосида муайян ҳақ, муқофот эвазига меҳнат қила бошлади. Зўрлик воситасида қилинадиган ёллана, оғир меҳнат беқарор ва омондир. Эҳтиёжларнинг турли вақтларда вужудга келиши ва кўнайиши, шунингдек, биров муайян вақтда бошқа одамда бор нарсаларга эҳтиёж сезмаслиги мумкин. Уларнинг ҳаммаси муайян вақтда айирбoшлашда турли эквивалентлар ўрнига баҳо — умумий меъсон излашни тақозо этади. Шунинг учун одамлар туси ва яқриқоқлиги билан кўзни қувонтирадиган, ноёб учрайдиган ва узоқ сақланадиган нарсаларни — олтин ва қумушни топдилар.

Шундан кейин Беруний олтин билан қумушнинг айирбoшлашдаги, савдо ишидаги аҳамиятини, сўнгра баъзи одамларнинг олтин ва қумуш тўплашга ружу қилганиларини, охири олтин-қумуш ёвузлик, разолат манбаига айланганиларини тасвирлади. Бизнингча, Берунийнинг энг қимматли фикри — унинг мажбурий, ёллана меҳнатнинг беқарорлигини ва омонатлигини уқтиришидир. Айниқса, бу фикр XI асрнинг ўттизинчи йилларида, феодализм тугузи шариоитда айтилганлиги таҳсинга лойиқдир.

Беруний ўз асариди социология, этика, ахлоқнинг туб муаммоларига доир чукўр фикрларини баён қилади, мажбурий, оғир меҳнатга қарши ўлароқ озода меҳнати маъд этади, зolim шоҳларнинг ҳукмдорлигини қоралаб, адолатли шоҳларнинг ҳукмдорлигини, айниқса, мамлакатни бошқаришнинг демократик типини улағайлади. Олимнинг шаҳарлар, бунлар, айирбoшлаш, савдо-сотикнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, нарх, олтин, қумуш тўғрисидаги, қимматбаҳо нарсаларини тўплаш ва тежамкорликка доир фикрлари гоат қизиқарлидир. Беруний кишиларга келажак учун ўтмишдан ибрат олиши маслаҳат беради. Шу тарихи мутафаккир ўз даврининг ажойиб жамиятшуноси эканлигини равшан кўрсатади.

* * *

Буюк ватандошимиз қомусчи, мутафаккир олим Абурайхон Беруний илм-фаннинг келажига, тинимсиз тараққийи ҳақида юракдаги орзуларини, доно мулоҳазаларини бундай аёвоб қилади:

«Илмлар кўпдир. Улар замона иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳдларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. Айниқса, ҳукмдор кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўнайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмдорнинг шундай қилиши кишиларнинг дунёнинг кундалик зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар билан шуғулланиш учун бушатиб қўяди. Ҳукмдорнинг илм аҳлини кўпроқ қўлаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг кўнайишига сабаб бўлади. Одамларнинг қалби буни севиш учун ва бунинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилгандир.

Лекин замонамиз айтиб ўтилган замон эмас, балки унинг тескарисидир».

Беруний замонида илм-фанига, илм аҳлига ғам-ҳўрлик қилиш гоат тасодифий ҳодиса эди, аксинча ағом, реакция, феодализм куллар, зувучилар, ҳурофот ва маҳолат кулчлари илм аҳлига қарши қаттиқ кураш олиб борар эди.

Бизнинг давримизда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати улус Ленин васиятларига амал қилиб, илм-фан тараққийига, илм аҳлига тинимсиз ғам-ҳўрлик қилоқода. Утмиш илмий-маданий меросини, жумладан, Абурайхон Беруний каби буюк аждодларимизнинг ниҳоятда бой меросини ҳар томонлама, танқидий, аёвлайб ўрганишга даъват этмоқда.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор бир гуруҳ ёш ёзувчилар билан.

Р. АЛБЕКОВ фотоси

Абдулла Қаҳҳорнинг туғилганига 65 йил тўлди

УСТОЗ МАКТУБЛАРИ

Бундан бир неча йил муқаддам Фарғона областининг Киров районида мактабларни айланиб юрардик. Мўъжазгина мактаб биносининг йўлида ойнаванд бир стендага кўзим тушиб қолди. Синчиклаб қарасам, Абдулла аканинг дастхати. Ҳайрон бўлдим. Мактаб директори изоҳ берди. Мактаб Сирожиддин Валиев номида экан. У шу мактабни битирган ва Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган экан.

Уқувчилар Валиев ҳақида маълумот сўраб кўп жойларга хат ёзишган — жавоб бўлмаган. Кейин мактаб комсомол ва пионер ташкилотлари ёзувчи Абдулла Қаҳҳорга мурожаат қилганлар. Жавобнинг мазмунини тахминан шундай эди: Хатларингизга кечкикиброқ жавоб қилаётганим учун, узр. Сабаби, узоқ кидиришга тўғри келди. Валиев ҳақида китоб тополмадим. Уруш йиллари «Ўзбеклар» деган очерклар тўплами чиққан эди. Ушанда Валиев ҳақида очерк бор экан. Очеркни икки нусхада кўчириб юборяман. Мабоодо, мактаб кутубхонаси учун зарур бўлса, китобини жўнатишим мумкин...

Кейинчалик Абдулла Қаҳҳорнинг камтаринлиги, одамийлигини унинг менден бир ёш қаламкаша бўлган муносабатидан ҳам яққол англадим. Бир пайтлар «Ўзбекистон маданияти» газетасида ҳажвиям чиқди. Ора-

дан ҳафта ўтмай, Абдулла акадан шундай хат олдим:

«Бизнинг ташаббуси»ни ўқиб қувониб кетдим.

Сизда сатирик ёзувчининг ўткир кўзи, қувлиги бор. Бу соҳада муваффақият қозонишингизга аминман.

Хурмат билан А. Қаҳҳор
14.XI.1965».

Ҳовлиқиб кетиб, тез кун ичида «Ҳайри хола тиш кўйдирди» деган ҳикоямни ҳам Абдулла ака ҳўкмига ҳавола қилдим. Абдулла акадан тез кунда шундай мазмунда жавоб келди:

«...Биринчи хатимни Сизга чин кўнгилдан ёзган эдим, ҳозир ҳам чин гапни айтмоқчиман: ҳикоя чиқмабди. Уша ҳикоянгизда каттакон бир жинтимоқ иллатини тангадай ўринга жойлаган эдингиз, бунда тарихча маъно бир пақир сувда сузиб юрибди.

У ҳикояни ёзганингизда қалбингизни ўртаган бир дардингиз бор эди, ҳикоя ёзиб шу хусусда арз қилган эдингиз; бу ҳикояни ёзишингизда Сизни ҳеч нарса безовта қилган эмас, шунинг учун китобхонга ҳеч қанақа арзингиз йўқ, ҳикояни юрагингизни бўшатиш учун эмас, ҳикоя ёзиш учун ёзгансиз. Уша иккита товламачи дилмига озор берган. Шуларнинг устидан китобхонга арзим бор эди, демоқчимисиз! Аксинча, ҳар иккаласи

ҳам Сизнинг устингиздан шикоят қилиб турибди: бизни бу одам ҳеч қарерда кўрган йўқ, биз унинг дилмига озор берган эмасмиз, бизга тўхмат қилаётбди, дейишайтибди. Ҳақиқатан, бу одамлар ўйдирма, ҳикоя ёзиш учун ўйлаб чиқарилган.

Мен бу гапларни Сизда талант борлигига қаттиқ ишонганим учун айтибман, мендан хафа бўла кўрманг. Мендан хафа бўлсангиз, юз ўтирсангиз ҳам кетингиздан қолмайман. Биринчи хатини Сиз менга эмас, мен Сизга ёздим. Менинг муносабатимни шундан ҳам билаверинг.

Ҳеч қачон бир нарса ёзиш учун ёзмам. Айтадиган гапингиз жуда зарур бўлганда, мен айт, деб тиш оғрингдай азоб бергандагина ёзинг. Ёмон кўрган одамнингизга муҳаббат изҳор қилиб хат ёзолмайсиз-ку, нима учун йўқ тугудан адабий асар тўқиш мумкин, деб ўйлайсиз!

Салом билан А. Қаҳҳор

5.III.66».

Сўнгра устоз Абдулла Қаҳҳорга «Ишлар жойида» ва «Ақлим киряпти» сарлаҳвали ҳажвияларимни йўладим. Афтидан, «Ақлим киряпти» унча-мунча маъқул бўлган шекилли, устидан роса ишлабди. Лекин ишлагани ўзига ёқмабди. Ҳажвияларимга кўяйдеги хатини илова қилибди:

«...Юборган ҳикояларингизда бир оз жон бор. «Ишлар жойидани бирон

газетага юборинг. «Уқитувчилар газетасига» манзур бўлармикан!

«Ақлим киряпти»га қалам уриб кўрдим, барибир кўнглимдагидай очилмади. Буни шу тарзда қайта ёзиб чиқсангиз, ўзда бор деталларга тегманг...

Эринманг. Яхши ҳажвия чиқишига ишонаман...

Ҳикоя битгандан кейин менга юборинг, яна маслаҳатлашамиз...

Салом билан А. Қаҳҳор
Менинг таклифим илҳом туғдирмас эурма-зўраки уринманг, чунки илҳомсиз тузатиш бузишдан нари ўтмайди...»

Абдулла ака шоғирдларини тинч қўйма, ишнини доим суриштириб турар эди. Мана, унинг менга ёзган сўнги мактуби:

«...Матбуотда кўринмай қолдингиз, ё менинг кўзини тушмайтибдими! Менга юборган нарсаларингиз нима бўлди!

Салом билан А. Қаҳҳор

28.XI.66».

Умуман, улкан адиб Абдулла Қаҳҳор асарлари билангина эмас, гап-хўрлиги, маслаҳатлари билан мен каби ёшларга жуда катта ижодий ёрдам кўрсатди. Шулар қатори мен ҳам унутилмас устоз олдида ҳамиша бурчлиман.

Анвар МУҚИМОВ

Қўқон



ПАНЖАРА

Таниқли адиб ва журналист Суннатилла Анорбоев 50 ёшга кирди. Ёзувчининг «Ойсой» романи, «Меҳр», «Умир» қиссалари китобхонларга яхши таниш. Бу асарларда адиб замондошларимиз ҳақида, уларнинг меҳнати ва кураши, интилишлари, ташвишлари, муҳаббати, бахти, камолоти ҳақида ҳикоя қилади. Унинг донгдор замондошларимизга бағишланган ўнлаб очерклари ижтимоий таҳлилнинг чуқурлиги, бадиий пишиқлиги билан ажралиб туради.

«Гулистон»нинг кўп минглаб ўқувчилари номидан авторимизни қутлуг ўши билан муборакбод этамиз, унга сиҳат-саломатлик ва ижодий парвозлар тилаймиз.

Қуйида С. Анорбоевнинг «Сайри боғ» деган янги қиссасидан парча ўқийсиз.

Шаҳар четроғидаги янги маҳаллада қора кўзойнак таққан икки йигит янги участканинг пойдевори устига темир панжара ўрнатмоқда. Темир панжарадан ҳовли тўрнда кўкрақдор қилиб қурилган оппоқ иморатгача бўлган ўн беш метрча оралқик гулзор. Атиргулнинг янги новдалари ярим қарич, бир қарич бўй қўзиб қолибди. Ичкарида Олиябону панжараларни силкита-силкита иш сифатини текширади. У қора хонатлас кўйлаги устидан елкалари серпахта узун коверток камзул кийганидан, бургриқиб кетган. Оёғида амиркон этик...

Унинг қилиғини кузатиб турган бир пайвандчи кўзойнагини пешанасига кўтариб маслаҳат берди: — Икки қўллаб итаринг!

Олиябону панжарага энгашиб, икки қўллаб итарди. — Энди, тепиб ҳам кўринг,— деди йигит.— Ҳа, қаттиқроқ.

Олиябону ўйлаб турмай унинг айтганини қилди. Кейин, йигитнинг пичингани фаҳмлаб қолди ше-

килли, ўсма кўйган энли қошини чимирди, кўкариб-бўзариб бобиллаб берди:

— Ҳали мен сизларга мазах бўлдимми?

Кечки шафақ ялт этиб пайвандчининг пешанасидаги қора кўзойнагига урилди-да, унинг чеҳрасини лола рангига бўяди.

— Кўрдингиз-ку, икки киши эрталабдан бери холсанилло ишляпмиз. Қрансиз кўтариб ўрнатган ҳам ўзимиз, пайвандлаган ҳам. Ҳатто сиз айтмасангиз ҳам анави бургут тамғани кесиб олиб ташладик,— у ранжиганини сездирмаслик учун кулимсиради.— Сиз бўлсангиз...

— Бир кун овора бўлдик-а,— деди иккинчи пайвандчи комбинезонининг кўкрак чўнтагидан сиграета ола туриб.

— Керак бўлгандан кейин овора бўласизлар-да!

Пайвандчилар бир-бирига қарашди. Комбинезонли йигитнинг тор пешанаси тиришди. Шериги елкасига аста уриб қўйди. Бу билан «Кел, қўй, айтишиб ўтирсанми!» демоқчи эди.

— Бугун яхши-яхши деб битказиб кетасизлар. Эртага уланган жойи акраб, поп этиб босиб тушса нима бўлади? Биладан мен сизларни!—Олиябону ҳар бир улоқини синчиклаб пайпаслаб кўра экан, тинмай жаврарди.

Қора кўзойнаги ҳамон пешанасида турган ёши улугроқ пайвандчи Олиябонунинг қилигидан қулиб:

— Босмайди, опа,— деб қўйди.

Ешроғи эса, қаердандир мисранг топиб келди. Сигаретасини босиб-босиб тортди, Олиябонунинг рўпарасига бориб панжаранин пайвандланган жойига мисранг тикди-да, бор кучи билан буради:

— М-м-ма-на!— деди чағир кўзларини ўйнатиб.— Ажраса калламни шартта...

— Бўлди, бўлди-е! Калланг ўзинга сийлов! Фақат.— Олиябону бир дам ўйлаиб қолди,— ҳалигидай, кўчанимизда бировни кўролмайдиган ичи қоралар кўп. Шунақалар бузолмасмикан дедим-да.

— Ҳой, опа, агар бульдозер билан бузишмас...— деди ёш пайвандчи.

— Тепасидан ошиб тушмасмикан?

Еши катта пайвандчи Олиябонудан кўзини узмай ҳамон кулимсиради. Ешроғининг эса чағир кўзларида нимадир йилт этди. У бир-икки ютинди-да:

— Панжаранинг тепасидан тоқ ўтказинг. Мабодо мол-мулкларинг жуда кўп бўлса, устидан тиконли сим торталаринг ҳам бўлади,— деди ерга қараб пиқ этиб куларкан.



Панжаранин ичкарида турган Олиябонуга унинг маслаҳати маъқул тушди. Уйлаиб туриб: — Ҳа-я, хўжайинга айтсам бўлар экан— деб қўйди.

Ёш пайвандчи панжарани шапатилади:

— Қўрқманг, жуда пишиқ бўлди! Бу сиздақадан яна ўнтасига хизмат қилади.

Чеҳраси очилиб келаётган Олиябону бирдан чарсиллади:

— Ҳой бола! Оғзинга қараб гапир!

— Йўқ-йўқ, фақат ўзингизга буюрсин, опа. Қолган тўққизтаси билан нима ишимиз бор!

Катта пайвандчи шеригига «бас», дегандек кўз қисди ва ўй бекасининг сал ҳовридан тушганини кўриб, шама қилди:

— Опа, агар хизматимиз сизга ёққан бўлса, бизга рухсат берсангиз.

— Фақат, ҳалиги... ҳа, майли, сизларга рухсат,— деб юборди Олиябону.

Усмон ҚУЛДОШ

Ақлининг парвози жуда тез бугун,
 Хоҳ Ерни, хоҳ Ойни, майли, кез бугун.
 Тезлигининг шарафи, нуқсонин бор, бил,
 Қай бири яқинроқ, шуни сез бугун.

Рубоийлар

Бобо деҳқон юзга кириб, берар эди жон,
 Угли тарвуз томизарди лабига шу он.
 Сўнгги нафас билан лаби ташаниб, деди:
 «Уругини эҳтиёт қил, экарсан, ўғлон!»

Инсон тандир қобил — тошни ҳазм этади,
 Заҳарининг бор иложи, сўздек сингиб кетади.
 Мажҳудот бор экан, инсонга таслим, бироқ
 Сўз захрининг азоби бир умрга етади.

Хонада анқийди бир томчи атир,
 Бир парча Ой кўнда оламга татир.
 Рубоий — татмил, чапдаст шеърят,
 Достонлар мазмунин берар тўрт сатр.

Пайвандчилар, ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашибди. Каттаси ерга қараганча Олябонудан сўради:

— Ишимиздан розимисиз?
— Розиман, дедим-ку, вай, рухсат,— Олябону бош иргиди.— Кетаверинглар.
— Унда бизни ҳам рози қилинг-да!— деди ёш пайвандчи.
— Нима-нима?— Олябону ўсма кўйган қошларини чимирди.
— Нима бўларди! Эрталабдан бери ҳориб-чарчаб...

— Чарчаган бўлсанг, уйингга бориб дам ол! Мен ушлаб турганим йўк...
— Ҳақимизни беринг, дам олиш қочмайди,— деди ёш пайвандчи.
— Иш ҳақинги ишхонадан оласан!
— Сиз учун ишладик-ку!
— Барбир ишхона тўлайди,— Олябону бўш келмади.— Тагга тушунмайдиган қанақа чулчутсан? Бор-е!..

Ёши катта пайвандчи кўзойнагини юлқиб олиб, яланг камзулининг чўнтагига тикиди.

— Опа, бу-ку, тушунмапти-я, сиз ўзингиз...— У оғзига келган ачиқ сўзни ичига ютди, ғазабдан дағ-дағ титраётган шеригини ушлаб қолди.— Кўй, тортишма. Яхшиси, Назародонни топайлик.

— Ҳа-а, ана! Уша кишига бориңглар,— деди Олябону.

У тўрдаги иморати билан ҳовлисининг ҳусини очиб юборган ҳашаматли темир панжарани яна бир силкчи, унинг мустаҳкамлигига қаноат ҳосил қилган, уйига қараб юрди. Пайвандчилар эса нималардир деб тўнғиллаб, нарсаларини йиғиштириши-да, жўнаб қолишибди.

* * *

Йўлдош Қўлдош ҳовлисига келиб кўча томондаги тахта тўсиқ ўрнида темир панжара кўрди. У қувонишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай, қаққайиб туриб қолди: «Аслида у бирорта қурилишга бош бўладиган турки бор,— дея ўзича сўзланди-да, темир панжарага гапни назар ташлади.— Бу иш билан бошимга етмаса эди...»

Шу пайт ички бир товуш киноа қилди: «Аллақачон бошингга етган бўлса-чи!»

У холдан тойиб бораётганини ҳис этиб, ариқ ёқасидаги чимга чўкди. Кўз ўнгига дўндикқича бир жувон келди. Ўзлари лўпplingина, оқбилак, тикмачок... Ҳа, Олябону ёшлиғида шундай эди. Кимсан, ижроком раисининг қабулхонасида секретарь-машинистка эди. Шайтон йўлдан оздирдими ёки бошқа нарсани, ҳар қалай, ўрталаридаги яқинлик кўпчиликига ошкор бўлиб қолди. Бунини Олябонунинг ўзи ҳам яширмас, савдо-сотик ташкилотларигами, колхозларгами телефон қоқиб, ижроком раисининг номидан дангал буюраверар эди. Шунинг учун ҳам одамлар ҳақиқий раисимиз Йўлдош Қўлдош эмас, қабулхонадаги дўндикқича, деб кўз қириқларидан ҳам хабардор.

Олябону бу билан чекланмади. Ҳомилалар бўлиб қолганида ҳам тап тортмай юраверди. Ой-кунини яқинлашганда эса Йўлдош Қўлдошнинг уйига бемалол бориб ўтириб олди. Шунда ҳам хотини фанг демади-я! Сабри тоғдек экан бечоранинг. Эрининг обрўси тўкилишидан кўрқиб аламини ичига ютди. Бироқ эл оғзига элак тутолмайсан! Олябонунинг боласи ўлик тўғилганида: «Ана, бировнинг кўз ёши кўярмиди!», дейишди. Кейинча фарзанд кўрмади. Бунини ҳам гап қилишди: «Қарғиш теккан!» Хуллас, Йўлдош Қўлдош ишдан бўшатилди. Райондан бош олиб кетишга мажбур бўлди. Ҳар қалай, таниш-билишлари эски хизматларини унутишмабди. Бошқа районга ишга тайинлашди. «Гуноҳингни меҳнат билан юв», дейишди. Биров «Муҳаббат ёшу қарига баробар» деса, биров оғзига келган гапни айтади. Хотини раҳматли қўй оғзидан чўп олмаган аёл эди. Ажрашганларида ҳам ердан кўзини узиб юзига тик қарамади. Ҳатто ўғли дод солганида уни

юпатиб: «Дадангнинг ота соқоли иягига битгандэ уйнагисиз кепти, қўвээр», деган. Балки уй-жой, мол-мулкнинг барини унга ташлаб чиқиб кетгани учун индамагандир. Ҳар қалай, хотинининг яқинлигини унутмади. Олябонудан яшириқча болаларига кийим-кечак, озиқ-овқат ваҳидан қарашиб турди. Улар ҳам ўз йўлларини топиб кетишди. Қизи шу шаҳарда болалар врачини. Нарғи маҳаллада туради. Ували-жували бўлиб кетган. Ишга шу кўчадан ўтса керак. Отасининг райондан кўчиб келганини эшитгандир. Билмаслиги мумкин эмас. Аммо уйига эртани-кеч бирров бош сўқиб: «Яхши ўтирибсизларми!», деб кўйингга ярамади. Уғлидан гина қилмаса ҳам бўлади. У ҳарбий одам. Қайдам, уларнинг тошмехр бўлиб ушчиларига ўзи ҳам айбоддир. Олябонудан ҳам ўтди. Угайлик қилди.

Йўлдош Қўлдош темир панжара ортидан кўриниб турган уйи томонга ер остидан қараб қўйди. Мунча ўч бўлмасди Кўрган кўчага ёмон-ку? Нима дейсан, Йўлдош Қўлдош боғининг панжараларини буздириб, ўз уҳдалигига қурдирибди, деб айюҳаннос солишмайдимки душманлари! Райондан районга, идорадан идорага тиним билмай кўчиб юрганлари каммиди?

Йўлдош Қўлдош уҳ тортиди. Уридан оғир кўзгагиб, панжарага яқинлашди. Таншларини гижирлатди. Бошига етмасайди бу панжарани!

Шу пайт панжаранинг нарғи томонида Олябону пайдо бўлиб қолди.

— Бу нима!— Йўлдош Қўлдош кўчада ҳеч ким бўлмаса ҳам ён-берига қараб қўйиб, қаттиқ шивирлади.

— Кўриб турибсиз-ку,— деди Олябону.
— Мол-дунёга мунча ўйсан, хотин!— Йўлдош Қўлдош бўғилгудек бўлиб бош чайқади.

Расмларини А. ХОЛИҚОВ чизган



* * *
Бир вақт тўзон ичиде зуволасин қорди Ер,
Кўш деди: «Кел, ўғлим, тутиб турай, қўлинг бер!»
Яратгуча ҳаётин Ер тортиб не жафола:
Тоғлар — қўлин қадоғи, океанлар — манғил тер.

* * *
Кўш дейди: «Аслим — олов, ҳаёт боқий тафтим билан»,
Ер дейдики: «Аслим — тупроқ, ҳаёт меннинг забтими билан».
«Ақлим — нурдан, аслим — Ердан, қалбим — дарё, ишқим — олов» —
Инсондирман, бошим — Кўш, Ерни тутай қафтим билан».
Андизон

Анвар ЮНУСОВ

Олтин куз

Сувлар тиниб қолди сумбула келиб,
Қошига чорламас зумрад булоқлар.
Эзининг этагидан тутмоқчи бўлиб,
Йўлкаларда чопар олтин япроқлар.
Салқин саҳарларини этади зебо,
Гулзорларда сўнгги гўначалар фақат.
Она табнатга бериб кўрк, оро —
Боғларда куз гўлхан ёқар бу фурсат.
Олма ҳдди тўлган ҳавода кезар

Бобом кипригидек оқарган мезон.
Юлдуз чаноқлардан кўпирлади зар,
Далалар бошида тунайди дехдон.
Кўш чиқар кўкка машъал ёндириб,
Қирлар этагида водий нулранлар.
Утан йўллариде қўшиқ қолдириб,
Олтин манзилларга учар турналлар...

ҚҶҶҶ

ТЎБАТЕК СИНГХ

Саодат Ҳасан МИНТО

Ҳикоя

Мамлакат иккига бўлингандан кейин Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматлари руҳий беморларни айирбошлаш мақсадида Ҳиндистон шифохоналарида ётган мусулмонларни Покистонга, у ердаги шифохоналарда ётган ҳиндуларни Ҳиндистонга жўнатадиган бўлдилар.

Бу масаланинг қўйилиши маъқул-масми—ҳеч ким билмасди. Ҳарқалай доғимамандларнинг маслаҳатига биноан, маъқур мамлакатларда бот-бот олий даражадаги музокаралар ўтказилар, кўп масалалар атрофлича муҳокама қилинар эди. Пиравардида, икки мамлакат вакиллари шундай қарорга келдилар: агар беморнинг қариндошлари Ҳиндистонда бўлса, шифохонада қолаверди, ҳеч қандай қариндоши бўлмаса, Покистонга жўнатилади. Покистонда яшовчи ҳиндулар ва сиқхларнинг¹ даяри қаммаси Ҳиндистонга ўтиб кетишган эди. Шунинг учун уларни бу ерда қолдириш-қолдирмаслик ҳақида гап бўлмади. Уларни полиция дарҳол чегарага олиб келди.

Ҳиндистонда нима бўлганлигидан хабарим йўқ, бироқ бу хабар Лоҳўрдаги касалхонага етиб келди-ю, беморлар ўртасида галати миш-мишлар тарқала бошлади. Шифохонада бир мусулмон бемор бор эди. Ун икки йилдан бери сурункасига «Заминдор» газетасини ўқиб ётарди. Бошқа бемор ундан сураб қолди:

— Мавлавий соҳиб, «Покистон» нима дегани ўзи?

¹ Сикх — XVI асрда Панжобда вужудга келган диний жамоа аъзолари. Уларини сикх деб атадилар. Сикхизм одамларнинг сунъий равишда зот-тоифаларга бўлинишини, зоҳидлик, роҳиблик ва ўта тақводорликни инкор этувчи мафкура сифатида бунёдга келган.

Газеткон бемор бир оз ўйланиб тургач, жавоб берди:

— Ҳиндистонда шунақа бир жой бор, у ерда устара ясайдилар, ўша ерни «Покистон» дейдилар...

Савол берган бемор жавобдан қаноат ҳосил қилди.

Бир бемор сикх иккинчисидан сўради:

— Сардоржий¹, нега бизни Ҳиндистонга юборишмоқчи, масалан, мен у ернинг тилини сира тушунайман-ку...

* * *

Бир куни мусулмонлардан бўлган бемор ювн-наётиб: «Яшасин Покистон!», дея қаттиқ бақириб, йиқилди ва хушидан кетди. Беморлар ичиде эс-хуши жойида бўлган соппа-соғ кишилар ҳам бор эди. Уларнинг кўпчилиги одам ўлдириб, сирт-моқдан кутулиш учун шифохонага кириб олган эди. Қотилларни бу ерга қариндош-уруғлари тегишли амалдорларга пора бериб, жойлаштириб қўйишган. Улар Ҳиндистоннинг иккига бўлинганлиги ва Покистон бунёдга келганлигидан анча-мунча хабардор эдилар. Лекин буларнинг орасида ҳам ҳеч ким, нима гапу қандай воқеалар юз бераётганини аниқ айтиб беролмасди. Газеталарда бу ҳақда ҳеч қандай хабар босилмаган. Шифохона қоровулларидан ҳар қанча суриштиргани билан бамаъни жавоб ололмайсан. Чунки улар дунёдан беҳабар омий одамлар. Фақат бир нарсга ҳаммага аён эди: Мухаммад Али Жиноҳ деган буюк раҳнамо бор экан-у, у мусулмонлар учун алоҳида мамлакат вужудга келтирибди, бу мамлакат Покистон деб аталаркан. У ўзи қанақа

¹ Сардоржий — сикхларга шундай деб муружаат қилдилар.

мамлакат, қаерда жойлашган — бу ҳақда бирон кимса ҳеч нарса дейёлмасди.

Шифохонадаги соғроқ беморлар ўйлай-ўйлай бошлари қотди: Агар Ҳиндистонда бўлсалар, Покистон қаёқда? Агар Покистондамиз, десалар, ахир яқиндагина худди шу ерда яшаб турсалар ҳам, Ҳиндистонда эдилар-ку? Эси кирди-қиқди бир бемор бўлса «Ҳиндистондамики ёки Покистонда? Покистондамики ёки Ҳиндистонда?..», деб хиж-жалай-ҳижжалай, бу дардасинг муаммонинг тағига ета олмади-ю, ниҳоят қолган-қутган эсидан ҳам айрилиб, ғирт жинни бўлди-қўйди. Қўлига супурни тушиб қолган эди, у ёқ бу ёқни супуриб юрди. Бир куни даракта тирмашиб чиқди-да, шохига миниб олиб, Ҳиндистон—Покистон муаммоси ҳақида роса икки соат ваъз айтди. Қоровуллар пастдан туриб «Туш, ҳей, тушсанг-чи!», деган сари у даракнинг учига чиқиб кетаверди. Алдаб қуришди, пўлса қилиб қуришди, фойдаси бўлмади. «Мен Ҳиндистонда ҳам яшашини истайман, Покистонда ҳам, мен шу даракнинг учига яшайман!..», дерди яққаш. У анчагача дарак тепасида қолиб кетди. Сал ўзига келгандан кейин пастга тушди-ю ҳинду ва сикх беморлар билан кучоқлашиб, ўқиб-ўқисиб йнғлаи бошладилар. «Мени ташлаб, Ҳиндистонга кетиб қолишади булар», деб юрак-бағри эзиларди.

Бир маҳаллар радиоинженер бўлиб ишлаган, магистрлик унвонини олган мусулмон бемор бор эди. Одатда бошқа касалларга қўшилмасди, богдеги хилват йўлкада эртадан-кечгача юргани юрган эди. Янги хабарни эшитида-ю касалхона киийим-кечагини топириб, хилват йўлкани тарк этди-да боғнинг ҳамма ёғини айлана бошлади.

Шифохонада Чанутдан келган бақалоқ мусулмон бемор ҳам бор эди. Бир пайтар у мусулмонлар лигасининг фаол арбобларидан экан. У кунига ўн беш-ўн олти марта гусул қиларди. Ян-

сан Минтонинг аста-секин оригинал имодга ўтишига, реалист ёзувчи бўлиб етишишига ёрдам берди.

Кейинроқ Минто Лоҳўрдан Бомбайга кўчди. «Мусаввар» журналида муҳаррир бўлиб ишлади, киностудияларда ҳамкорлик қилди. У ёзган сценарий асосида «Мирзо Ғолиб» фильми яратилди. Ёзувчининг 1938 йилда нашр этилган биринчи ҳикоялар тўплами унга шухрат келтирди. Тўпламдаги «Янги қонун» ҳикоясида автор мустамлакачиларнинг манфур қиёфасини чизиб беради. Мустамлакачиларнинг Ҳиндистондаги ҳумронлиги ҳалокатга маҳкум деган фикрни олга суради. Горький таъсирида ёзган «Майпараст» ҳикоясида Минто китобхонларнинг ватанини, озодликни севиниша чорлайди. «У юсиблар, забун аёллар ва араваашларнинг ёзувчиси эди,— дейди Саодат Ҳасан Минто ҳақида Кришан Чандар.— У жамиятнинг пастки қатламларига тушиб, эзилган, янчилган жамият зарбаларидан мажруҳ бўлган одамлар образини шундай ҳаққоният ва беназир маҳорат билан яратганини, булар Горькийнинг «Ту-банлиқда» асаридеги образларни эслатади...»

Қашшоқлик, хору зорлик чангалида инграб ётган бахти қарорлар Минто ҳикояларининг қаҳрамонларидир. Халида эолимларга нисбатан қаҳр-

газаниннг тўлиб-тошиб кетганини адиб ҳаққоний таъсирлаб беради. Зули тиги суянжа бориб тақалғанда мазлумнинг фарёидан фалак ларзага келади («Фарёда»), забун аёл бераҳм даллолнинг бошини янчиб ташлайди («Юз шамли чирог»), фидоний Гулзамохон инглизларнинг зирҳли автомобиллини портлатиб, ўзи ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлади («Майпараст») ва ҳоказо.

1948 йил. Мамлакат озодлиқка эришиди ва Ҳиндистон билан Покистонга бўлинди. Минто бошқа тараққийпарвар ёзувчи ва шоирлар билан биргаликда халқни низо ва ур-йиқитларни тўхтатишга қақиради. Ёзувчининг ўша даврда ёзган асарлари ичиде «Тўбатек Сингх» ҳикояси алоҳида эътиборга сазовордир. Мазкур ҳикоя А. Чеховнинг «Олтинчи палата» асарини эслатади.

Умрининг охириги йилларида талант-ли адиб «Карл Маркс» радиодрамасини ёзди. Бунда у Совет Иттифодига Карл Маркс ғояларининг ҳаётий муассаса тимсоли деб қарайди ва ишчи-деҳқонларнинг дунёдаги биринчи давлати — СССРга бахт-инқоб тилайди.

Саодат Ҳасан Минто 1955 йил 18 январда Покистоннинг Лоҳўр шаҳрида вафот этган. Унинг асарлари мафотидан кейин ҳам кўплаб нусха-ларда нашр этилмоқда.



Жаҳон

адабиётдан

гилини эшитдию ғусулни бутунлай йиштириб қўйди. Исми Муҳаммад Али эди. Бир кунни ўзини «Мен Муҳаммад Али Жиноҳман!» деб эълон қилди. Буни кўрган бир сикҳ дарҳол ўзини Тора Сингх деб таништирди. Вазият кескинлашганини кўрган маъмуллар уларни алоҳида-алоҳида хоналарга қамаб қўйдилар. Яхши ҳамки шундай қилишгани, акс ҳолда қон тўкилиши муқаррар эди.

Лоҳурлик бир ҳинду адвокати ҳам шифохонада муқим эди. Бу йигит ҳинду қизига кўнгил берган экан. Қиз Бошқага тегиб кетганидан кейин йигит девона бўлиб қолибди. Мамлакат иккига бўлинганча, Амритсар шаҳри Ҳиндистонга ўтиб кетди. Бу хабар халиги адвокат учун улганнинг устига тепгандай бўлди. Чунки унинг севгилиси Амритсарда яшарди. Шундай қилиб, қиз Ҳиндистонлик, йигит эса покистонлик бўлиб қолган эди. Мамлакатни иккига бўлиб, севгилисидан иккинчи марта жудо қилган раҳбарларни адвокат бўралаб сўка бошлади.

Европаликларга ажратилган палатада иккита дурагай инглиз-ҳинд бемор бор эди. Инглизлар Ҳиндистонни ташлаб ўз юртиларига жўнаб кетишибди, деган гапни эшитган, улар роса бесаранжом бўлишди. Иккаласи панароқ жойга чиқиб олиб, жиддий тусда шивирлаш бошлашди: бу уларнинг шифохонада тугган мавқеига қандай таъсир қиларкан, европаликларнинг палатаси бундан кейин ҳам қолаверармикан ёки йўқ бўлиб кетармикан, энди аввалгидай нонушта бўлаверармикан, агар бўлса, нонуштага юмшоқ булка беришармикан ёки ўша суви қочган ҳинд чапатайисини еб, заҳар босди қилишармикан?

Шифохонада бир сикҳ бемор ўн беш йилдан буён ётарди. Яқнаш бир гапни такрорлаб юрарди. «Упар ди, гаргар ди, энкас ди, бедхаяна ди...» На кечаси ухлайди ва на кундузи. Қоровулларнинг айтишича ўн беш йил мобайнида лоқал бир марта узала тушиб ётганини ҳеч ким кўрган эмас. Фақат ҳар замон-ҳар замонда бирпас деворга суяниб мизғиб олади. Нуқул тикка турганлигидан бўлса керак, оёқлари дўмбира бўлиб шишиб кетган, болдирлари ҳам яллигланган. У Ҳиндистону Покистон борасидаги гапларни зеҳн солиб тинглаб туради-да, «бу масала хусусида сиз қандай фикрдасиз?», деб сўрасалар, жиддий жавоб беради:

— Упар ди, гаргар ди, энкас ди, бедхаяна ди... Беморнинг оти Бишан Сингх, бироқ ҳамма уни Тўбате Сингх деб қақирар эди. Чунки у асли Тўбате Сингхдан бўлиб, кимни кўрса, юртини сўрарди. Лекин Тўбате Сингх Ҳиндистондами, ёки Покистондами — буни ҳеч ким билмасди. Сиёкат бир маҳаллар Ҳиндистонда эди, энди Покистонга ўтиб кетган эмиш, Лоҳур шу бугун Покистонда-ю, лекин ким билади, эртага Ҳиндистонга ўтиб кетадими? Ҳиндистоннинг ўзи кунлардан бир кунни Покистон бўлиб қолса ҳам ажаб эмас. Шундай экан, Покистон ҳам, Ҳиндистон ҳам абадий ўрнида қолади, деб ким ишонч билан айта олади?

Тўбате Сингх кам чўмилар, соч-соқоли патак бўлиб кетган эди. Лекин ўзи мусичадек беозор. Ҳеч ким унинг биров билан жанжаллашганини, уришганини кўрган эмас. Бу ерда кўндан бери ишлайдиган хизматчиларнинг гапига қараганда, унинг Тўбате Сингхда анчагина ери бўлган, ўзига тўқ заминдор экан. Бир кунни тўсатдан мяяси айнаб қолибди. Қариндош-уруғлари дарҳол уни занжирбанд қилиб, шифохонага келтириб ташлашди. Хеш-акраболари ойига бир келиб, селоматлигидан хабар олиб кетишарди. Яқинлари келишидан олдин у совунлаб ювинар, сочига мой суртиб, тарар эди. Ясаниб-тусаниб қариндошларининг олдига чиқарди. Ундан бир нарса сўрасалар, индамас ёки «Упар ди, гаргар ди, энкас ди, бедхаяна ди...», деб қўя қолар эди.

Тўбате Сингхнинг ёш қизчаси бор эди. Унинг бўйи ҳар йили бир қаричдан ўсиб, ўн беш йил деганда бийойдек бўлиб қолди. Тўбате Сингх қизини танимасди. Отаси энди касал бўлган пайтда қизалоқ уни кўрса йиғларди. Мана, бўйи етиб қолибдики, ҳамон кўз ёши тинмайди.

Покистон — Ҳиндистон можароси бошландио Бишан Сингх ҳаммадан «Тўбате Сингх қаерда?», деб сўрайдиган бўлди. Лекин, ҳеч ким унга таъинли жавоб беролмасди.

Тўбате Сингх ҳамдардлик қилиб, меза-чеза, ширинлик, кийим-кечак олиб келиб турадиган меҳрибонларини кўрсарди. Чунки улар Тўбате Сингх қаерда эканлигини айтиб беришлари мумкин эди. Негаки, улар Тўбате Сингхдан келишарди-да. У ёқда, ахир Бишан Сингхнинг уй-жойи, ер-суви бор эди. Ҳиндистон — Покистон можароси бошландио Тўбате Сингхнинг қариндошлари ҳам келмай қўйишди.

Шифохонадаги яна бир бемор «Мен худоман!» деб юрарди. Бир кунни Бишан Сингх ундан сўради:

— Тўбате Сингх Ҳиндистондами, Покистондами?

Бемор бир қаҳ-қаҳ уриб, кейин жавоб берди: — У ҳозирча Покистонда-ю, бироқ ҳали Ҳиндистонда эмас. Чунки биз уни у ёққа ўтказиб юбориш ҳақида ҳали фармоиш берганимиз йўқ! Тўбате Сингх «Илоҳим, бу жанжални босди-босди қилиб юбор!» деб худого кўп илтижо қилди. Худо кўнавермади шекилли, Бишан Сингхнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Упар ди! Гаргар ди! Бедхаяна ди!... Эҳтимол бу сўзлар билан: «Минг қилса ҳам мусулмонларнинг худосисан-да, сикҳларнинг худоси бўлганинда-ку аллақачон гапимга қулоқ солардинг!» димоқчи бўлгандир.

Беморларни айирбошлашдан бир неча кун олдин Тўбате Сингхга бир мусулмон огаиниси кўргани келди. Тўбате Сингхнинг унга кўзи тушдию индамасдан жўнаб қолди. Соқилар уни тўхтатишди:

— Бу одам атайлаб сени кўргани келибди. Сўрашмайсанми, ахир у дўстнинг Фазал Дин-ку? Бишан Сингх унга бир қараб қўйди ва алланималар деб вайсай бошлади.

Фазал Дин дўстига тугунча узатди. Тўбате Сингх тугунчани олиб, соқиларга берди.

— Тўбате Сингх қаерда? — деди сўнгра у.

— Қаерда бўларди? — деди Фазал Дин бир «з таажжубланиб». — Аввал қаерда бўлса, ҳозир ҳам ўша ерда-да...

ларга кийим кийгизилса, бурда-бурда қилиб йиртиб ташлашарди. Бир бақирган, бири чақирган, бирининг оғзидан боди кириб, шоди чақирган, яна бири овози борича ашула айтади, бу ёқда мушталашув, у ёқда йиғи-сиги...

Касалларнинг кўпчилиги айирбошлашдан норози эди. «Тинчгина ашаб турган жойимиздан нега кўзгатишарди, нега бизни бунчалик сарсон қилишарди», деб ҳайрону безовта эдилар. Нима бўлаётганига ақллари етмасди. Сал-пал эс-ҳўши бор беморлар «Яшасин Покистон!», «Яшасин Покистон!», «Яшасин Покистон!» деганларни аччиғи келарди. «Яшасин Покистон!» деганлар сикҳларнинг жаҳли чиқарди.

Пировардида Тўбате Сингхга нават етди. Вагаднинг нарийбдаги маъмур унинг исмини рўй-хатга ёза бошлади. Шунда бемор ундан сўради: — Тўбате Сингх қаерда, Покистондами, Ҳиндистондами?

— Покистонда, — деди маъмур кулиб. Бу гапни эшитдию Тўбате Сингх сакраб четга чиқди, югуриб бориб огаиниларига қўшилди. Покистонлик аскарлар уни ушлаб олиб, ўз томонларига судрадилар. Бироқ у оёгини тираб олди ва бақира бошлади:

— Тўбате Сингх шу ерда! Худди шу ерда!..

Упар ди! Гаргар ди! Энкас ди!

— Ахир тушунсангчи, Тўбате Сингх Ҳин-

А. ХОЛИҚОВ чизган



— Покистондами ёки Ҳиндистондами?

— Ҳиндистонда... Йўқ, йўқ, Покистонда... —

Фазал Дин довдираб қолди, Тўбате Сингх:

— Упар ди, гаргар ди, бедхаяна ди... — дедию

жўнаб қолди.

Беморларни айирбошлаш учун лозим бўлган ҳамма тайёргарлик поёнига етди. Кетадиган ва келадиган беморларнинг рўйхатлари тайёр бўлди, айирбошлаш кўни ҳам андақ белгиланди.

Ҳаво совуқ. Сикҳ ва ҳинду беморлар тушган юк машиналари бирин-кетин чегарга қараб йўл олди. Бир тўп полициячилар уларни қўриқлаб бормоқда. Айирбошлаш билан шуғулланадиган тегишли маъмуллар ҳам улар билан бирга, Вагаҳ чегарасида ҳар икки томоннинг суперринтендантлари учрашди. Лозим бўлган расмий адо этилгандан кейин беморларни айирбошлаш бошланди. Бу иш тун бўйи давом этди.

Баъз беморлар «Машинадан тушмаймиз!» деб оёқ тираб туриб олишарди. Тушганларини эса эп-лаш қийин, чунки улар тум-тарақай бўлиб, ҳар томонга қочиб кетишарди. Қип-яланғоч бемор-

дистонга ўтиб кетган! — деб унга анча ўғит-насихат қилишди. — Агар ўз оёғинг билан бормасанг, сени зўрлаб олиб кетишарди...

Лекин бемор гапга қулоқ солмасди. Уни нарийб томонга олиб кетиш учун яна ҳаракат қилиб қўришди. Қоқ ўртада, шилган оёқларини тираб, шундай туриб олдики, гўё ҳеч қандай куч уни бу ердан қўзғата олмади.

Тўбате Сингх жуда беозор одам эди, шунинг учун уни ўз ҳолига қўйишди. У турган жойида қолаверди, бошқа беморларни айирбошлаш давом этди.

Қуёш чиқай деб қолганда Тўбате Сингх шундай дод-фарёд қилдики, гўё фалак ларазга келгандек бўлди. Маъмуллар чопиб келишди. Қарашда, ўн беш йил оёқда турган одам юз тубан ётибди. Тиканли симларнинг нарий ёғи — Покистон, бу ёғи Ҳиндистон, қоқ ўртадаги номи йўқ бир парча жойда эса Тўбате Сингх ётарди...

Урдучадан Э. АШУРБОВ таржимаси



ТОШ ҲАҚИДА ҚУШИҚЛАР

Шоҳимардон

Эл аро, бағри тош дейлар
Юраги тошдайин музларин.
Ништари тиг мисол туюлар
Заҳарга қорилган сўзларинчиг.

У қурбон, буниси қотилдир —
Тош юрак ўт дилни поралар.
Қабоҳат тошлари отилар...
Душманлик шундайин аралар.

Тошларга урилди азиз бosh,
Қонларга беланди оқ ятак.
Булутга ем бўлди зўр қўёш.
Сўнг, бунда аралди бир эртак.

У тошлар... шоирга отилган,
Ётармиш оёқлар остида.
Едгордай бағри тош қотилдан.
Қотганимш тош бўлиб аслида.

Шоирни йўқлаган қадамлар
Зарбидан у тошлар инграримш.

Шоирга тиз чўкса одамлар,
Ажиб бир ҳикоят тинглармиш.

Ниҳоллар бўй чўзса, салом дер
Энг аввал шоир замонга.
Чугурлаб учган қуш мудома дер:
«Лаянатлар ёғилсин ёмонга!»

Сой кумуш заррадек сочилса,
Жаранглар у битган мисралар.
Қирларда илк лола очилса,
У ишкли қалбардан изланар.

Гоҳ шамол увласа тоғларда,
Сўзлагай бўронли йилларни,
Баҳор... Нок гулласса боғларда,
Гул кўмар у юрган йўлларни.

Фақат тош гунг оёқ остида
Едгордай тошбағир одамга.
Билмам, тош инграмоқ қасдида
Интизор ётарми қадамга!

Тош монологи

Қамситманг мени, гунг, ҳиссиз деб,
Совуқ деб, қаттиқ деб, ўқситманг.
Уқталманг бировага, тилсиз, деб,
Тош отиб, лаянатга юз тутманг,
Субҳидам кўзимда титраб ёш,
Аслида бир тошман мен юваш.

Мен асрий тоғларнинг бошида
Довуллар, селларга дош бердим.
Чақилар ёнса тоғ тошида,
Барига мен қалқондош эдим.
Саратон қиздирди, ювди сел
Қамчинлаб ўтдилар шамол, ел.

Қаҳрамон айланса ҳайкалга,
Муз бўлиб совуйди баданим.
Тилми йўқ ҳолимни айтарга.
Пойимга гул қўйган одамнинг
Пойига тўқардим кўз ёшим.
Инғиллаб, деб айтманг сиз тошин.

Қўярлар қадрлар бошига,
Юварлар мени кўз ёшига.
Бир умр едгордай қолурман,

Инсонга ҳамдардман, ёнурман.
Қабрга тиз чўккан аёлга
Боқиб мен гарқ бўлгум таялга.

Бошинг тош, тошдайин бўлсин, дер —
Оналар боласин суйсалар.
Тошбағир бўлмайин ўлсин, дер —
Оналар бировдан куйсалар.
Тош бўлсин, майлига, бошингиз,
Юракка беритманг тошин сиз.

Чўкич-ла йўнсалар баъзда
Ғазабли ўт қаққар кўзимдан.
Вужудим ларзада... наздимда
Бир тўфон ўтар ер юзидан.
Уйламанг, ҳаргиз мен оддий тош,
Мен она заминга қайғудош.

Кўзгатманг, кўзгатманг, масканим —
Шу кўҳна, шу қутлуг она ер.
Ошиқманг отгани, босгани,
Тош эмас, тошбағир таъна ер.
Мен кекса онадай сабри тош,
Исмим тош, эмасман бағри тош.

АДИБ ЎЙЛАРИ

Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Уйлар» китоби унинг бадий ижод билан бирга адабиётшунослик соҳасида ҳам баранали меҳнат қилаётганини кўрсатади. Китобдан адиб ва тадқиқотчининг бадий маҳорат сирлари ҳақидаги мулоҳазалари ўрин олган. Автор бадий маҳорат масалаларига тўхталар экан: «Бу — моҳирликнинг натижаси эмас, маҳоратга бўлган эҳтиёжнинг натижасидир», дейди. Мазкур сўзлар атайин айтилган камтарин мулоҳазалар эмас, балки, юракдан чиққан самимий сўзлардирки, биз китоб билан таниша борганимиз сари бунга чуқур қаноат ҳосил қиламиз. «Адабий ўйлар»даги ҳар бир мақолада ёзувчининг кўп илмли ҳаётини кузатишлари, мушоҳадалари асосида тунгилган хулосалари ётади. «Ёш ёзувчига енгил тош қўйишининг фойдасидан зарари кўп, — дейди автор. — Менинча, ёшлар «скидка»дан кура ҳаққониятга кўпроқ эҳтиёт сезадилар. Ҳаққоният шуки, адабиётнинг ёшлар учун ҳам, кексалар учун ҳам тошу тазоҳиси берилса.

¹ Пиримқул Қодиров. Уйлар (бадеалар). Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1971 йил.

Тақриз

НУҚТАМИ, ВЕРГУЛ...

Алишер Навоийга таниши бировнинг ҳокимият эшак пара бериб, қозим бўлганлиги тўғрисида ёзиб юборибди. Навоий эса жавоб хатида: «Яхши. Агар у, эшак бўлмаса, қозим бўлармиди!» деган экан. Улуг шоир бу ўринда сўз ўйини қилган. Унинг жавобида асос парога берилган эшак ҳақида гапирилган. Биз араб ёзувида тиниш белгилари йўқлигини ҳисобга олиб, «у» олмошдан кейинги вергулни олиб ташласак, гап маъноси тасомавн ўзгариб, қозим эшак бўлиб қолади. Эзма нутқда фақат вергулгина эмас, умуман тиниш белгилари юзда катта ўрин тутайди. Агар биз «Бу — кўрпа чит» гаиндаги тиреникичкин сўздан кейинги олиб қўйсак, унинг маъноси бутунлай ўзгариб кетади. Мазкур гапда газламаини тури ҳақида фикр юритилган. Тиниш белги ўзгартрилгақ, фикр буюм ҳақида бўлиб қолади.

Ҳозирги давр эзма нутқини тиниш белгиларисиз тасаввур этиш мушкул. Уларни ўз ўрнида бехато ишлатиш

П. Қодиров реализм чўққисига бирдан чиқиб бўлмаслигини яхши англайд. У буюк санъаткорлар тақрибаси, маҳорат сирлари мағзини чақишга интилади: «Хунарманд офтоба яшаш маҳоратини бир марта эгалладан кейин бир-биридан қолишмайдиган офтобалар ясаверади. Ёзувчининг маҳорати эса, ҳар янги асари учун янгидан тобланиш ва гўё қайта туғилиши керак, чунки ҳар сафар унинг олдида янги ҳаётий материал, янги ижодий муаммо туради. Хунарманд ўлик металлдан совуқ бир буюм ясаса, ёзувчи қайноқ таассуротлари асосида тирик қалб яратиши керак».

Баъзан маҳорат ҳақида гапиримизу бунинг санъаткор маҳорати эканини чуқур ўйламаймиз.

Ижодда ҳаққонийликка эришишининг биринчи шарти табиийлик, самимийлик эканлигини П. Қодиров алоҳида таъкидлайди: «...А. Қодиров асарларининг «чоклари» кўринмайди. Бу асарлар бичиб тикилган асарлар эмас, ҳосилдор ерга уруғи экилиб, парвариш қилиниб, ям-яшил дарахдай ўстирилган табиий асарлар». Бу гаплардан яна Абдулла Қодиров асарларининг «чоклари кўринмайди» назоратини излаймиз. Еки, кечатгина ўқиган бир хом асарнинг «чок-

натта ҳаққониятга эга. Шу нуқтан назардан қараганда, тилимиз пунктуациясининг асосларини ишлаб чиқиш ишохтада зарур эди. Бу борада узоқ йиллар иш олиб борган филология фанлари кандидати Қарим Назаров анчагина мукамал, муҳим қўлланма яратди. Олимнинг Тошкент университети нашр этган «Ўзбек тили пунктуацияси асослари» асари ўзбек тили пунктуациясининг бунёдга келиши ва унинг асосларини ёритишга, тиниш белгиларини қўлланишдаги хилма-хилликни бартараф этишга қаратилган қимматли илмий монографиядир.

Автор ўз китобида: «Тиниш белгилари мазкур тил ёзув системасининг ажралмас қисмидир», деган фикрни айтади. Эзма нутқ эса бадий адабиёт, вақтли матбуот, илмий, илмий-оммабола асарлар тилини ҳам ўз ичига олади. Автор шу объектларнинг барчасини тўлалгичча назарда тутиб билган ва ўзбек пунктуациясини принципларини белгилаб чиққан.

Тадқиқотчи уч принципни асос қилиб олади. Энг аввал логик-грамматик принцип таърифланган. Айрим

МАҲТУМҚУЛИ ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

Турман ҳалининг машҳур шоири Маҳтумқули ҳақида халқ орасида нўллаб ривоят ва афсоналар тўқилган. Бундай ривоятлар ҳозир ҳам яратилмоқда.

1939 йилдан бошлаб турли илмий экспедициялар ва айрим кишилар Маҳтумқули ҳақидаги латифаларни тўплаб бошладилар. Бу соҳада турман олимларидан Мати Кўсаев билан Омон Кенкиловнинг хизмати катта. Улар Маҳтумқули тўғрисидаги афсоналарни жамлаб нашр эттирдилар.

Ана шу нодир ривоят ва афсоналардан айримлари билан сизларни таништирамиз.

СИРЛИ ТУРВА

Эрон шохининг навкарлари тинч-осойишта яшаб турган ёвмут, гўклян қабилаларини талаб, молларини ҳайдаб, одамларни банди қилиб олиб кетибди.

Қишлоқ оқсоқоллари Эрон шохига бир неча аргумоқ, чиройли гилмалар, совға-салом элтиб, асирларини тилаб олмоқчи бўлишбди. Уша пайтларда Маҳтумқули айни куч-гайратга тўлган йигит экан. У оқсоқолларга:

— Мени ҳам олиб бориңлар, эҳтимол, фойдам тегиб қолар, — дебди. Аммо қариялар кўншимабди:

— Сенга ўхшаган ёшларнинг ундай улуг ерларга бориши ўринли

эмас, бу — оқсоқолларнинг иши, — дейишбди.

Оқсоқоллар жўнаши билан Маҳтумқули ҳеч кимга билдирмай, уларнинг орқасидан қорама-қора йўлга тушибди.

Эрон шохи ўзининг Мозандарон атрофидаги ёзлик қароргоҳида истироҳатда экан. Турман оқсоқоллари шох ҳузурига кириб, тилакларини айтишбди. Шох сўрабди:

— Шундай муҳим иш билан келибсанлар, Маҳтумқули шоир қайси биринг бўласан!

Шу вақт дарахт панасида яшириниб, турган Маҳтумқули салпич олдинга чиқибди-да:

лари» кўзимизга яққол ташланади. Демак, тадқиқотчи қаламга адиб қалбнинг ҳарорати сингса, бундан адабиётшунослик ҳам, адабиётнинг ўзи ҳам катта наф қўради. «Адабий ўйлар»да ўқувчига тез ва чуқур сингадиган мана шундай фойдали мулоҳазалар кўп.

Санъаткорликдан мурод — инсонпарварлик. Лекин адабиётда бу олижаноблик бадий ифодасини топмагунча ёзувчининг сўзи ҳам, индиси ҳам беқор кетади. Автор бундай ҳулоса чиқаради: «Ҳақиқатпарварлик — инсонпарварликнинг энг олий кўришиларидан биридир». Агар инсонпарварлик ҳақиқатпарварликка хизмат қилмаса, ҳар қандай маҳорат, ҳар қандай истеъдод ҳам фойдасиз эканлигини П. Қодиров қайта-қайта таъкидлайди. Буюк реалист Л. Н. Толстойнинг ёшлиқда айтган кўйидаги сўзларини П. Қодиров эътиқод билан хотирлаб ўтади: «Мен ўз повестимда чин қалбимдан севган ва бутун жоним билан тасвирлашга интилган қаҳрамоним — ҳақиқатдир. Ҳақиқат ҳақиқат бўлган эди, ҳозир ҳам шундай, келажакда ҳам шундай бўлади». «Фан, маърифат, адабиёт — ҳаммаси ҳақиқат зарраларидан таркиб топган эмасми!»— дейди ёзувчи бир ўрнида. — Атом бўлмаса, моддий ҳаёт йўқолгандек, ҳақиқат бўлмаса, маънавий ҳаёт ҳам йўқолади. Чиндан ҳам, ҳаёт диалектикасини англаган адиблар маънавий оламдаги энг муқаддас ҳақиқат зарраларидан бири — адабиётда ҳаққонийлик учун қандам бақадам курашганлигини кўраимиз.

П. Қодиров талант, матонатли механик, ҳаёт ва адабиётни билиш масалаларини бир бутунликда қўяди, буларнинг бирортасисиз катта икнодий ютуқни кўлга киритиб бўлмаслигини далиллайди.

«Бойлик — бойлик эмас, бирлик — бойлик, дейишди. Шу сингари икнодий икнод қилувчи омиллар ҳам бирлик йўлидан борганидигани муваффақият деган маънига етишди». Хўш, бу «бирликка қандай эришиш мумкин!» «Уйлар» автори бу ҳақда ҳам одилона фикр айтди: «...ҳар бир ёзувчи ўзи учун танқидчи ҳам ҳисобланади. Гўё унинг ярми ёзувчи бўлиб ёзса, ярми танқидчи бўлиб қандай ёзётганини айтиб туради, ҳар бир асарини китобхондаги эҳтиёжлар, адабиётдаги талаблар ва авторнинг юрагидagi ниятларнинг тоши билан тортиб қабул қилади».

Ҳақиқатан ҳам, ёзувчи ўз икнодига танқидий кўз билан қарама экан, у икнодда баланд чўқиларга кўтарила олмайд.

Мунаққиднинг икноддаги кашфиётчиллигини ҳаққоний таъкид қилиш ҳам «Уйларнинг қимматини оширган. Бадий икнод аслида йўқ нарсаини бор қилиб кўрсатадиган қандайдир афсонавий бир тушунча эмаслигини автор жуда ҳам ишонарли қилиб исботлади. Икнодорнинг ҳаётдаги бор ҳақиқатни оширмай ёки, камайтирмай жозибдор қилиб кўрсата олиш қудратини П. Қодиров жуда содда ва аниқ қилиб тушунтиради. Унинг фикрича, «Сувдан ҳөлва ясаш генерал одамнинг ҳам қўлидан келмайди».

Чуқки, ҳөлвани ҳөлва қилиб турган ширинлик, тўйимликлик сувда йўқ. Бунақа йўқ сифатларни мўъжизакор талан кучи билан ҳам бор қилиб бўлмайди. Фақат аслида бор материал асосидан янги бир кашфиёт қилиш мумкин».

«Уйлар»нинг баъзи бир жузвий камчиликлари ҳам йўқ эмас. Мулоҳазакорлик баъзан ўзини оқламайди. Мақолаларини ўқиб ҳузур қилиб борасиз-у, гоҳо авторга таъсир кўрсатган асарлар ва образларни кўз ўнгингизга келтиролмай қоласиз. Илҳам ёзилган ва мақолаларга ортинча юк ортиб юбормагандек, автор баъзан уларнинг юқини енгиллаштириб қўяди. Масалан, «Олий ўлчов» мақолада гап ҳаққонийлик устида борди-ю, шу муаммо юзасидан етарли далиллар келтирилмайд.

«Адабий ўйлар» китоби Қора кўзлар» романи ва «Эрик қиссасидан кейин макдонга чиқди. Сўнгги роман ва қисса «Уш илди»га нисбатан қанчалик ёш, камолотдан дараж берса, «Уйлар» адибнинг мунаққид сифатига ҳам қалами ўткирлашганини кўрсатиб турибди.

«Халқ тили ва реалистик проза» деган тадқиқотда П. Қодиров ўзбек прозасининг шаклланиган даврини таҳлил қилади. «Уйлар» китобида шу монографиядан баъзи боблар киритилган. Авторнинг хизмати шундаки, у энг яхши проза асарларимизда ҳаққонийлик ва бадий маҳорат ҳақиқати бир-бирига қатишиб кетганлигини ишонарли далиллар билан кўрсатган. Реалистик прозанинг дунёга келиши-

да халқ тили асосий фактор бўлганлигини ҳам тадқиқотчи алоҳида таъкидлаб ўтади.

Совет воқелигини ақс эттирувчи проза асарларининг таҳлили аниқса, дуруст қилинган. Янги воқелик тасвири бир қарашда осмонроқ кўринаса, аслида замонавий асар яратиш, қайтага, кўпроқ маҳорат талаб қилишини П. Қодиров тўғри ўқтиради. Китобнинг «Обид кетмон» қиссаси тилини таҳлил этган саҳифалари аниқса мароқли. Аввало автор А. Қодирийдек санъаткорнинг бу асарнда юксак маҳорат белгилари борлигини кўради. Сўнгра, ўша даврданг прозамиз учун характерли бўлган камчиликларини таъкидлайди: «...Обид кетмон»да зерикарли бир тарзда куруқ санаб ўтилган рақамлар, ишлаб чиқарш тефсилотлари, мажлис стенограммасаги ўхшаш баёнлар анча кўп ўрин олади. Шу сабабли бу ахборот ва баёнлар асарнинг бадий нуқсонига айланади».

Демак, юксак реализмга эришиш осон эмас. Ҳаёт ҳаққоний тасвирлангандагина адабиётимиз олға силжийди.

Мабодо адибнинг «Утган кунлар» авторига ҳажонли муҳаббатни устун келганда, унинг «Обид кетмон» ҳақидаг аниқ ҳақиқатга тўла мулоҳазаларини ўқиманга бўлар эдик. П. Қодировнинг олимлиқ иқтидори адиблик эҳтисоси билан ўқигун. У адабиёт илмининг ўзда ҳам маҳоратга, ҳаққонийликка эришади.

Юсуф ШОМАНСУР

Тақриз

тинши белгиларининг қўлланиши эса ўринга кўра турличадир. Масалан, диалоглар одатда тире билан бошланган ҳолда, грамматик асарларда бундай эмас. Шу сабабли, қўлланда услубий принципга алоҳида эътибор қилинган. Автор дифференциация принциплари ҳам жиддий ёндашади. Маълумки, ёзувда кичик, ўрта ва катта қавслар: қўштирноқ, бурчакли қўштирноқ ва тирноқ каби, бир тинши белгисининг турли кўринишлари қўлланилади. Буларнинг ҳар бири ўз қимматига эга. Асарда зеруриятга қараб тинши белгисининг дифференциацияси, қўлланилиш ўринлари асослаб, кўрсатиб ўтилган. Монография таилланган принципларга изчил амал қилинган ҳолда ёзилган.

Китобда ҳар бир тинши белгиси қачондан ва қим томонидан қўлланила бошлаганилиги, ўзбек ёзувига қачон кириб келганилиги изчил ёритилган. Айрим белгилар ҳозирги ҳолатда шаклланигунча қандай кўринишларга эга бўлганлиги, уларнинг мақбул ва номақбуллиги исбот қилинган. Масалан, қўштирноқ ҳозирги ҳолатда шаклланигунча қадар уч марта ўзгаршига учраган. Қўштирноқнинг дастлаб қўлланилган, яъни нуқта ва вергуллар чизмида белгиланган вариантни бошқа тинши белгилари билан қоршавер-

ганлиги оқибатда ўзгариб кетган ва ҳоказо. Монографияда тинши белгиларининг ҳозирги шакли ва ўрини ҳамисоли шажмат тахтасига терилган доналар каби ўз ўрнида қатъийлашганлиги далиллар билан асосланган.

Олим ҳар бир тинши белгисининг вазифаларини атрофлича ёритишига ҳаракат қилган; логик-грамматик вазифаси, услубий асослари, дифференциацияси бой материал асосида таҳлил этилган, тушунириб берилган, назарий асослар кўрсатилган. Автор бир принципга риоя қилиш лозим бўлган ўринларда тинши белгилари хилма-хил қўйлаётганлигини номақбул деб ҳисоблайди ва бу соҳадан камчиликларини кўрсатади. Масалан, цитата кетидан қавс ичида автор ном келтирилган ҳолатларда тинши белгиси хилма-хил ишлатилади. Сўроқ ва буйруқ маъноли цитата бўлса, тинши белгиси цитатага берилиб, автор номини ўз ичига олган қавс кетидан нуқта ишлатиларди. Карим Назоров бу ўринда цитатанинг ўз тинши белгиси сақланиб қавсга олнинган автор номидан кейин нуқта қўйилишини ёқлайди. Аввалги иккинчи ҳолатини эса қондага илова қилинган асоссиз эслатма деб таъкид этади.

Монография илмий-назарий аҳамиятга молик бўлиб қолмай, унинг

амалий қиммати ҳам каттадир. Ундан журналистлар ҳам, ўқитувчилар ҳам қўлланила сифатида фойдалана оладилар. Асар содда услубда, бой фактик материаллар асосида яратилган. Тилшунослигининг зарур амалий соҳасига бағишланган маъзур монографияда, фикримизча, яна бир нарсаси ўрни олиши керак эди. Унинг охирига «очқиқ» илова қилинса, монографиянинг амалий қиммати янада ошган бўлар эди. Масалан, фойдаланувчи учун ё кўчирма гага оид, ё киритма конструкцияга оид тинши белгилар қондаси зарур бўлиб қолса 140 саҳифали китобнинг қўлсига бетидан излаши керак! Илова қилинган «очқиқ» эса бу мушкулни осонлаштиради.

Катта амалий ва назарий аҳамиятга молик бўлган бу китоб, афсуски, техник жиҳатдан анча сифатсиз ва жуда ҳам нуқсанда нашр этилган. Уни сифатини яхшилаган ҳолда, «очқиқ» илова қилиб, кўпроқ нуқсанда қайта нашр этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

М. МИРТОЖИЕВ

Редакциядан: Дарҳанҷат, доцент Карим Назоровнинг пунктуацияимизни тартибга солиш соҳасида олиб бораётган илмий ишлари, тилшунослик томонидан яратилган «Ўзбек тили

пунктуацияси асослари» китоби ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан зарур асардир. Унинг фазилатлари М. Миртожиевнинг юқоридagi тақризда мухтасар баён этилган. Табиийки, бу монография пунктуация масалаларига нуқта қўймайди, бу масалалар янада батафсил ишланши керак. Карим Назоровнинг китоби пунктуацияимиз асосларига бағишланган дастлабки йирин асарлардан бўлганлиги, маъзур соҳа ҳали етарли тадиқ қилинмаганлиги туйғали, баъзи мулоҳазали фикрларнинг туғилиши ҳам табиийдир. Бизнинг назаримизда, дефис (-) масаласи шулар жумласига кирмади. Китобда дефиснинг ўрни белгилаб берилмаган. Ваҳоланки, дефиснинг ёзма нутқда, айниқса вақтл матбуотдаги ўрни катта. Дефиснинг ноўрин қўлланилиши маънога бевосита таъсир қилади, чалнашликларни келтириб чиқаради. Китобда эса бу фариланмаган: тире (—) билан дефис (-) аралаш-қуралаш ишлатилган. Шунингден, сарлаҳаларда тинши белгилари ишлатилмайди, деган фикр ҳам мунозаралидир. Аминимиз, автор асарини қайта нашрга тайёрлаётганда бу каби баҳсли ўринларга ойдинлик киритади, китоб нег ўқувчилар оммаси учун муҳим қўлланила бўлиб қолади.

ЭЧКИ

деб бошланадиган машҳур шеърини қўлиб ташлаган экан.
Шоҳ бу шеърини эшитиб, асирларни озод қилишга мажбур бўлибди.

НАВОЙИ ТИРК БУЛГАНИДА...

Айтишларича, қайсидир анжуманда, эътиборли кишилардан бири Маҳтумқулидан сўрабди:
— Агар, ҳозир ҳазрати Навоий бўлганлариде сиз нима қилардингиз? — Устоз Мир Алишер ҳаёт бўлганларида,— дебди Маҳтумқули,— мен у кишидан жиловдорлиқни тилаб олардим. Олтарининг жиловидан тугиб, узанглиларини ўпар эдим. Қўлларига сув куйиб, сочққ тутсам, ўзимни жаннати деб билар эдим.

— Маҳтумқули деганингиз камина,— деб қўл қовуштирибди.

Шоҳ Маҳтумқулининг сарой шоирлари билан мушоира қилишга тақлиф этибди. Шоир бир тўрага ўтириб олиб, мушоира бошлабди. У рақибларининг ҳаммасини енгибди. Шоҳ таажубланиб, нима учун унинг тўра устида ўтирганини сўрабди. Шунда Маҳтумқули:

— Бу тўрада ҳеч қандай қаромат йўқ, шоҳим, унда ота юртининг тупроғи бор. Устида ўтирсам, заминим мустаҳкам бўлиб, бутун халқим суяб тургандай туюлади. Ҳеч қимдан ҳайқимаслигим ва ҳеч қимдан енгилмаслигим боиси шу,— деб жавоб берибди.

— Сен яхшиси, шу ерда қол, хорзорлик кўрмай, айшу фароғатда яшасан,— дебди шоҳ.

— Йўқ, тақсир, мен сарой учун турганга эмасман, халқ учун турганман, халқим эса, менга интизор бўлиб, кўз тугиб турибди,— дея жавоб берибди Маҳтумқули.

Шоҳнинг қаҳри келибди:
— Халқим, халқим, дейсан! Қандай халқ у, боши қаердею овғи қаердалғи маълум бўлмас!

Шунда Маҳтумқули:

Евмат билан гўлкан ахли бирлашиб, Қўшин торса, ўнгир-орти кўринмас. Сигмай чиқса дашти-дахандан ошиб, Юрган йўли, қўнган юрти кўринмас.

— Бор, жонивор, эганга етиб ол!— деб эчкини қўйиб юборибди.

Туркичадан Ҳаним ХУҲАЕВ таржимаси



Ўзгмлар гарч лишиди.

ЗАМИНДА ЯШАЙМИЗ, ЗАМИННИ ЎЙЛАЙМИЗ...

Юқсак маданият асрида яшаймиз, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда истиқомат қилади, қишлоқлар ҳам шаҳар тусига кириб бормоқда, sanoat-техника нафаси ҳамма ерда кезиб юрибди. Фан ва техника мислсиз мўъжизалар кашф этмоқда. Ҳозирги пайтда фан ва техника мўъжизалари кириб бормаган бирор хонадонни, оммавий информация воситалари — китоб, журнал, газета, радио, кино ва телевидениедан баҳраманд бўлмаган бирор кимсани топиш маҳол.

Атом асрининг руҳи адабиётда ҳам барала зуҳур этиб турибди. Аввало, замондошимизнинг ўзи бутунлай янги одам, унинг ҳаёт тарзи, фикрлаш йўсини ўзгача, олимми, ишчи, колхозчи, ўқувчиси — ким бўлишидан қатъи назар, онгида аср белгиларини толавериб, мумкин. У ўзини қуршаб турган олам ҳақида кўп нарса билади, кўп ўйлайди, унинг манфаат, майл доираси ниҳоятда кенг.

Узоққа бормайл-у, асримиз бошидаги оддий қишлоқ кишиларини, чунончи, «Ўтмишдан эртаклардаги, автор бевосита шохид бўлган ҳодисаларни эслайлик. У йиллар учун элементар маданият янгиликлари, оддий техника асбоблари ҳам улкан мўъжиза эди: кўчада велосипед миниб кетаётган одам бир кампир кўзига «оёғи ерга тегиб-тегмасдан учиб кетаётган бир махлуққа ўхшаб кўринади, шунда кампир шайтонлаб ўзини ташлаб юборди ва уч кун деганда оламдан ўтди: ёзувчининг отаси Абдуқаҳҳор ака чок тикадиган «Зингер» машина сотиб олганда бутун қишлоққа доврўқ бўлиб кетди, узоқ-яқиндан одамлар уни кўргани келишади, оддий темирчи баъзилар назарида «зингерли бойга айланади; шогирд Кулаланинг бир палла тарвуз пўчоғида кўрсатган «найрағни», оҳанрабо билан тахта устида қалит юргизгани эл оғзига тушади, содда одамлар, шогирд шунга бўлса устаси қанақа экан, деган ҳаёлга бориб, Абдуқаҳҳор акани сеҳрагар — духонга чиқариб қўйишади...

Бунақа ҳодисалар, ёзувчи айтмоқчи, бугунги китобхон учун бамисоли бир эртак; яқинда ки-

шилар ҳаёлига сиғмайдиган мўъжизалар ҳозир ҳеч кимни ҳайратлантормайди. Инсон замондоши Ой сатҳида кезиб юрганини телевизорда ўз кўзи билан кўриб турса ҳам, бунинг табиий оддий ҳодисадек қабул қилади. Яқин ўтмишда қорачироққа шукур қилган бобонинг авлоди бугун хонадонда бирпас электр ёнмай қолса, тоқати тоқ бўлади. Кечагина Қўқондан бир ҳафта йўл босиб Тошкентга етиб келган отанинг фарзанди ярим соатли манзилга етказадиган ҳаво лайнери сал кечикиб қолса, ўзини қўярга жой тополмайди. Биринчи жаҳон уруши бошланганини олти ойдан кейин эшитган фарғоналик деҳқоннинг набираси марказий газеталар чиққан куни қўлига тегмаса «Союзпечать»га шикоят ёзади. Ҳозирги ҳаёт тарзи шундай. Бу инсон ҳаёлидаги, онгидаги улкан инкилоб ўзгартирилган нишон!

Маълумки, ҳар қандай тараққиёт муайян зиддиятлар асосида юз беради, бу табиий бир ҳол, диалектика қонуни шундай; ҳозирги маданий, илмий-техник тараққиётнинг ҳам ўзига хос зиддиятлари, қийинчиликлари бор. Чунончи, цивилизация оқибатида инсон табиат қўчоғидан маълум даражада узоқлашади, инсондаги интеллектуал майл унинг маънавий оламига кучли таъсир кўрсатиши, фан ва техника тараққиёти баъзан табиатга, инсон онги, ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солиши мумкин; айтилик, телевизор катта интеллектуал, маданий билим, эстетик завоқ манбаи; аммо бўш вақтларни нуқул унинг рўпарасида ўтказиш зарар ҳам келтиради; бу билан киши саломатлигини йўқотиши, ўзидаги интеллектуал, эстетик майллари бўйиб қўйиши, «маънавий техник»га айланиб қолиши мумкин. Олимлар, санъаткорлар бу ҳақда кўп гапирмоқдалар. Завад-фабрикаларнинг, транспорт воситаларининг инсон хожатини чиқаришдаги ролини ҳеч ким инкор этолмайди, уларсиз ҳозирги ҳаёт ва тараққиётни тасаввур этиш мумкин эмас. Аммо ана шу ҳаёт ва тараққиёт воситалари айна пайтда инсон учун энг зарур бўлган ҳаво билан суви ифлослантқирувчи, осийшталанин бузувчи манба ҳам бўлиб турибди; шаҳар, sanoat қурилишининг кенгайиши прогресс белгиси, лекин шу прогресс тўғрисида баъзан ин-

сонни боқадиган, кўзини қувонтирадиган ҳосилдор ерлар, бог-роғлар қамайиб кетмоқда; маданий ўғитлар ҳосилдорликни оширишда муҳим омил, кимёвий дорилар қишлоқ хўжалиги зараркуналдарига қирон келтиришда «мислсиз қурол»нинг ҳам маълум қатарли оқибатлари бор. Цивилизация асрининг шу хил зиддиятлари, муаммолари устида жаҳон олимлари, санъаткорлари, давлат арбоблари бош қотиришмоқдалар.

Нуқул даромад, бойлик ортириш асосига қурилган капиталистик жамият бу хил зиддиятларни ҳал этишга қодир эмас, шунинг учун ҳам буржуа санъати ва адабиётида, бир томондан, инсон билан цивилизацияни, иккинчи томондан, табиат билан фан ва техника тараққиётини бир-бирига кескин қарама-қарши қўйиш, инсонни фан ва техника олдида ожиз-нотавон қилиб талқин этиш кенг тарқалмоқда.

«Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун», деган шорга асосланган социалистик жамият эса бунақа зиддиятларни ҳал этишга қодир. Коммунистик партия совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ, табиатни муҳофаза этиш юзасидан реал тадбирлар кўра бошлаган эди. Партия ва ҳукумат фан-техника гоят тез ривожланаётган ҳозирги шароитда бу масалага янада катта эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ съездида шу тўғрисида зўр ҳаяжон билан гапирди. КПСС XXIV съездида қилган ҳисобот докладыда эса қатъий қилиб шундай деди: «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш чораларини кўрган вақтда бу нарса ҳаво ва суви хатарли равишда бузиш, ерни унумсиз қилиб қўйиш манбаи бўлиб қолмасдан, балки табиий ресурсларга жон куйдириб қараш билан қўшиб олиб борилиши зарур... Ватанимизнинг гўзал табиати берадиган ҳамма нъматлардан бизгина эмас, келажак авлодлар ҳам фойдалана оладиган бўлиши лозим. Биз табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан раціонал фойдаланиш соҳасида коллектив халқаро тадбирларда қатнашишга ҳам тайёрмиз».

Партия ва ҳукумат табиатни муҳофаза қилиш борасида бир қанча чора-тадбирлар кўрди. Байкал кўли, Волга ва Урал дарёларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳақида қарорлар қабул қилди, СЭВ доирасида биосфера юзасидан комплекс программа ишлаб чиқилди, атропо муҳитни муҳофаза этишда ҳамкорлик қилиш учун АҚШ билан битим тузилди ва ҳоказо.

Шуниси қувонарлики, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ана шу ишларда совет ёзувчилари ва санъаткорларининг ҳам муносиб иштироки бор. Академик С. Л. Соболев «Литературная газета»даги бир сўхбатда совет ёзувчиларининг шу хизмати тўғрисида тўхталиб, ҳар қандай прогресс ҳаммаша прогрессив ҳодиса бўлавермаслиги, ҳатто кишилар яқин илти билан амалга ошираётган ишлар бирдан ёмонликка олиб бориши мумкинлигини айтиди. У кишиларнинг табиатга муносабатида баъзан табиатни ҳодисалар бўлаётганидан таъшишгани бўлди дейди: «Ана шундай кезларда ёзувчи интуицияси инсониятни бу ҳавфдан илмий баъоратларга қараганда олдинроқ оғоҳ этолса—бундай ёзувчи прогрессга қарши эмас, балки у прогресс фойдасига хизмат қилган бўлади».

Совет ёзувчилари шундай қилмоқдалар. Атоқли адиб Л. Леонов 1947 йилдаёқ «Известия»да «Яшил дўстларини — ўрмонларни асрашга қақир, оташин даъват билан чиққан эди. М. Шолохов, КПСС XXIII съездида, колхозчилар съездида табиат муҳофазаси ҳақида куйиб-ёниб гапирган эди. Ш. Рашидовнинг бир қанча нутқ ва докладыда, Ф. Гуломнинг «Ошпичоқ кўтарганлар», А. Қаҳҳорнинг «Ўзбекистон — пахта заҳинаси», «Наманганнинг оламоси, анори бордир», «Ойбекнинг Тошкент қурилишига доир, К. Яшин, Н. Сафаров, Ҳ. Гуломнинг Мирзақўл ҳақидаги, П. Қодировнинг «Улмас аънаналар» сарлавҳали мақолаларида табиат муҳофазаси билан боғли жиддий масалалар ўртага ташланди.

Табиат муҳофазасига доир бу хил ўй-фикрлар бадиий адабиёт ва санъат асарларида ҳам кириб кела бошлади. Л. Леоновнинг «Рус ўрмони» романида, С. Герасимовнинг «Кўл бўйида» фильмида бу масала асосий пафос даражасига кўтарилди. Ч. Айтматов «Литературная газета»да бўлиб ўтган ижодий мунозарда «Оқ келам» қиссасининг етакчи мотивларидан бири инсон ва табиат масаласи эканини айтиди, мунозара қатнашчилари бунинг сезмаганликларидан афсусланади; кейинроқ адиб «Известия» газетаси муҳбири билан сўхбатда Санг-тош ўрмони йўлида учратиб қолган бир шофери йигитнинг бугу ҳақидаги мунгли ҳикояси қиссани ёзишга туртки бўлганини айтган эди.

Саида Зуннунова «Осмондан тушган қиз» ҳикоясида инсон ва табиат муносабатининг бошқа бир жиҳатига эътиборни тортади. Маълумки, Саида Зуннунованинг кейинги ҳикояларида ўйчанлик, мулоҳазакорлик чуқурлашиб бормоқда. Хусусан, «Осмондан тушган қиз»да шу фазилат яхши намоён бўлган. Ҳикояга асос бўлган ҳодисадан эҳтимол бошқа биров ҳажвий асар яратган бўларди. Дилшод шаҳарда тугулиб, нуқул иккинчи қаватда яшагани, мактабу курортдан бошқа жойни кўрмагани учун табиатдан узоқлашиб кетган. Биринчи бор қишлоққа келганда у ноқулай аҳволга тушиб қолади. Сув бўйида учиб юрган турли-туман капалак, ниначилар ҳам, даладан қайтаётган пода орқасидаги бузоқларнинг шаталоқ отиши ҳам, кечкурун чироқ атрофини ўраб оладиган парвоналар ҳам, сув бўйидаги бақрайиб турган бақалар ҳам — ҳамма-ҳаммаси унга ғайри табиий туюлади. Оддий маккажўхори поясини япон гули, десалар чиппа-чин ишонади, сийғир соғиш устидан чиқиб қолганда, сеҳрли ҳодисага дуч келгандек ажбланади...

Кулгули асар учун жуда ҳам қўл келадиган деталлар, ситуациялар. Бироқ Саида Зуннунова буларга ўзига хос тарзда нигоҳ ташлайди, шу ҳодисалар ҳам унинг талқинида кулгидан йироқ, ўйчан ва ҳазин оҳанг касб этади. Автор асосий диққат-эътиборни она қалбига қаратади. Қизалоқнинг кулгили ҳолати онани ўнга толдиради, у фан-техника асрининг мураккабликлари, инсон ва табиат, шахар ва қишлоқ, бола тарбияси каби масалалар устида ҳаёл суриб кетади. Она кўнглидаги дард дарҳол бизга ҳам «юқади». Унга қўшилиб биз ҳам ўй суриб кетамиз. Ҳозирги болаларнинг кўпи фан-техника нэматларидан баҳраманд, радио, кино, телевизор уларнинг овунчоғи, техника сирларини беш бармоқдек билади, Ой жинси таркибини айтиб бера олади, аммо шундай билимдонлар орасида она табиатнинг оддий алифбесини билмайдиганлар ҳам топилади. Табиатнинг ранг-баранг бой нэматларидан бебаҳра қолиш ҳам киши учун катта йўқотиш, бу ҳол ота-оналар зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳикоя қаҳрамони — Ҳурматолиннинг болага ахлоқ, одобдан ташқари ҳаётни, уни қўршаб турган атроф муҳитини, табиатни таништириш ҳам тарбияга кирди, деган хулосаси бизга ҳам маъқул туюлади.

Инсон ва табиат муносабати Шукур Холмирзаев ҳикояларининг етакчи лейтмотивига айланб қолди, десак муболаға бўлмас. Шуниси характерлики, Шукурнинг сўнги йилларда яратган деярли барча ҳикоялари шу мавзу атрофида айланса-дە, улар бир-бирини ўнчалик такрорламайди, ҳар гал автор масаланинг янги қиррасини кашф этишга интилади. Инсон ва табиат муносабати баҳонасида ёзувчи ўзаро бурч масаласини илгари сурлади.

Бундан бир неча йил бурун яратган «Ёввойи гул» ҳикоясидаёқ автор шу масалани кескин қилиб қўйган — ҳавойи орзулар қанотида парвоз этиб, замондан, она табиат кучогидан ажралиб қолган бир йигитнинг ҳам кулгили, ҳам аянчли қисмати ни аввасиз ифода этган эди. Табиатнинг оддий бир тухфаси — тоғ бағридан келтирилган ёввойи гул йигитчага ўзлигини танитиб қўяди, қалбидagi табиий туйғулари уйғотиб юборади, қаҳрамон кўнглида табиатидаги сохталикларга қарши тугён бошланади.

Оддий гиёҳнинг сеҳрли қудратини авторнинг «бойчечак очилди» ҳикоясида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳикоядаги ҳодисани сўнган вулқоннинг қайталанмиш жараёнига қиёс қилса бўлади. Асар қаҳрамони — адабиётшунос олим бир вақтлар қалб амри билан асарлар ёзиб, эл-юртга, илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган, нафосат тарбиятчисини сифатида танилган, эндиликда эса у қандайдир лоқайдлик, эриччилик касалига мубтало; унинг илҳом булоғи сўниб қолган, кўнглида гап қўпу айтишга эринади. Ижодкор ҳаёти мураккаб. Баъзан арзимас тасодиф ҳам унинг руҳий оламини алғовдалғов қилиб юбориши мумкин. Ҳикоя қаҳрамони ҳаётида ҳам шундай ҳол юз беради. Бу ерда яна табиат қўл келади. Тоғ сайри, мафтункор она табиат манзаралари: қиш, қор қўннида қуёшга буй чўзган сўлим бойчечак олим қалбига ҳаяжон уйғортади: унга тикилиб, олим илм-фан, гўзаллик, эзгулик олдида ўзининг масъул эканини ўйлаб қолади, энди у эмасас, кўнглидагиларни айтмасас туролмайдиган бир ҳолга тушади.

Инсон ва табиат муносабати тасвири ҳозирги ўзбек прозасида кенг ўрин олмақда. Бу ҳақда астойдил гаплашиш, баҳслашиш, бу ҳодисани чуқур ва атрофлича илмий тадқиқ этиш, рус, қардош халқлар ва жаҳон адабиётшунослигига бўлган қариб, бизга ҳам бу мавзуда йирик тадқиқотлар яратиб пайти аллақачон келган.

Умарали НОРМАТОВ

Навой гулшани

ЕТТИ ДЕНГИЗ



Кейинги йилларда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг қўлёзмалар фонди бир қанча янги топилишлар билан бойиди. Истамбулдаги Аёсуфия кутубхонасида 4682 рақами билан сақланган Алишер Навоийнинг «Сабаъту абхур» луғати қўлёзма-нускасининг микрофильми ҳам музей қўлёзмалар фондига олинди. Алишер Навоий жаҳон адабиёт хазинасига қўшган дурдоналари қатори уша давр илм аҳлига хизмат қилган, бутунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган араб тилининг изоҳли луғати «Сабаъту абхур»ни яратгани маъруф бўлди.

Асар ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий қаламига мансублигини аниқлашдан олдин луғатнинг мазмуни ва тузилиш принциплари ҳақида тушуна ҳосил қилайлик.

Луғатнинг 4682 рақамли қўлёзмаси 1736—1737 (1149 ҳижрий) йили суриялик машҳур олим ва хаттот Аҳмад ибн Али Дамашқий Маниний томонидан кўчирилган. Луғатдан олинган фотонускадан маълумки, китоб дуруст сақланган. Қўлёзма сул хатида чиройли қилиб кўчирилган. Қўлёзма муқаддима, луғат тексти ва хотимадан иборат.

«Сабаъту абхур» классик араб тилининг сўз бойлигини ифодалайди. Луғат араб алифбесидagi 28 ҳарфга кўра, ҳар бир ҳарф алоҳида бобга бўлинган. Сўзлар ўзанинг охириги ҳарфи эътибори билан бобларга, биринчи ҳарфи бўйича фаслларга бўлиниб, ўзанинг ўрта ҳарфига кўра эса фаслдаги тартиби белгиланади. Бирор сўзни луғатдан топиш учун, аввало, сўз ўзанинг охириги ҳарфига кўра, қайси бобда эканлигини аниқланади. Сўнг биринчи ҳарфига кўра фаслини ва ўрта ҳарфига қараб шу фаслдан сўзнинг ўзини топилади. Масалан, қалам (бу сўзнинг ўзаги қлм) сўзини топиш учун унинг охириги ҳарфига кўра луғатнинг «м» бобини очамиз, бобнинг «к» фаслини топчақ, ўзанинг ўрта ҳарфи «л» бўйича шу фасл ичидан араб алифбеси тартиби бўйича «қалам» луғат-мақолисини кўраимиз. Бизга керак бўлган қалам сўзининг изоҳи шу мақолада бўлади. Қлм ўзагидан яслиши мумкин бўлган қалама (кесмоқ), тақлим (кесиш) — каби бир қатор сўзларнинг ҳам изоҳини шу ердан топиш мумкин.

«Сабаъту абхур» 8609 та луғат-мақола, 40 мингдан зиёд сўздан иборат. Луғатдан архаик, диалектик, географик, этник, грамматик, адабиётшунослик термин ва сўзлари, кичик қишлоқ номлари, дин тартиби йирик давлат ва шаҳар номларигача берилган. Араб қабилаларининг номлари билан

турк ва форс қабилаларининг номлари ҳам бор. Луғатда киши номлари ҳам келтирилади.

«Сабаъту абхур»ни шу жиҳатдан қомусга қиёс қилса бўлади.

Навоий «Сабаъту абхур» луғатини тузишда араб тилининг изоҳли луғатларидан, араб тили грамматикасига доир китоблардан фойдаланган ва улар учун шартли қисқартмалар қабул қилган. Чунони: С — Жаҳҳарининг «Саҳоҳ» луғати. Т — Сагонийнинг «Тамкил» луғати. («Саҳоҳ»га қўшимча ҳисобланади.) К — Замашарийнинг «Кашшоф» тафсири. Ғ — Ғаройиб ул-ҳадис. М — Ибн Ҳожибнинг «Муфассал» китоби, иккита муқаддима ва уларга ёзилган шарҳлар. (Бу ишлар араб тили морфологияси ва синтаксисига оид бўлиб, иккита китоб ҳисобига ўтади.) З — «Завоид». Номлари қайд қилинмаган бошқа турли луғат, девон ва китоблар бу ном билан аталган ва шартли равишда уларга ишора қилишни енгилаштириш учун битта китоб саналган.

Алишер Навоий бу китобларнинг ҳар бирини денгиз ҳисоблаб, ўз луғатига «Сабаъту абхур» — «Етти баҳр», яъни «Етти денгиз» номини қўйган. Ана шу луғатларнинг қайси биридан фойдаланилганига кўра сўзларнинг изоҳи ўша манбага ишора қилиш билан бошланади. Кўп сўзларнинг изоҳида фойдаланилган луғатларнинг биронтасига ҳам шартли қисқартма берилмаган. Бу ҳолларда сўзларга изоҳни муаллифнинг ўзи ёзган бўлади. Навоий сўзларни изоҳлаганда ўзига хос усул қўллаган, манбаларга ижодий ёндашган.

Луғат ҳақида равшанкор тасаввур ҳосил қилиш учун бир неча сўзга берилган изоҳни намуна сифатида ўзбекча таржимасида келтирамиз.

«Сабаъту абхур» китобининг «Ба Боби «Ал фаслдан:

АББ: С. Ал-аббу — қабул қилинган, бор, мавжуд нарса. Миллий низо.

АББА, йазуббу, аббан, абобан, абобатан — юришга тайёр, ҳозир бўлмоқ, отланмоқ, жиҳозланмоқ, алабобу — жиҳоз.

Ал-аббу — чегара, норма; қасд, шу жумладан, галаба ҳам; ҳаракатга келтириш; қичкичи яланғолаш учун қилинадиган қўл ҳаракати.

АББАБА — қичқирмоқ, қуйламоқ.

Итйабба — иштиёқ билан қичқирмоқ, қуйламоқ.

Таббабаба — хириллаб овоз чикармоқ; таажжубланганда овозининг ўзгариб чиқishi.

Уббатун — Африкадаги бир шаҳар.

Убобун — сув, унинг тўққини, гирдоб.

АТБ: С. Ал-атабу — хотинлар кийими, кўплиги — утувбун.

Атабаҳо таътийбан — уни (кийимни) киймоқ.

له س الفله بالضم الارض الواسعة يطرب فيها السرب واللفه بالفتح الثوب
الرى النسخ وكذا اللام والشعوق واللله النجاج الابن الفله فى كراضعف
اتبع قلبه والشعران رقيقة وحسنه كوه كوه بكيوه كوهما ...

«Сабаъти абхур» луғатига сўзлар ва уларнинг изоҳи шу тартибда берилган.

Айтабба — киймок; ёйни орқага илганда ҳам шундай дейилади.

Таатба — чидам, қатыят билан ҳозир, шай турмоқ.

З. Атаба — кўрқитмоқ; хавотир қилмоқ.

«Саъбату абхур» лугатининг ҳозир биз танишган Аёўсфи Нусхасидан ташқари яна олти қўлёзмаси Истамбул кутубхоналарида сақланмоқда. Уларнинг бирини Аҳмад ибн Таробулусий кўчирган. Турк навоийшуноси Оғах Сирийи Лаванди 1956—57 йиллари эълон қилган «Навоийнинг арабча сўзлиги» ва «Навоийнинг асарлари» мақолаларида «Саъбату абхур»нинг муаллифи Алишер Навоий эканлиги ва лугатнинг еттита нусхаси Туркия кутубхоналарида сақланганлиги ҳақида гапирди. 1927 йилда Ҳусайн Козим Қадрийнинг «Турк лугати» асарига «Саъбату абхур» Навоийники экани ҳақида маълумот берганидан бехабар ҳолда мустақил шу фикрга келган. Лугатни Навоий туганганлигини Озарбойжон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ҳамид Орасли ва арғон олими Муҳаммад Ёкуб Воҳидий Жузжоний ҳам қайд этдилар. Жузжонийнинг «Мир Алишер Навоий асарлари» мақоласида айтилишича, Аҳмад Файсур Оташ «Саъбату абхур» Навоийники эканига шубҳаланмади. Лугатни Навоийники деган олимларнинг далили етарли эмас, деб ҳисоблайди у. Аммо ўзи ҳам фикрининг исботи учун бирор асосли далил келтирмайди. Ҳурматли журналхонларимизда ҳам шундай иккинчиларнинг пайдо бўлиши табиийдир.

Ҳали китоб босиш йўлга қўйилмаган вақтларда ёзувчи, шоир ва олимлар ўз асарларини ўзлари китобат қилишар ёхуд ўзи китоблар оққа кўчирар эдилар. Биринчи ҳолда китоб автограф, яъни муаллиф қўли билан ёзилган ҳисобланади. Китоблар оққа кўчирган китоблар эса кўпинча китобат санъатининг намуналари саналади. Навоийнинг Али Ҳижроний томонидан кўчирилган «Куллиёт»и бунга мисол бўла олади.

Қўлёзма китобнинг номи, муаллифи, ёзилган йили одатда асарнинг муқаддимасида, хотимасида ёки охирида кўрсатилади (баъзан матн ичида ҳам бўлиши мумкин). Шунинг учун бирор асарнинг номи, муаллифи ва ёзилган йилини аниқлашда аввало, унинг муқаддимаси ва хотима қисмлари чуқур ўрганилади. Асар хатот томонидан кўчирилган бўлса, китобнинг исми ва китобни кўчириб тугатган йили, одатда, китоб охирида кўрсатилади. Баъзан китоблар кўчирибётган асарларига ўзлари ҳам муқаддима ёзадилар. Бу иш асосан, асар муаллифининг вафотидан кейин бўлади.

«Саъбату абхур» Навоий вафотидан 236 йил кейин кўчирилган. Аҳмад Дамашкий котибгина эмас, балки олим ҳам бўлгани учун лугатга ўзи муқаддима ёзган. У муқаддимасининг ўрталарида бундай дейди: «Аммо фақир... Аҳмад ибн Али Дамашкий Маниний айтдики, араб тили лугатнавислигини «Етти денгиз» деб номланган китоб ҳақиқий аллома, ўткир тил билимдонни Мир Алишер Навоийникидир».

Маниний лугатга куйидагича баҳо беради: «...китоб муаллиф томонидан ҳеч бир тақлидсиз ёзилгандир, чунки даҳо тақлид қилишни ўзига асло раво кўрмайди. Унда муаллиф фикр юртишининг ажойиб йўлини топади. Унинг маълумот ташлаш усули ғайри оддийдир».

Шундай қилиб, бу ҳолда ҳам лугат матни тугаган, китоб лугатнинг номи, муаллифи, оққа кўчирилган йили ва ўзи ҳақида етти йўл хотима ёзган. Маниний хотимада: «...бу китобни Аҳмад ибн Али Таробулусий, сўнг Маниний қорандан оққа кўчирди. ...Мен вақт ва замон яғносин, Хуросон уфқида порлаган фазилатли кўёш Мир Алишер Навоийнинг тартиб, таълиф ва таснифини сақлашга аҳамият бердим...» дейди. Хотимадаги бу гаплар бизни мақсадга жуда яқинлаштиради.

Аҳмад Файсур «Саъбату абхур»ни оққа кўчирган китоб Манинийнинг ўз муқаддимасида Алишер Навоийни шоир сифатида эмас, балки олим сифатида таърифлашга асосланиб, Маниний Алишер Навоийни билмаган бўлса керак, деган фикрни илгари сурди. У «Саъбату абхур»ни Алишер Навоийга нисбат беришда янгилиши содир бўлганини таҳмин қилади. Ҳақиқатан ҳам XV—XVI асрларда, хатто лугатнинг кўчирилган йили инобатга олинса, XVII асрда ҳам, Навоий тахаллуси билан ижод қилган бошқа бир шоир ёки олим, шу жумладан лугатнавис олим «Саъбату абхур» лугатини тугандир, деган тусмол тугилади. Лекин бундай бўлиши мумкин эмаслиги Манинийнинг сўзларидан равшан кўриниб турибдики, чунки бу Хуросондек мамлакат доирасида яшаб, ижод этган ва унинг кўёши даражасига кўтарила олган бошқа Навоийни билмаймас. Маниний шоир Навоийни танимаган дейиш ҳақиқатдан анча узоқдир. Акс ҳолда Маниний ҳали дунё юзини кўра олмаган ва мусаввада ҳолида қолган «Саъбату абхур» асосида Навоийни «Хуросон уфқининг кўёши» деб таърифлай олмасди.

Навоийшунос олим Ҳамид Орасли Муродийнинг «Силк уд-дур» таъкирасида Навоий «Саъбату абхур» лугатини ёзганлиги ҳақида маълумот борлигини айтади. Бу таъкиранинг муаллифи «Саъбату абхур»ни кўчирган Маниний ва Таробулусийга замондош, Манинийга эса ҳамшаҳар ҳам бўлган. Эҳтимол, Муродий бу маълумотни Манинийдан олиб, китобига киритгандир. Чунки Маниний ва Таробулусий лугатни кўчирмасларидан илгари, унинг қоралама нусхаси Муродийга маълум бўлиши эҳтимолдан ҳолидир. Ҳар ҳолда «Саъбату абхур» лугати Алишер Навоий таълифи эканини тасдиқловчи китоб Маниний ва Навоий муқаддималари ҳамда хотимадаги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат муҳим таянчдир. Қолаверса, лугатнинг еттита қўлёзма нусхаси борлиги фактининг ўзи ҳам лугатни Алишер Навоийга нисбат беришда янгилишига асло йўл қўйиш мумкин бўлмаганини далиллашди. «Ҳўш, нима учун Алишер Навоий ёзган «Саъбату абхур» лугатини ўз асарларида, жумладан «Ҳамсат ул-мухтаёйирини»да тилга олмайдиган?», деган қонуний савол тугилиши ҳам мумкин.

Навоий лугат муқаддимасида: «...фан соҳаларига оид китобларнинг қўйи араб тилида ёзилгандир... уларнинг сон-саногига етиб бўлмайди. ...мен буларнинг ичидан еттитасини уларнинг тўғрилигига ишонган ҳолда сайлаб олдим...» деб ёзади. Алишер Навоий бизга маълум бошқа асарларида фойдаланган еттита китоб ҳақида тўғридан-тўғри гапирмаса ҳам, аммо «Саъбан сайёра» дostonида устози ва дўсти Абдурахмон Жоминийнинг араб тилини жуда яхши билганини, Ибн Ҳожиб ва Замахшарийдан ҳам яхши билганини мулоқотли сатрларда тасвирлаб, уларнинг номларини тилга олади:

Худ рибъида фикри гардурав
Ойириб чарх мараъатин жав-жав.
Арабиятда даре анинг вирди.
Ибни Ҳожиб қамина шоғирди,
Ибни Ҳожиб деймайи, Жоруллоҳ!
Оича тафсири ишннда йўқ огоҳ.

Ибн Ҳожиб ва Замахшарийнинг грамматикага доир китобларидан таҳсил олиш билан бирга, Навоий тил ўрганишда муҳим бўлган араб тилида ёзилган девон, рисола, лугатларни мутлола қилиши ҳам давом эттиради.

Лугатлар ичидан энг қimmatли, машхур ҳисобланган «Саҳоҳ», «Тамкилла», «Муфасссал» ва «Кашшофини айриб олади. Кўп сўзларни учала лугатдан топа олмаган Навоий бундай сўзларни ўз лугатига киритади, уларга ўзи ихоз ёзади. Навоий лугатга киритилган сўзлар ҳақида бундай дейди: «...мен сафоҳатли, гўзал ва ғариб араб сўзларини ҳам топган эдим. Уларнинг фойдалиларини эҳтиёткорлик ва узоқ мутлолаалар ва илм арбобларидан сўраб ўрганиш натижасида синовдан ўтказгачинга лугатга киритдим. Шундан сўнг китобни «Етти денгиз» деб еттидим».

Бу лугатларни мутлола қилиш унинг:

Ашрақат мин акси шамс ил-каъен анвор ул-худо?
Ер аксини майда кўр, деб, жомдини қиңди садо,—

дея бошланиб,

Ишрабу ё аййоҳул атшоң, келур ҳар дам индо ..

сўзлари билан тугайдиган илк ғазалларидаёқ ўз самарасини бера бошлаган эди. «Арбаъин ҳадис» таржимаси, «Насойим ул-муҳаббат» ва бошқа асарлари мисолида Алишер Навоийнинг араб тилини нақадар мукамал билганини тасаввур қилсак бўлади, албатта.

Маълумки, илм аҳли ёки араб тилини ўрганишчилар учун лугат тузиш Алишер Навоийнинг ижодий режасига кирган эмас. «Саъбату абхур» Навоий учун узоқ йиллар давомида араб тилини ўрганиш жараёнида йилган материал эди, ҳоло. Алишер Навоий умрининг охириги йилларида, энг сўнгги асарларини ёзиб бўлгач, ҳамми 40 минг сўзни ўз ичига олган «Саҳоҳ» ҳамда ҳам ортиб кетган бу манбани сўнгги бор тартибга солиш, муқаддима ёзиш, «Саъбату абхур» номини беришгагина улғурди. Шу ўринда Алишер Навоий «Маҳбул ул-қулубни» бирон асарига қайд этмаганини эслайдик. Бевақт ўлим шоирни бу лугатга қайта қўл уриш ва оққа кўчириш имкониятидан маҳрум этади. Лугатнинг бизгача етиб келгани, бир томондан, Алишер Навоийнинг араб тилида лугат яратганини маълум қилса, иккинчи тарафдан унинг лексикограф олим эканини ҳам кўрсатади.

Ботирбек ҲАСАНОВ

¹ Жоруллоҳ — Замахшарий.

² Жом офтоб аксини кўргузув, тўғри йўл нураларини тарати.

³ Ҳой, ташналар, ичинглар.

ДИЛ ИЗҲОРИ

Оназишани



Ойижон, йўлим ойдин. Поёнсиз бу йўлда сизнинг ёдингиз билан кезаман. Олисолисларда кўринган уфқ ортида менинг орузларим яширин. Улар худди мондай азиз, мондай мўътабар. Чунки сиз билан, эртанги кунин билан боғлиқ.

Ҳар кун қўёш билан баробар йўлга чиқаман. Аскарлик ҳаёти шуни тақозо қилади. Сафар жабдуғимни елкамга ортиб, олис йўл босаман. Кўп одамлар билан учрашаман. Баъзилари билан отамлашаман, баъзилари билан баҳслашаман. Узингиз айтгандек беш қўл баробар эмас. Ҳаётда ҳар хил хулқи, ҳар хил фикрли одамлар бор. Уларни ҳар бири билан мулоқотда бўлиш, яхшиси билан дўстлашиб, ёмони билан ёлваш керак. Акс ҳолда кишининг ҳаёти маъносиз, ғариб бўлиб қолади. Доимо, ўғлим, яшаш учун кураша билиш керак, дердингиз. Демак, мен хато қилмаётман. Қўнглингизга ҳар хил ёмон уйлар келмасин. Ёмонлик сари бирор қадман қўймайман. Ахир сиз мени ҳеч қачон ёмонликка ўргатмагансиз-ку!

Негадир бугун дафъатан хайрлашув они ёдимга тушиб қолди. Сиз ҳам эслайсизми, онажон! Мендан ҳам кўра сиз яхшироқ эсласангиз керак. Негаки, оналарнинг ёдидан ҳеч қачон ҳеч нарса фаромуш бўлмайди.

Одам тирбанд воқал... Йиги-сиги, Бақирик-қакрик, гала-говур ажига қирқин. Сурнайнинг ҳазини навоси, чилдирманнинг така-туми кўнглида ҳам шодликка, ҳам маъюсликка ўхшаш бир туйғу уйғотади. Мана шу сурнода биз бир-биримизга сўзсизгина тикилишиб турардик. Биз бу ердиги шоқин-суронни эшитмасдик. Бутун оламни унутиб, бир неча дақиқа танҳо қолган эдик. Кимки, яқин кишининг олис сафарга кузатган бўлса, бизнинг ўша аснодаги аҳолимизнинг ҳис эрта олади. Биз девяри ҳеч нарса ҳақида — на бир неча сониядан кейин бошланган айлрилик, на ўрта-мизда девор бўлиб турган мангуликдай сўнгсиз икки йил ҳақида ўйлардик. Сизнинг кўзларингизда ёлғ-тилт ёш кўринарди. Бироқ сиз кўз ёшларингизни мендан яширишга уринардингиз. Дока рўмонизнинг учу билан кўзларингизни тез-тез артиб қўярдингиз. Мен бўлсам сизнинг тикиқдан чехрангизга, машаққатли йиллар оқартирик сочларингизга тикилиб уруш даврини эсладим. Отамни урушга қандай кузатганингизни тасаввур қилиб кўрдим. Эҳ-ҳе, сиз учун бу кузатиш қанчалар оғир бўлган. Баимсоли тоғ бўлиб елкангиздан босиб турган. Бироқ сиз отамни қонли, айна вақтда шарафли жангга мардона кузатгансиз. Сиз отамнинг эсон-омон қайтиб келишига ишонгансиз. Шу ишонч сизни мард бўлишга ундаган. Шу ишонч кўнглингизда эртанги кунга умид уйғотган. Бироқ тақдир ҳаммиса тантлики қилавермас экан. Гоҳо у ўта бешафқатлик қилиб қўяркан. Бу сафар у сизнинг ишончингизни қил-



Тошкент Физкультура институтининг студентчаси, гимнастика буйича СССР чемпиони Эльвир Саъдий Мюнхенда утган XX Олимпия уйинларида ўз ҳаммасллари билан совет спортчиси шарафини юксак кўтарди.

С. БЕЗНОСОВ фотоси





Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фахриддин Содиқов —
жозибали куйлар бастакори ва имрочиси.
Б. МИЗРОХИН фотоси



Избоскандаги Партия XX съезди номли халқознинг «Гулдаста» ансамбли
истеъдодли ёш санъаткорлардан ташкил топган.
С. БЕЗНОСОВ фотоси

чил этибди. Отам сизни, ҳали тугилмаган фарзанди—мени, она тупроғимизни ҳимоя қилиб ҳалок бўлди. Мангуликча тинчлик тилмоли бўлиб қолди. Сиз қанчалик изтироб чекмагн, қанчалик куйманг, барибир ўша ишонч кўнглингизга далда берган. Гарчи бу шум хабарни етказган қора хатни, отам кўнжига тақиш насиб этмаган ишончини олган бўлсангиз-да, хануз қутасиз. Чорак асрдан бери тиқ эти эшикка қарайсиз. Хат ташувчини ҳижолат қилиб, халтасидоғ хатларни ҳар куни қайта-қайта кўздан кешириб чиқасиз. Ҳар оқшом бир коса овқат олиб кўйишни қанда қилмайсиз. Негаки, отамни бир кунмас-бир кун келиб қолади, деб ишонасиз.

Мана, энди мен ҳам Ватан хизматига отландим. Сиз мени ҳам худди отамни кузатгандек ҳаяжонланиб кузатдингиз. Лекин кўнглингиз тўқ эди, биламан. Ортиқча бирон оғиз ҳам гап айтмадингиз. Уйда ёлғиз қолган пайтимизда айтган гапнингиз ҳамон қўлоқларим остида жаранглаб турирди: «Тўғри бўл, болам, кўнглидан келганича бировларга яхшилик қил. Яхши одамга ҳаммиша бахт ёр бўлади».

Паровоз чиқариб, состав ўрнидан жилган пайтини эсласан, кўнглим орзиқиб кетади. Юзлаб одамлар вагонлар ёнида югуриб келар, сўнгири қор кўл сиқшар, бир-бирларига нималарнидир тайинлар, йиғлар эдилар. Фарзандларининг эртани-чиндин соғ-саломат қайтиб келишини билсалар-да, бари бир йиғлар эдилар. Инсон ҳеч қачон айриликка беварқар қаролмайди. Бир дамлик айрилиқ ҳам унинг юрагини ўртаб юборарди. Шу сабабдан бу одамларнинг ҳеч қайсини айбсотиб бўлмайди. Майли, йиғласинлар.

Сиз ҳам вагон ортидан эргшиб келардингиз. Гоҳ кўл силкиб нималарнидир дердингиз, гоҳ тўтаб менга тикилиб қолардингиз. Шашқатор ёшларингиз юзингизни тинимсиз юварди. Бироқ сиз буни сезмасдингиз.

Йиғламанг, онажон, асло йиғламанг. Кўз ёшларингизни шодлик онларига асраб қўйинг. Ҳадемай хизматини тугатиб қайтаман. Ана ўшанда жиндай-жиндай йиғлашиб оламиз. Ахир баъзан шодлик ҳам кўз ёшисиз татимай қолади-ку!

Хатини тугатаман. Ҳозиргина янги буйруқ келиб қолди. Тунги сменга ишга кетяпмиз. Ишда-қайтга, албатта яна хат ёзмаман.

Аскарлик саломи билан,

Ўғлингиз Султон.

Ойжон, кимки, қурилиш қисмида хизмат қилиш осон, деб ўйласа, қаттиқ янглишарди. Отанаоналарга, ишларим жуда жойида, қийинчилик йўқ, деб ёзилган мактублар ёлғон. Нега бундай ёлғон мактублар ёзишди, билмайман. Бундай хатлар уйдагиларни хотиржам қилади, деб ўйлашармикан? Рост, ҳаётда баъзан ёлғон гапиришга тўғри келади. Бироқ бу ёлғон бирор хайр йўлида ишлатилган бўлса узрли. Аммо бекордан-бекорга ота-онани алдаш ғуноҳ эмасми?

Қурилиш қисмида хизмат қилиш, худди яшашдай, оғир. Ахир инсон умр бўйи не-не қўқабатларини бошидан кечиради, изланади, курашади, яратади. Аммо барибир ҳаётдан кўнгли тўлмайди. Дунёнинг кўп ишларидан, тақдирнинг нотантинглигидан норози бўлиб ўйиб кетади. Инсоннинг табияти шундай. Агар унинг ҳамма истаклари муҳайё бўлганида, яшашнинг ҳам қизиғи қолмасди. Зотан, инсонга кўп нарса керак эмас. У баъзан нима излаётганини ўзи ҳам билмайди. Аммо ҳаётдан, ўзидан бутунлай рози бўлган куни мезан ҳалок бўлади. Изланиш сўнади, тараққиёт тўхтайдиган, яшаш маънисиз бир эрмакка айланади. Шундай эмасми, онажон? Агар шундай бўлса, нега биз рост гапни айтмаймиз? Нега яшаш оғирлигини била туриб бир-биримизни алдаймиз? Узимизни ҳақиқатга ўргатиб, курашларга шайлай билэйлик.

Ҳозирча хатини тугатаман. Хайр, ойжон!
Ўғлингиз Султон.

Синов



Ойжон, бугун бир ғалати воқеа ҳақида ёзмақчиман. Аммо сиз бунга ажабланманг. Кўпдан бери бу ҳақда ўйлаб юрардим. Ниҳоят ёзишга қарор қилдим. Негадир аскарлар шаънига айтиллаган ўта қуруқ, сохта мактовлар ғашини келтиради. Йигитлар ҳарбий хизматга баландпарвоз мадҳлар эшитиш учун эмас, ўз бурчларини ўтагани келадилар. Ахир ўлар ҳаммага ўхшаш оддийгина одамлар. Аммо баъзан содир бўлиб қоладиган воқеаларни қаҳрамонликка йўйиб, беҳуда шов-шув кўтариб юрамиз. Оддий бир тантилиш қилган одамларни мактавийериб шу қадар безор қилмайсиз, оқибатда ҳақиқий қаҳрамонлиқнинг қадри тутади.

Ишдан қайтаётган эдик. Темир йўл олдига келиб тўхтадим. Шалғабум тушириб қўйилган. Йўлингиз у томонда бирорта ҳам машина кўринмайди. Фақат юз қадам чамаси жойида бульдозер гулдираб келяпти. Биз аввалига унга эътибор бермай, ўнг тарафдан шовкин солиб келётган поездга бетеоқат тикилдик. Поезд тетроқ ўтиб кетишини кутардик. Сабаби—комсомол мажлиси шоянлапмиз. Аммо бирдангина ҳаммамиз даҳшатдан қарақт бўлиб қолдик. Поезд чорраҳага яқинлашарди, бульдозер эса ҳамон гулдурус солиб темир йўлга бостириб келяпти.

— Эси борми, ўзи? — Рашид ҳайрон бўлиб ўрнидан турди. — Нега тўхтамайди?

— Қизиқчилик қилмоқчидир-да, — деди бепарволик билан Аюпхан.

— Йўқ, қизиқчилик қилаётганга ўхшамайди, — Рашид трактордан кўз узмас, тўсиқни тутиб турган қўлларни сезилар-сезилмас титраб эди.

Поезд яна бир неча дақиқадан кейин чорраҳага етиб келади. Агар бульдозер тўхтамасан... Нималар бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин. Тракторнинг темир йўлга етиб келишига атиги ўн беш-йигирма қадамга қолди.

— Тўхта! — Рашид бақирганича машинадан сакраб тушди. — Тўхта, аблаҳ! Уласан!..

— Рашид! Рашид, тўхта! — деганча мен ҳам кетма-кет машинадан тушдим. — Поезд келиб қолди, Рашид!

Аммо у қўлоқ солмай қўюндек елиб борарди. Қолганлар ҳам олдинма-кетин югуриб кела бошлашди. Паровоз юз бериши мумкин бўлган фалокатни сезгандек чўзиб чинқирди. Ойнадан машинистнинг боши кўринди. Яна бир неча дақиқадан кейин даҳшатли ҳалокат содир бўлиши мумкин...

Поезднинг тельғизи пасайгандай бўлди. Аммо у тўхтаолмасди. Трактор эса ҳадемай темир йўлга етди. Рашид энгил бир ҳаракат билан тўсиқ остидан ўтди-да, икки сакраб трактор олдига етди. Унинг қандай қилиб темир эшикни очганини, қай йўсинда тракторга чиқиб олганини айтиб бе-

ролмайман. Даҳшатдан кўзларини чирт юмиб олдим.

Кўнглим беҳузур бўлиб, бошим айлана бошлади. Қўлоқларим остига вагон филтракларининг пўлат изларга урилиб тақиллаши тобора кучлироқ эшитиларди. Ҳозир, мана ҳозир бу овозлар тинади. Сўнгра... Қизиқ, нега гуноҳураш эшитилмапти? Нега жимжит?

Мен худди ахлаётган одамдай чўчиб кўзимни очдим. Қаршимдан энг сўнги вагон тебрана-тебрана ўтиб кетди. Шалғабум тўсиғи синиб кетган, бир қисми қаққиб қолган. Бульдозер темир йўлдан атиги икки қадамча нарида тўхтаб турар, Рашид ҳўсиз бўльдозерчинни зўр бериб пастга туширишга уринар эди.

— Рашид! — Югурганимча бориб, уни маҳкам қучоқлаб олдим. — Омонимсан, дўстим?

— Нима, ўлади деб ўйлаганидингиз! — у миёнида кулиб қўйди.

— Ҳеч қавринг лат емдими?

— Қандай қилиб тракторга чиқиб олдинг?

— Нима, тракторчи ҳўсизми?

— Э, мунча шовкин солсанлар! — деб тўнғиллади Рашид болаларнинг пайдар-пай саволларидан зардаси қайнаб. — Яхшики, мана бу хумпарни кўтаришворинлар. Зил-замбил экан. Фирт маст.

Қолган тафсилотларни ёзиб ўтирмайман. Кейин нималар бўлганини айтмоқчиман. холос. Уша кунлик бу воқеа бутун қисмга овоза бўлди. Газетадан мухбир келиб Рашиднинг суратини олиб кетди. Эртасига унга қўмондонлиқнинг ташаққури эълон қилинди, темир йўл бошқармасининг пул мукофоти топширилди. Оддий аскар Рашид Раҳимов катта қаҳрамонга айланди-қўйди. Энди у мажлисларда президиумга чиқиб ўтирар, мажлис сўнигда албатта нутқ сўзлар, хуллас олиб чиқсам, кун чиқса ҳам унга боқар эди. У энди илгаригидек биз билан бирга ишласам, деярли кун ора алақабанди мактаб ёки бирор корхонада ўтказиладиган учрашувларга кетар, фақат ётар пайтига етиб келар эди. Биров келса, энг яхши курувчимиз шу деб кўрсатиладиган, катта-катта йиғиларга юбориладиган, ҳар байрамда мукофотларга номзоди кўрсатиладиган доимий қаҳрамонга айланди. Кўпчилик унга ҳавас қилар, Рашид дейишса оғизларидан бол томар эди. Бироқ негадир мен унга ачинардим. Ахир у ҳаётдан, дўстларидан, аскарликнинг адо бўлмас машаққатларию, кам учрайдиган, аммо беҳад ширин лаззатларидан жуда ҳам узоқлашиб кетган эди.

— Биласанми, — деди у бир куни холи қолганимизда, — жуда ҳам жонга тегди. Асабларим қақшаб кетяпти.

— Кўрсатган жасоратингизга яраша тақдирлангсан, — дедим ўзимни ҳеч нарса билмасликка олиб. — Ахир қанча одамни ўлимдан сақлаб қолдинг.

— Сен шу нарсани қаҳрамонлик деб ҳисоблайсанми? Уримда бўлганимда ўзинг нима қилган бўлардинг?

— Қайдам.

— Йўқ, биласан, — деди у асабийлик билан, — Менинг ботоққа ботиб қолаётганим ҳам биласан. Аммо чурқ этмайсан. — Рашид кескин бир ҳаракат билан тамаки тутатди. — Қаҳрамонлик эмис. Тава. Инсонлик бурчини бажаришни қаҳрамонликка йўйвераск ҳаётда қаҳрамонликка ўрни қолмабди-да! — У тамакини босиб-босиб тортиди. Уйчан бир ҳолда ташқарига тикилганича қон қолди. Дўнг пешанаси, қисқ кўзлари тирофини билинар-билимас ажин босган, ранги сиёққан эди. — Биласанми мен ҳозир кимман? Қўғирчоқман.

— Қўйсанг-чи, оширвординг, — дедим ҳўврини босишга уриниб.

— Йўқ, ростини айтаяпман. — У тамак қондигини этигининг учи билан эзгилди. Пилоткасини олиб, тиззасига уриб қоқдида, яна чаккасига қўндирди. — Бугуноқ кириб гапласаман. Мени тинч қўйишсин. Бўлмаса ўзимни бир бало қилиб қўяман.

Мана, орадан бир ойдан ортироқ вақт ўтди. Рашид ўзини «бир бало» қилиб қўйгани йўқ. Аммо у ҳамон минбардан тушмайди. Ҳамон мажлис-мажлис қатнаб юрибди. Балки хизматини шу тарзда ўтказар. Балки... Яна қандайдир кутулмай воқеа содир бўлар. Балки ҳаёт бизни бутунлай бошқа йўлга солиб юборар.

Яна нималар бўлади, билмайман. Аммо бир нарсга ҳақида кўп ўйлайман. Одатда одамлар тинчгина, бегавла, беташиш ҳаёт кеширишга уринадилар. Эътиборга лойиқ бирор иш қилиб қўйсанг Борин, лозимми, лозим эмасми, бари бир қўлларга кўтардилар. Борди-ю тўсатдан бирор хатога йўл қўйсанг-чи! Ҳамма сендан баробар юз ўғиради. Менинча, бу тўғри эмас.

Ўғлингиз Султон.

Хатларни оққа қўйрувчи ЭДИМ УСМОҲОВ

Созинг



Онажон, ҳозиргина ишдан келдик. Апир-шапир ювиниб дарров хат ёзишга ўтирдим. Бу асно мен учун нақадар қимматли эканини билсангиз эди. Фақат хат ёзаётганимданга аскарликнинг барча машаққатларини унута оламан. Бу дақиқда на командирларнинг буйруқлари, на оғир жисмоний меҳнат ҳаёлимга келарди. Мен ҳаёлан сиз билан таноқ қилиб узоқ сўзлаб кураман. Кўнглимдоғ гапларини тўлиб-тошиб айтиб олишга ошиқман. Болалиқдан димоғимга ўрнашиб қолган қадрдон илқ нафасингизни ҳис этгандек бўламан. Бу нафас барча чарчоқларини ёзиб, руҳини тетиклаштиради. Болалигимиз ёдимга солади.

Бўйим чўзилиб бошқа ётадиган бўлганимдан кейин ҳам барибир сизнинг кўзингиз илингча, ёстигимни сизга яқинроқ суриб олардим. Енгинмада да сизнинг нафасингизни сезиб ётгим келарди. Мана энди сиздан жуда олсда, сизнинг ширин нафасингизни қанчалик қўйсётганимни билсангиз эди. Баъзан бирдан ёш бола бўлиб қолгим келади. Уйда, ёнгинамда чўчуллаб юргим, ўчоқ бошга бориб сўнинг қирчоқини олиб беришингизни кутиб тургим, оғайниларим билан сизгир боққан қишлоқ четидаги жийдазорга боргим келиб қолади.

Одам боласининг табияти қизиқ. Эҳтимол ич-сонга икки қайта яшаш имкони берилганда у ҳеч нарсани бой бермаган, айниқса болалиқдан ҳеч қачон айрилмаган бўлармикан...

Мана энди ўлғайиб, йиғитлик бурчимни ўтапман. Аскарлик мен учун жиддий синов бўляпти. Қизиқ воқеалар, аломат одамларни кўряпман. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан деган гап бор-ку...

Баъзан ҳарбий хизматга қақирлиганимдан, айниқса қурилиш қисмига тушганимдан хурсанд бўлиб кетаман. Одам танидим. Одам танишини, одамнинг қадрига етишни ўргандим.

4 Гулистон № 9



аҳалламизда иккита ёшгина йигит бевақт оламдан ўтди. Ичкилик туфайли бирининг ўлка пардаларини зардоб ўраб, силга дучор бўлди. Иккинчиси эса кайф билан трамвайга осилган экан, қўли чиқиб кетиб, гилдирак тагига тушди.

Ичкиликбозлиқнинг охири вой деб бекор айтмаганлар. Бўлмаса ўша навқирон йигитлар бевақт ҳалок бўлиб кетармиди?

Биохимик жиҳатдан инсон организм жуда мукамал ва мураккаб тuzилган. Одам танасида беҳисоб кимевий элементлар учрайди. Аммо бир-қатра бўлса-да, алкоголь моддаси йўқ. Унинг бир қатраси ҳам организмга етти ёт Бегона. Шунинг учун ҳам Абуали ибн Сино шаънин илон захари билан тақдослаган. Ароқ кишини ўзига ўргатади кўяди, насли бузади, гирдобига олдим, комига қортаверади, одамни тельбадан ҳам хароб қилиб, ҳалокатга олиб боради.

Май одам организмиде чуқур дегенератив ўзгаришларни вужудга келтиради. Ҳақимлар тили билан айтганда, май покни нопок қилади. Шунинг учун ҳам улар майни ҳаром деганлар.

Кичи организмидеги нозик шиллик қабатлар май, ароқ таъсирида қизариб бўртади, яллиғланади. Кўзга чўп тушганде, ёшланади. Секреция шиллик пардага айланади, меъдани қуршаб олади.

Кўпинча ичкиликни иштаҳо учун ичадилар. Ваҳоланки, спиртли ичимлик меъдани ачитади, қиздиради. Ёлғон иштаҳо уйғонгач, кўп овқат истеъмол этишни тақазо этади, овқатдан сўнг меъданинг ачишиб огриши тўхтайд. Энди ошқозон, ичаклар кичинчи балога учрайди: овқатни ҳазм қилолмайди.

Қорин кўпчийди, бадан қизийди, нафас олиш ва юрак ўрши қийинлашади. Уйку нотинч кечади. Эртасига бош оғриб, одам ҳолсиз, мадорсиз, шалайим бўлиб ётади.

Май, ароқни сурункали ичиш оқибатида жигар ҳужайралари найсимон моддалар билан алмашиниб, дағал, қаттиқ ва кўпол бўлиб қолади. Бу энди анатомик ва физиологик жигар эмас, патологик циррозидир. Циррозга учраган жигар қоптондек қатталашиб кетади ёки туршадек бужмайиб кичкина бўлиб қолади. Қорин шшиб кетади, чунки унинг бўшлиқ-

лари зардоб билан тўлган бўлади. Қоринда қон ҳаракати сусайганлигидан қора қон томирлари бўртади, кўтарилади. Алкоголь таъсирида ўз эслини йўқотган жигарни даволаш эса амри маҳолдир.

Спиртли ичимлик юрак ва қон томирларини аямайди. Ичкилик туфайли юрак мушакларининг таноби бўшашида, оқ емдек рангсиз ва пўк бўлиб қолади. Юракнинг фаолияти сусаяди. Мушакларнинг емирилиши, қон томирларининг қотиши, ички сатҳининг булғаниши ичкиликбозлиқнинг «каромат»идир.

Буйрак икки хил шикастланади: таркибида спирт бўлган кимевий моддалар буйрак ҳужайраларини емириб ташлайди. Оқибатда буйрак сийдик ҳайдаш функциясидаан маъмур бўлади. Бемор шшиб кетади.

Алкоголь беш-олти минутда мияга етиб келади. Одам бошининг тожи—мия табиий бақувват бош суяклар ичига беркитилган, пинҳон этилган. Аммо унинг кушандаси оғиздан йўл оладида, ақлни бир зумда талон-тарож қилади. Одам шарм-ҳаёсиз, фаросатсиз, шилқим, кўпинча беўхшов бир маълукқа айланади. Маст ўтиролмайди, гандираклайди, юролмайд, шох ташлаб йиқилади. Бу ҳол орқа миячанинг бузилганидан дарак беради. Ҳолдан, кўндан толган маст йиқилган жойида уйкуга кетади. «Мастга тегма, ўзи йиқилади», дейди доно халқ. «Девона, қоч, маст келяпти», деган кинояли ибора ҳам бор.

Май таъсирида эҳтиёткорлик, сезгирлик, танқид, назорат марказлари фалаж бўлади. Ана шунинг учун ҳам маст одам жиноятга йўл қўяди. Ривоятларга қараганда, бир фоҳиша аёл замонининг мўътабар бир кишини йўлдан оздирмоқ мақсадида уч шартни аятади: «Бу гўдакни ўлдир ёки мен билан зино қил, бўлмаса, мана бу бир қултум ароқни ич, сўнг

Саломатлик — туман бойлик

МАЙГА МАЙЛ ҚҲЙМАНГ

сен озодсан», дейди. Ҳалиги киши омонроқ деб ароқ ичишни ихтиёр этади. Маст бўлади-да, гўдакни ўлдирди, зино қилади.

Совет медицина арбоби Л. Орловскийнинг маълумотига кўра, ширакайф кишиларда иш унумдорлиги 17—20 процент камайган; қўйди-чиқдиларнинг 20 процентига ичкилик сабабчи бўлган, жиноятларнинг 85 проценти, безорилиқнинг 90 проценти, қотилликнинг 70 проценти, кўча ва уйдаги фожиаларнинг, ишхонадаги бахтсиз ҳодисаларнинг 45 проценти мастликда содир бўлган.

Майга мойиллик чуқур психик ўзгаришларнинг асосий босқичидир. Мастликда рашк алаंगा олади, бўлар-бўлмас гаплар кўзғолиб, дилсиёҳлик юз беради. Жанжал кўпинча фожиали яқунланади. Сурункали ичувчи одам ваҳима-ташвишлар оламига фарқ бўлади. Унинг ҳаёлида ишдан ҳайдалаш хавфи туғилади. Қимлардир таъкиб қилиб тургандек, безовта бўлади. Иложи бўлса қанот қоқиб, учиб кетса. Спиртли ичимликни узлуксиз истеъмол қилиш туфайли психика бузилади, гўдак аслида йўқ товушларни эшитади, кўз йўқ нарсаларни кўради. М. деган бадмаст кўзига кўринган аждаҳога болта отади, лекин хушига келгач, қараса, ҳомиладор хотинини ҳалок қилиб қўйганини кўради. Ҳозир руҳий кесалликлар шифохонасида даволанаётган Л. деган беморнинг кўзига минг-минглаб чаёнлар кўринган, гугурт ёқиб чаёнларни йўқотмоқчи бўлган, аммо уйига ўт қўйиб юборганини англамаган.

Бадмаст ичиш учун пул топиши керак. У рўзгор буюмларини арзонга пуллайверади. Узининг уст-боши билан иши бўлмайди. Ташқи қиёфаси ҳам кескин ўзгаради. Юзи шишган, қўзи қизарган, бурни қизарган, сочсоқоли ўсган, қўли эса доим титрайдиган бўлиб қолади. Бадмаст жаҳо-

латга берилувчан бўлгани учун, кўпинча бола-чақасидан кечади. Шунинг учун ҳам бадмастлар уйга қайтиш учун ошиқмайдилар, жой талламай кўча-қўйда дуч келган жойда ағанаб ётавердилар.

К. деган маст сувга йиқилиб ўлган. Маст-аласт юрш орқасида қиш ойларида зотилжамаг йўлиқиш, оёқ-қўлиларни совуққа олдириб қўйиш ҳеч гап эмас.

Майнинг наслга тўғрдан-тўғри таъсири бор. Кайфда одам пушти зарар кўради. Ҳомила нимжон бўлади. Кўпинча бола чала туғилади. Гўдак бирор дардга учраб, тез оламдан ўтади. Олимларнинг яқдиллик билан исбот этишларича, бундай фарзандлар умири сақланиб қолганда ҳам кўпинча бирор иллатга қаниладир. Ақли заиф, ҳеҳни паст, чўлоқ-мўлоқ, қар, кўр, тутқанок касалиқларининг баъзилари мастлик оқибатида.

Болгар олими Г. Ефремов ичкиликка муқасадан кетган 23 эру хотинни кузатган. Улардан 15 та ўлик, 8 та заиф бола туғилган.

Спиртли ичимлик оналарга айниқса зарарли. Алкоголь ютилгандан сўнг 15 минут ўтмай эмзалик онанинг кўкрагига етиб келади. Ушанда беғуноқ гўдак сут билан бирга оғуни қўшиб эмишга мажбур бўлади. Емони шундаки, гўдак ўзи беҳабар алкаголга ўрганиб қолади.

Ароққўр одам ўзи яшаб турган жамиятнинг катта душмани ва кушандасидир. Алкоголь туфайли ёшлар но-бўд бўлган, эзгу ниятларига етолмаган йигитлар анчагина.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни қулайтириш тўғрисида», СССР Министрлар Советининг «1972—1973 йилларда ароқ ва ўткир ичкиликлар ишлаб чиқаришни қисқартиришга доир ишларни амалга ошириш тўғрисида» деб чиқарган қарорларидан сўнг барча тифозик республикалар, жумладан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни қулайтириш тўғрисида» деб фармон чиқарди.

Фармон бўйича қабул қилинган бир қанча амалий тadbирлар ёш авлоднинг, умуман, ҳар бир совет кишининг соғлигини, тақдирини, бахт-саодатини муҳофаза этади.

Закрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати

Тoшпўлат ҲАМИД

Болаларга

ОСМОНДАГИ БОЛА

Кўёшга содиқман
Нурга содиқман.
Эзгулик—матлабим аслида.
Мен ўсдим ҳаётдан маст бўлиб,
Нолимий зулматнинг дастидан.
Зулматнинг нелигин билмадим,
Зулматни кўрганмиш боболар.
Онгимни ёритди нур доим,
Батримин яяратди сабалар...
Шудрингни кўрдим мен ёғдуда,
Томчида жаҳонни кўрганман.
Шу элда ўсганман осуда,
Гулшану боғларда юрганман.
Тўлқинни тояҳна минганман,
Учганман тўлқинда ҳалучнак!
Қирқимда шўлқини енганман,
Дасталаб қирларда бойчекач.
Онгимда эзгулик гул очган,
Кўтарар осмонга ҳисларим.
Дўстнаман, ўрарсан не сочсанг,
Емонмас ортимда изларим.
Хурсандман Бировни кўлдирсам,
Дўстларим завоқ олса сўзимдан.
Қўчоғни гул билан тўлдирсам,
Хурсандман шу кунни ўзимдан.

Бир кун Сарварга дадаси қизил шар олиб келди. Сарвар кўчада шарини ўйнаб юрган эди, бирдан ипи қўлидан чиқиб кетди. Сарвар осмонга қўтарилла бошлади. Шарв анграйганча тикилиб қолди. Қарайвериб бўйни огриди. Шар бора-бора осмон бағрига сингиб кетди. «Шарини ким оларкан-а?», деб ўлайди Сарвар.

Кечкурун Сарвар шарини ўйлаб, хафа бўлганича ухлаб қолди. Бир маҳал Сарварнинг шарни учиб бориб, осмондаги бир боланинг кафтига кўнганмиш. Бола эса, шарни секин бағрига босиб, Сарварга қўл силкиб, қичқирди:

— Ҳо-ой, Сарвар, шар юборганинг учун раҳмат сенга!
— Арзимайди! — дебди Сарвар, кейин сўради:— Нима, осмонда шар йўқми?

— Ҳа, бизнинг осмонда ранг-баранг пуфакчалар йўқ, фақат юлдуз-

лар бор, ой бор,— дебди осмондаги бола.

— Сен осмонга қандай қилиб чиқиб олгансан!

— Мен осмонда туғилганман-да, сен бўлсанг ерда туғилгансан. Менинг дадам, ойм ҳам осмонда, сенинг дадаңг, ойнинг эса ерда,— дебди бола.



— Кал, икковимиз ўртоқ бўламиз,— деб осмондаги болани имлаб қачирди Сарвар.

Осмондаги бола эса, пахтадек оппоқ булутлар орасида сузиб, худди катталарга ўшаб гапирармиш:

— Агар мен билан ўртоқ бўлгинг келса, тезроқ катта бўлиб, ракетада биз томонга учиб кел. Мен сенга осмоннинг энг сирли жойларини, ой, юлдузларни кўрсатаман. Кейин сен билан ерга тушамиз. Ҳўпми?

— Ҳўп, ҳўп,— дебди Сарвар севиноиб.

— Ундай бўлса осмондаги қип-қизил юлдузлардан бирини узиб олиб, сенга ташлаб юбораман, кўкрагинга тақиб ол! — дебди бола.

Кейин у қўлини қўзиб, чарақлаб турган битта юлдузни олибдида, Сарварга узатибди. Сарваржон юлдузни қўлига олиб, силлаб-сийпабди. Юлдузча ялт-юлт қачармиш.

Сарвар қўзини уқалаб уйғониб кетди. Стул сунячиғига олиб қўйган кўйлагига қаради. Қўйлагининг кўкрагига тақилган юлдузча анча тикилиб қолди. Юлдузчаси осмон боласи ташлаган юлдузчадек чиройли эди..

Саъбат МАҲМУДОВА



В. ТАРАН фотос
Водий қўйнида.

"ТЕЛЕФОН"

АСАБНИНГ ЭГОВИ

«Мен статистика учун гувоҳлик беришим мумкин, инсониятнинг ярим асабини телефон кемирмоқда. Наҳотки, ўз пайтида одамзод кудратини оширувчи қатта кашфиёт бўлган бу техника муъжизаси бора-бора инсонга бўйсунмай, унинг душманига айланиб қолса?». З. Каримов, техника фанлари кандидати».

«Беш йилдан буён телефон тушириш учун навбат кутаман. Беш йилдан буён мен учун «буш кабель йўқ». Лекин бизнинг кўп қаватли уйга Чорсудаги озиқ-овқат магзинининг директори кўчиб келдию беш кун ўтмай унга бўш кабель топилди қолди. В. Алимов, Ватан уруши қатнашчиси, 2-группа инвалиди».

«Бир ҳафта Самарқандга командировкага кетсам, телефонимнинг номерини ошпаа кўшимга пуллаб юборишбди, азаматлар. Шу номер меннинг эканлигини исботлаш учун АТСга бир ой қатнасам бўладими! Г. Рафуров, врач».

«Мониторларнинг кўнгли «ярифта». Мен ҳозир мониторлар учун бир лирик яримталлик келтириб қўйдим. Д. Зокиров, завод устаси».

«Ўйда телефонимиз бор, тўғрироғи телефон аппаратига эгамиз. Кунда бир-икки сат омонатгина ишлаб қолади. Қолган кунлари эса музика... Ҳозир концертни телефон трубакасида эшитамиз. Телефондан телефон ўрнида фойдаланишнинг иложи топилса эди. И. Тоҳирий, ўқитувчи».

Қўлимизда мана шундай шикоятлардан икки юзта. Телефон станцияси ходимлари шэънига айтилган бу гапларни ўқиганда «Телефон станциясидаги бемазагарчиликни фош этмасам, отимни бошқа қўяман», деб оит ичдим. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам адолатли бўлиш керак. Алоқа хизматида ишинг жуда назиклиги, мураккаблигини биламиз. Шунинг учун кўпинча телефон станциясидагиларнинг «Кабель йўқ», «Номер йўқ» деган гапларига ишониб қўя қоламиз. Лекин шохсан менинг ишончим йўқлиб қолди. Бунга бир воқеа сабаб бўлди.

Телефон муаммоси ҳақида шикоятлар қалашиб кетган. Кўнглили изкуварлар ҳайъати менга «Телефон» операциясини тайёрлаш ҳақида шошилинч топшириқ берди.

«Телефон» операциясига ўттиз кун муддат сўраганимда, «Ия, бир ой чўзмоқчимсиз!» деб ранжиди.

— Шу операцияни бир ҳафта-ўн кунда тугаллаш учун сизга нима етишмайди? Марҳамат, айтинг, ёрдам берамиз!— деди бошиқ.

— Вақт!— дедим.

— Яна нима!— сирни билгиси келиб сўради бошиқ.

— Табиий вазият! Операцияни табиий вазиятда, ҳеч қандай тасодифсиз амалга оширишимиз керак. Кўрайлик-чи, шахримизда оддий киши ўз квартирасига телефон тушириш учун қандай машмашаларни бошидан кечираб экан? Биз шошилмайлик. Имкон борича, бу ташвишнинг ҳамма сўқмоқларидан, энг тор ва махфий йўлақларидан ўтиб кўрайлик.

Операцияга оид яна айрим таклиф-мулоҳазалардан сўнг бошиқ рози бўлди. Мен ишга киришдим.

«ФАЛОН ЖОЙДАГИ КВАРТИРА»

Уша кунийёқ «Фалон жойдаги квартирага телефон тушириб беришингизни сўраймиз», деб ёзилган аризани шаҳар телефон станциясининг абонентлар бўлимига топширдим. Мана: «Бир ой ичида сизга ёзма жавоб қиламиз», дейишди. Абонентлар бўлимидан чиқа туриб, аризачиларни кўнглили равишда кўчада «қабул» қилаётган чуваккина йигитга кўзим тушди. У ўтган-кетганга жовдираб қарар, айниқса абонентлар бўлимидан тарвузи қўлтигидан тушиб чиқётган кишиларнинг йўлини пойлар эди. Карнайчидан бир пуф, дегандек, гап қотиб кўрсам қандоқ бўлар экан?

— Кечирасиз, мулла ака, битта илтимосим бор эди. Ҳозир телефонга ариза топшириб чиқдим, шунинг йўл-йўриғи қандай бўларкин?

— Тил топшисак, йўл-йўриғи... ҳеч гапмас, ўка. Эртага соат 9 да бир келиб кетолмайсизми?— деди у.

Бу муомаладан кўнглим ёришди. Ана муомалаю мана камтарлик. Қўча-кўй демай, шунча бемалол гаплашиб турибди. Қойилман-э!

— Кечирасиз, ўзлари ким бўладилар?— деб сўрадим.

— Турғун Хидиров. ШТС бошлигининг ўринбосариман. Тортинмай келаверинг. Сиздек содда одамларни яши кўраман.

Эртасига эрталаб қоровулдан кейин иккинчи бўлиб, телефон станциясининг зинасига қадам қўйиб турган эдим, хушмуомала Турғун акам ўмарайиб келиб қолдилар. Салом бердим. Аввалига танимадилар. Парво қилмай ўтиб кетдилар, орқаларидан эргашиб, кабинетга кирдим.

— Сизга уч минут вақт. Хўш, гапиринг нима гап!— деди Хидиров киприкларини асабий пирпиратиб.

— Менга кеча телефон важига кўмаклашамиз, деган...

— Э-э! Сизмисиз, кўмаклашамиз укам, кўмаклашамиз. Қани, яқинроқ ўйринг. Адресингиз? Борган монтерларни хурсанд қиласиз-да?

Тез орада ўша «фалон жойдаги квартира»га монтерлар кириб келишди.

— Бу ерга телефон тушириш мумкин эмас,— деди биринчи монтер хаёл суриб.— Туширганда ҳам жуда қимматга тушади.

Иккинчиси эса хоналарини айланиб чикди. Йўлакда папирос чекиб, узоқ ўйлаиб тургандан сўнг савол берди:

— Сизга телефон жуда зарурми? Кимсиз, қаерда ишлайсиз, қанақа телефон туширмоқчисиз, қачонга керак.

— Кечирасиз, телефон ўрнатиш учун анкета тўлғазишим шартми?

— Йўқ, биз учун керак.

Мен кичик бир идорада оддий хизматчи эканлигимни айтдим.

Телефончилар сувга чўккан тошдек жим бўлиб кетишди.

Бу орада навбатга ёзилганимизга ҳам бир йилча бўлиб қолди. Бизнинг уй ва маҳалладан ҳам бир неча киши телефон туширди. Ёнимизда қурилган 1000 номерли янги АТСнинг ҳам бизга нафи тегмади. Операция шун зайдга чўзилди кетди. Мени бошлиқ чақиртирди.

— «Телефон» операциясини қачон тугатмоқчисиз? Бу ерга ишлар кўпайиб кетди-ку?

— Оз қолди. Лекин билиб қолишганга ўхшайди,— деб гуноҳорона тушунтирган бўлдим.— Қармоқ бир неча бор силкинди-ю, лекин илинмапти.

— Агар чинакам ютагон бўлса, илиниши керак. Биз эса ўшанақа энг баднафсларни илинтирмоқчимиз. Унча-мунчаларини қўя туриг.

Вазифа тушунарли эди. Лекин вақт ўтиб борар эди.

* * *
Май ойининг ўрталарида Турғун Хидиров ҳузурига тўрт марта қатнадим.

— Ҳужжатларингизни тайёрлаб қўйдим, марҳамат,— деди у сўнгги марта.— Кравченкога учрашинг.

Ҳамза район телефон узели бошлигининг ўринбосари Кравченко бўш келмади.

— Биласизми, шерикли ошни ит ичмас. Хидиров ўзи пиширган шолани ўзи есин. Қолаверса, бу Хидировнинг иши эмас.

Дарвоқе, Хидиров ҳақиқатда ким ўзи? Турғун Хидиров Тошкент шаҳар телефонлар бошқармаси бошлигининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари, Ажабо, вазифаси бутунлай бошқа бўлган бу кишининг қабулида ҳар кун турфа-турфа одамларни учратасиз. Хидиров телефон илинжида адашиб юрган ҳар хил одамларни қабул қилиб, кўйинларига қўл солиб кўришни ёқтиради.

У билан яна станция зинапоёсида учрашиб қолдик. Шунда у саломимга зарда ва хижолат аралаш жавоб қайтарди.

— Телефон ўрнатиш менинг вазифам эмас. Турғун, сизга икки соат ичида, Япониядагидан ҳам зудлик билан телефон ўрнатиб беришим мумкин. Лекин одамларнинг хизматига яраша раҳмат айтишни билмас экансиз.

— Бизнинг ҳам раҳматимиз бор,— деб бош ирганга эдим, Хидиров монтер йигитларидан бирига имо қилди.

— Толик, бун Таняга етаклаб бор. Ҳужжатлар ўшанда, айт, берсин.

— Узим бир йилдан буён кўролмай юрган ҳужжатларимни чаққон Толик бир неча секундда топиб чиқди-да, мени ўша кун аризагўйларни қабул қилаётган инженер ҳузурига бошлаб кирди. Менинг Толик билан бирга кирганим инженерга хуш ёққанлигини пайқаб олиш қийин эмасди.

— Ҳужжатлар деярли тайёр,— дея илжайди инженер.— Лекин ҳали чаласи бор. Ҳм... Блокаторми? Нега энди, сиздай одамга блокатор ўрнатар эканмиз? Ё бўлаверадими?

— Алоҳида телефоннинг иложи борми?

— Бе-е! Ҳозирча блокаторнинг пулини тўлайверинг. Кейин гаплашамиз.

Мен тегишли ҳужжатларни тўлдиргач, инженернинг кўрсатмаси билан кассага 22 сўм тўлаб, автанциянинг бир нусхасини унга келтириб бердим. Бу пайда у навбатдаги аризагўй билан эски сўхбатни айнан ўзини такрорламоқда эди:

— Бе-е! Ҳозирча блокаторнинг пулини тўлайверинг. Кейин гаплашамиз.— Инженер мен томонга бурилди ва янада марҳаматлироқ оҳангда:— Телефон жуда зарурдир-э? Эртага соат 9 да келинг, гаплашаварамиз,— деди.

— Кечирасиз, сизни қаердан топаман?

— 40-хона, Жданов, старший инженер.

Эртасига соат 8 даноқ 40-хонанинг рўпарасига келиб ҳузурига кириш

ОПЕРАЦИЯСИ

учун навбат олдим. Лекин инженер даргоҳига йўл тополмай, монтерларга эргашиб юрган абонентларнинг саногий йўқ. Бу ердаги тартибни ариинч уясига ҳам ўхшатиб бўлмайди. Монтерлар хонага бош суққан одамни душманиди ўқрайиб кузатишди, маскарра қилшадди. Баъзи инженерлар эса кўлингизга қараб туради.

Дўстимиз Жданов хона тўрида монтерлар қуршовида савлат тўқиб ўтирибди. Олдиларида қўш телефон. Атрофида имосига маҳтал ходимлар, абонентлар.

— Салом, Владимир Фёдорович,— дедим унинг савлатига қойил бўлиб.— Айтганингизга биноан келим.

Инженер менга кўз остидан разм солди-да, ён томонда каттакон дафтрга суяниб, мудраб турган чолга савол назари билан боқди: Қария дафтарнинг дуч келган варагини очиб:

— Наряд йўқ сизга!— деди жиддий. — Менга наряд эмас, телефон керак, отахон,— дедим бу совуқ муомаладан жунжикиб. Қария Ждановга бир қараб қўйди:

— Владимир Фёдорович, қараң-а, бу кишига телефон керак экан, Билмабимиз!

Чол ҳам, Жданов ҳам бу кинодан завқлангани сезилиб турарди. Инженер асияга чечан экан:

— Мана шу тўплаган одамларга носовой керак! Ха-ха-хо!

Рост, бу ерда арзини кимга айтишини билмай сарсон-саргардан юрганларнинг ҳаммасига носовой эмас, телефон керак эди. Уларнинг бири ногирон, бири пенсионер, бири хизмат кўрсатган муаллим, бири фан захматкаши. Лекин кўпчилиги бу ердаги воқеаларнинг маъзига дарров тушуниб етмас, бошқаларни ҳам ўзларидек тўғри билиб, қонун йўли билан ҳаракат қилар эди. Аммо бу ерда қонундан четлаб ўтсангина ишинг юришаркан.

Мен бехавёларча кўзини лўқ қилиб турган инженерга бориб:

— Уртоқ инженер, ҳар қандай гап бўлса, айтинг, тушунаман— дедим.

Илтижо билан ялғиниб турганимга ишонч ҳосил қилган инженер муддога ўтди:

— Нега вазосни тўламадингиз!— деди у дабдурдудан зардали оҳангда.

— Қайси вазосни?

— Майли, содда одамларча эластик бизнинг вазифамиз. Қайсарлик қилсангиз пушаймон бўласиз. Сизни монтерлар хизматидан фойдаланиш жамаиятга аъзо қиламиз. Биринчи вазос 100 сўм, кейин бир ой ёки ўн беш кунда 3 сўмдан Қаночки, кўнгил истаганда. Маъқулим! Уйланам, бу пулдан менга бир чақа ҳам тегмайди, 100 сўмнинг эгалари бор. Вазос тўлангандан сўнг телефон тушириш муддати гарантияли— 2 соатдан чўзилиб кетса, биз қафил.

Мен бу «2 соат» ҳақидаги ҳикояни аллақачонлар эшитганимни эслашда-да, аңқовлигин учун ўзимни койдим. Улжа аллақачон қармоққа илинибди-ю, мен билмабман.

— Қани, вазосни чўзасизми?— деб қолди инженер хаёл суғиб турганимни кўриб. Мен эса озги билан порга сураб турган бу кимсангиз «вазосини қўли билан олишга шубҳа қилардинг. Наҳотки шуларнинг ҳаммаси ўнгимда бўлса! Кел, уйғониб кетганимча бир синаб қўрай, дедим-да, кимсанми қочкиштириб бор-йўқ пулимини чиқардим— 25 сўм экан.

— Ҳамир учидан пати, ўртоқ инженер,— дедим. У қўлингиз бир қаради-да, кутилмаганда оқариб, бўзариб кетди.

— Нима, мен сенга гадойманми? Юз сўмини бут келтирганингдан кейин гаплашамиз!— деди-да, бир даста майда пулларни юзига иргитиб юборди.

Мен ҳамон бу томошга тушунолмай, анграйиб турардим. Наҳотки, балиқ ўзини қармоққа ураётган бўл-

са? Ҳа, операция қилмага етган эди. Энди қармоқни дадил тортиш қолган эди, холос.

— Кеңирасиз, Владимир Фёдорович, сизни андак ҳафа қилиб қўйдим. Вазос албатта бут бўлади.

— Вазос тўланганингиздан кейин келинг, Гап тамом.

...Телефон станцияларига бўлаётган воқеалардан алоҳида хизмати раҳбарлари хабардорим! Агар хабардор бўлишса, бу воқеага қандай қарашар экан?

Республика Алоқа министри ўртоқ Т. Тўхтаева телефон қилиб, бор гапни айтишга қарор қилдим:

— Мен сизга шахар телефонлар стнцияси устидан шикоят қилмоқчи эдим.

— Фактларингиз борми? Сизга олдиндан айтиб қўяй, жуда кўп ўртоқлар ШТС ходимларини айбашадио лекин исботлаб беришолмайдди.

— Мендан порга сурашяпти,— дедим очгини айтиб.— Шу фактнинг ўзи исбот эмасми?

Министр қабул қилгач, мен унга бор гапни айтиб бердим.

— Шарти шуки, ҳамма ишни қонуний амалга оширамиз,— деди министр.— Бундан катта жиноятнинг ҳиди келиб турибди. Давлат органларининг ердами билан поракўрларни рош қиламиз.

Министр тегишли идораларга телефон қилиб, бу ишда ёрдам беришларни сўради. Шуниси қизиқки, у сўзлашяётганда телефон икки марта узилиб қолди.

ОПЕРАЦИЯ ЖОНЛАНДИ

Республика Ички ишлар министрлигида бўлган суҳбат охирида социалистик мулкни ўғирлашга қарши кураш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, Николай Викторович Нарийний менга шундай деб тайинлади:

— Узоққа командировкага кетиб қолмаң. Телефон ҳақида ҳеч қаерда гап суз очманг. ШТСга ҳам бора қўрмаң.

...Николай Викторовичнинг хонасида одам кўп эди. Ҳаммалари «Телефон» операциясининг иштирокчилари экан. Операция катнашчилари ўн кишидан иборат эди. Бошқови— Нарийний, ўринбосари— Кашкуров, ёрдамчиси— капитан Журвалев, кимёгар криминалист, радист, икки шофёр, икки дружиначи ва мен.

Николай Викторович стол устига каттакон оқ картон қозғонини ёйиб, тушунтира бошлади:

— Мана «Телефон» операциясининг пани. Бу ШТС биносининг макети. Қани дўстим,— деди у менга бурлиб,— яқинроқ келинг, яхши қаранг, сизга таниш.

Мана шахар телефон станциясини киравериши, зиналари... Унг томонда абонентлар бўлими, тўғрида қоровулхона, ундан Хидировнинг кабинетига, чапдан эса Ждановнинг кабинетига кириш мумкин.

— Бундай қиласиз,— деб тушунтирди Николай Викторович,— пулни Жданов қайси қўли билан олиб, қайси чўнтагига солишига эътибор беринг. Агар бунинг имкони бўлмаса, кўп уринманг. Пулни бергач, шошлмаёй қўчага чиқинг ва рўпарадига «Буратино» кафеसига қараб юринг. Агар пулни беролмасангиз, чиқиб Революция скверига йўл олинг. Бу икки хил маршрутни қалғитиб юборманг.

Мен бош иргадим.

Навбат бугунги операцияга кимёгар-криминалист вазифасини бажарётган старший лейтенантга етди. У ҳамманнинг кўз ўнгига ўнта ўн сўмлик пулни стол устига ташлади. Пулларни қайта санади-да, ҳар бирига оппоқ қалам билан йирик қилиб «Пора» деб ёзиб чиқди. Бу оқ ёзуви олдий кўз билан бемалол ўқиса бўларди. Лекин криминалист ёзувларнинг устидан оқ фосфорга ботирилган мўйқаламини суртди. Ун сўмлик қизил пул-

лар унга белангандек оппоқ бўлиб қолди. Лекин старший лейтенант ҳар бир пулни алоҳида чертиб чиққач, пуллар ўзининг асл тусига келди. Пулда даярли ҳеч қандай шубҳали эш қолмади. Кимёвий ишлов берилган бу пулларга ким теккудай бўлса ўчмас эш қоларди. Айни пайтда уларни қаерга ширмасинлар, махсус ҳур ёғдусида ҳатто пўлат сандикдан ҳам оссонликча топиб олса бўларди.

Яна бир неча дақиқадан сўнг чиқар олдимизда махсус протоколга имзо чекдим. Унда қасамёд каби жанрлаб турган шундай ёзувлар бор эди: «Мен бу операцияга юксак инсоний бурчим ва қалбимнинг буйруғи билан кетаётирман».

ПОРАХЎР ҚЎЛГА ТУШДИ

В. И. Ленин коммунизмнинг ашаддий душманларидан бири— поракўрлик эканини айтган эди. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда поракўр қарши биздагидек кескин қонунлар билан кескин кураш олиб борилмайдди. Утмишинг бу жирканч сарғитига қарши омонсиз кураш даром этмоқда.

Мана, ШТС биносига қараб ваэим қедам ташлаб кетмоқдам. Ун қадамча орқада икки дружиначи йигит келмоқда

Соат 5 минути кам 10 да Жданов ўзи хонасида йўқ эди. Нарядлар рўйхатини олиб борувчи чол одатдагидек «йўқ-йўқдан» бўшамасди. «Жданов келадими!», деган саволимага ҳам «Наряд йўқ», деб жавоб қайтарди. Ждановни сураётганимни аңғатиб, инженернинг столини кўрсатганимдан кейингина у:

— Владимир Фёдорович ҳовлида,— деди хотиржам.

Жданов бир неча савлатли кишилар билан ҳовли ўртасида турарди. Мени кўриши билан бош сликки саломлашган бўлди ва имо қилди. Мен Жданов хонасида кутиб турдим. Орадан ўн минутча ўтгач, у хонага кириб келди.

— Келдингизми,— деди у мендан кўз олмай.

— Келдим,— дедим мен ҳам унга тик қараб,— «Вазос» олиб келган эдим.

— Яхши!— деди инженер чехраси ёришиб. Кейин мени эргаштириб йўлгақа олиб чиқди. Бу ерда бир қанча киши унинг ишорасига маҳталлиги кўриниб турарди. Владимир Фёдорович улар билан бир-бир кўз уриштириб чиққач, қандайдир имо-ишорала қилди-да, мени абонентлар бўлими томон эргаштириб кетди.

— Бу ерда бир марта қадам қўйган ҳар қандай эс-хушли одам ўзи пайқаб олиши керак,— деди ёнма-ён борар эканмиз,— ҳамма нарсанинг ўз қалти бор. Телефоннинг қалити— юз сўм.

— Яхши қалит,— дедим мен ашаддий поракўрликни таърифлашга бошқ сўз тополмай.

Жданов мени абонентлар бўлимидан ўн қадамча берига қолдири-да, ўзи бориб ўнг қўлгаги эшикни очди. Шу заҳоти кўнғир сочли, ўрта яшар, кўк кўйлакли жувон унга пешвоз чиқди. Улар икки-ўч минутча гаплашишди. Назаримда менга шошилинч наряд ёзиш ҳақида топишқир берилди. Сўнг аёл хонасига кириб кетди. Жданов эса мамнун қайтиб, қафларини ишқалади:

— Эртага уйингизда телефон ишлайди. Узулсиз ишлашга гарантия беришим мумкин. Ахир, сиз бизга аъзо бўласиз.

Атрофимиздан узулсиз одам ўтиб турибди. Мен эса пулни чангаллаганча ҳайрон бўлиб қолдим.

— Қани вазосни чўзинг, чўзаверинг,— деди у тап тортай. Жданов сабри чидамай, қўлини чўзиб, мени турткилай бошлади.

— Мен кимсамдан қўлимини чиқардим. Жданов ялоқланиб кутиб турар-

ди. Бир даста пулни оларкан, ўз хизматини яна бир бор эслатиб қўйди:

— Эртага телефонингиз ишлайди! Мен табиий дайрлашишга ҳаракат қилдим. Қўчага чиқиб, «Буратино» кафеси томон юрдим.

Бир неча минутдан сўнг поракўр Ждановнинг эрталаб операция пани муҳокама қилинган хонага олиб келишди. Инженерни иш кабинетидан бир минутга чақириб чиқишди. Жданов шунда ҳам ҳеч нима сезмабди. Чунки шубҳаланадиган жойи қолмаган эди. Пулни аллақачон жойлаган, қолаверса, гувоҳ қани! Қўчада бошқарма ходими ўзини ўзини таништирибди ва инженерни ҳаворанг машинага тақлиф этдиби.

Техминан ярим соатлардан сўнг ўртоқ Нарийнийнинг хонасида поракўр билан юзма-юз турардик. Унинг кўзлари пирпирар, юзини тер босган эди. У мендан кўзини олмас, гапириб иккони йўқлиги учун, алланималарни ишора қилар эди. Ҳеч бир нажот қолмаганини сезгач, без бўлиб шумшайиб олди.

Бир неча дақиқадан сўнг терговчи Галина Павлова Тумкамова сўроқ протоколини туза бошлади:

— Гражданин Жданов, сиз порга олишда айбланасиз. Айбингизга иқроормисиз!— деди терговчи.

— Нима-нима? Қандай тўхмат бу!— деб терговчига ҳезланди Жданов. Поракўр бир дақиқадая бутунлай бошқ қиёфага қўнган эди.— Мен инженерман, порани нима қиламан! Тўхмат бу! Ушотирилган тўхмат. Уртоқ терговчи, тўхматчиларни жазога тортишингизни сўрайман. Мени бу ерга нега олиб келишди? Ҳали жавоб беришадди бунга!

Хонага кимёгар-криминалист кирди. Ждановни дружиначилар тинтув қилишди. Унинг ўн кассасидан учта 10 сўмлик чиқди. Қолган пуллар эса аллақачон «эгаларини топан эди.

— Бу ўзимнинг пулим,— деди шошиб у.— Бугун маош олганман, текширишингиз мумкин.

— Шундайми? Агар бу порга бўлса!— деди криминалист.

— Нималар дейяси! Мен инженерман, мени ҳақорат қиляси. Ҳаққингиз йўқ! Шикоят қиламан!

— Исбот керакми! Марҳамат!— криминалист қўлига бинафша нури ли чироқни ёқди. Хонада гаройиб манзара намоён бўлди. Ждановнинг қўлларига, ўнг чўнтагига олтин заррасидек фосфор излари ярақлаб, товланиб турарди. Стол устидаги пулларда ҳам шундай нур асқ этарди. Криминалист чироқни пулга тўғрилади. Пулларнинг ўртасидаги ёзув қўлга яққол ташланди: «ПОРА!»

— Пулнинг у ёғ-бў ёғига қараш керак, ўртоқ инженер,— деди терговчи киноа билан.— Шундай ҳалол пуллар борки, сиз унинг бир сўмини, ҳаттоки бир тийинини ҳам ҳазм қилиб кетолмайсиз.

Уша қуни «Фалон жойдаги қвартира»га кеч қайтдим. Остонада икки нотишани йигит кутиб турарди. Қўлларига иккита телефон аппарати— бири оқ, бири қор.

— Биз ШТСданми,— деди улар остонада мени тутиб.— Мана шу уйга бугун телефон ўрнатиб, шу телефондан бошлиққа кўнғирок қилишимиз керак. Тезроқ квартирани очинг, телефонини ўрнатаялик.

— Раҳмат, уйнинг телефони бор.

— Иккита бўлса ҳам майли. Топшириқ шу.

— Кеңирасиз,— дедим рад этиб,— бу телефонлар бизга қимматлик қилади. Бошлигингизга шундай деб айтиб қўйинг. Агар Хидиров деган элтни курсангиз, унга ҳам шундай денг.

«Телефон» операциясининг биринчи навбати мана шундай тугади. Операциянинг иккинчи навбатиде «вазос», яъни бадал ниқобиде олдингар ҳаром пуллар кимлар ўртасида ва қандай тақсимланганини аниқлаш керак бўлади.



Нилуфарлар.

О. МАРТИНСОН фотоэюди

«БОГИ ЎРИС»

Ўзбекистон Фанлар академияси Абурайдон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғизмалар фондида «Мажмуаи васоиқ» («Васиқалар тўплами») деб аталган ноҳир қўлғизма бор. Унда XVI асрда Самарқанд шахрининг Хўжа Кашфир маҳалласида «Боги ўрис» номи билан машҳур бўлган катта бир боғ бўлганлиги зикр этилади. Урта Осиё Россия тарихида бўлмаган ўша даврда «Боги ўрис» деб аталishi қизиқ ҳодиса.

Самарқандлик ҳарийлар ва баъзи бир билимдонлардан олган маълумотимизга қараганда, Хўжа Кашфир маҳалласи кўпдан машҳур экан. У шаҳрдан чиқаришда, Оҳанликка бошлайдиган йўлнинг ўнг тарафида. «Боги ўрис» ўрнида ҳозир дам олиш уйи қурилган. Қўрғон чингизийлар саройида истиқомат қилган Ортобхоним деган маликага мансуб бўлган. Чор Россияси Самарқандни эгаллагандан кейин губернатор маҳкамасининг хизматчиси инженер Иван Шетно бу ерда боғ барпо этган. Унинг бундан бошқа Булуғур районидан ҳам шундай боғлари бўлган. Ўша боғлар ҳозир «Рубин» совхозига қарашлидир.

«Рус» сўзи эски лугатларда ҳам «ўрис» тарзида ёзилиб келганлиги маълум. XVI асрда Самарқанд шаҳрида бўлган бу боғ нега «Боги ўрис» деб аталгани ҳақида ҳозирча баъзи бир тахминлардан бошқа қатъий далил йўқ. Балки рус савдогарлари Шарқ мамлакатларига сафарга чиққанда шу ерга қўниб ўтгандир ё бир

рус дипломати истиқомат қилгандир? Балки Россияга бориб келган Абдуллахон элчиларидан бири Россия боғларига ўхшатиб шундай боғ барпо этгандир...

Оқ ўрдани 1375 йилгача Урисхон идора қилгани, уни Амир Темур мағлуб этгани ҳам тарихдан маълум.

Урисхоннинг набираси шаҳзода Бароқ ўғлон 1419 йили Улуғбек ҳузурига келиб, Тўғли Темурнинг авлоди Муҳаммадхонга қарши нурашда кўмак сўрайди. Кўчманчи ўзбеклар даштида ўз одами бўлишни фойдали деб билган Улуғбек Бароқхон билан биргаликда Сирдарёга юриш қилади. Душман чекинади.

Бароқхон 1425 йили кўчманчи ўзбеклар улусига хон бўлиб олади. Сўнгра Олтин Урда пойтахтини забот этади. Улуғбек ўзбеклар даштида ўз сиёсатини Бароқхон орқали ўтказишни мўлжаллаб, унга ёрдам берган эди. Бароқ ўғлон Улуғбек ҳузурига ёрдам сўраб келганда, балки васиқада зикр этилган бу боғқа қўнган ва шу тўғайли боғ унинг бобоси хурматига «Боги Ўрис» деб аталгандир.

«Мажмуаи васоиқ» даги ҳужжатлар ва тарихий маълумотлар бу масалага оз бўлса-да, яна бир равшанлик киритади. Бу ҳужжатларда таъиндлашишча, XVI асрда Самарқандда турли насб эгалари бўлган рус куллари бор эди. Бу боғ ўша рус куллари меҳнатининг маҳсули бўлса ажаб эмас.


Баҳром ИБРОҲИМОВ



СССР спорт мастери
М. МУХИДДИНОВ
таҳрири остида

Битта юришнинг кучи

Унча-мунча тажрибаси бор ҳаваскорга маълумки, агар ўйин ўрталарида рокировка қилинган шохнинг олдидаги пьедалар бошланғич жойларида, чунончи, f2, g2, h2 ёки f7, g7, h7, хоналарида турган бўлса, рақиб ҳужумларига қарши яхши қалқон вази-фасини ўтай олади. Лекин марказда ёки тахтанинг бошқа томонидан бўш хоналар бўлиб, булар рақиб фарзини ёки рухлари билан эгалланган ҳолларда эҳтиёт бўлиш зарур, чунки улардан бири саккизинчи ёки биринчи горизонталга чиқиб мот қилиши мумкин. Шунинг учун тажрибали шахматчилар пайти келганда «дарча» очиб қўядилар, яъни ўз шохи олдидаги пьедалардан бирини сурадилар. «Дарча» рақиб сипоҳларининг зарбаси остида қолмаслиги керак.



Бу вазиятда қоралар «дарча» очмаган, бинобарин, шох саккизинчи горизонталдан чиқиб кетолмайди. Комбинация қилиш учун мотив бор. Бунинг учун оқлар фарзини ёки рух-ни саккизинчи горизонталга чиқариш йўлини топса кифоя. Шу мақсадни амалга ошириш учун фақат фарзин билан қўриқланган е8 хонасидан фойдаланиш керак. Энди қора фарзини ўша хонани қўриқлай олмайди-ган бирор бошқа жойга чалғитса бўл-масмикин, деган фикр туғилади. Мум-кин. 1. f4—c7! ўйналса бас. Бу ми-солда чалғитиш госяси икки ёқ-

лама зарба бериш воситасида амал-га оширилиб, фарзин ва руҳга ҳу-жум қилинмоқда. Бироқ қоралар е8 хонасини қўриқлашга мажбурли-ги тўғайли фарзинни ура олмайди ва бирданга бой беради.

Доналарни ҳимоядан чалғитишга асосланган ана шундай комбинация-лар қилса бўладиган вазиятлардан бир нечасини ўзингиз тузинг ва қай-та-қайта текшириб кўргач, дафтарга кўчириб қўйинг.

Баъзан тахтада шундай вазиятлар ҳам вужудга келиб турадики, бунда рақибларнинг бирон донаси ўзига ҳалақит бериб қолади.


Теринг:

Оқлар: Крg2, Фi3, Ле2, Кi2, пп. a2, b2, d4, f2, g4, h3;


Қоралар: Крg8, Фi7, Лi8, Ке6, пп. a7, g6, d5, f4, g7, h6.

Бу вазиятда юриш қоралардан. Агар f4 даги пьедда бўлмаганда, қоралар отини ўша ерга «сакратиб» уч ёқла-ма зарба берад ва осонгина ютар эди. Демак, пьедани қурбон қилиб, ўрнини бўшатиш керак:

1. ...f4—f3+! 2. Кi2: f3 Ке6—f4+



Бу диаграммадаги вазиятда юриш оқлардан бўлиб, биринчидан 1. Ф:f6, С: f6, 2. Л: f6 мумкин эмас, чунки, 2. ...Le1X Иккинчидан, қоралар 1. ... Ф: h2X ва 1. ... Ф: f5 хавфини солиб турибди. Оқлар бу хавфлардан бирданга қутула олармикан! Наҳот-ки, уч сипоҳнинг ҳужумида турган қора шохнинг хавфи ҳолати комбинация қилиш учун етарли мотив бўл-маса! Хонани бўшатиш госяси билан таниш шахматчи бунинг даражаси топади. Қани, шу диаграммага қараб туриб, ўша комбинацияни топинг-чи. Вазия-тини тахтага термасдан, уни тасаввур этишга ўрганиб бориш ҳам маҳорат-ни оштиради.



...Қораларнинг фарзини с7даги рухни ва g4даги филни қўриқлаб ту-рибди. Агар фарзинга ҳужум қилин-са, у қўриқлаб турган сипоҳлардан бирини ҳимоясиз қолдиришга маж-бур бўлади. Бу ерда ҳам хонани бў-шатиш госяси кўмакка келади:

1. Сc4: f7+! Лb6: f7. 2. Лc3—c4 Фi4—d6. 3. Лc4: g4. Комбинация оқибатида оқлар бир пьедда ютди.



— Бугун дадам кундалигимни кўради.

А. ХОЛИҚОВ чизган

ДАДАМ

Дадам олимлар. Обрўлари том бўйи. Маҳалламиздаги каттадан-кичик ҳамма эгилиб салом беради. Ҳатто, мўйлови узун милиционер Шокир тоға ҳам дадам билан икки қўллаб сўрашади. Дадам бировга телефон қилсалар «Алё, мен пилология панлари кандидати Ғўраевман, ўзинг ким бўласан?», деб, санлашиб гаплашадилар.

Дадам бугун уйдлар. Бир даста газетани арақлаптилар. Айрим мақолаларни қайчи билан қийиб олиб, алоҳида папкага соляптилар. Баъзи ўринларини блокнотларига кўчириб оляптилар.

— Дада, нега туппа-тузук газеталарни қийяпсиз?— дейман қизиқиб.

— Керак, ўлим. Пан доктори бўлмоқчиман,— дейдилар дадам.

— Доктор бўладиганлар газеталардан кўчириб оларканда-а, дада? Дадам жеркиб берадилар:

— Бор, бор, жўна, ўйнаб кел, ишга халақит берилсан!

Ҳовлига чиқишим билан дарвоза тақиллаб қолди. Дадамени сўрашди. Беш йигит турган экан. Уларни уйга бошлаб кирдим.

— Домлажон, бугун сессия тугайди. Стипендиядан қоламиз. Яхши тайёрланиб келдик...— деди улардан бири ялиниб.

— Утир, ҳамманг! Ялқовлар!— дедилар дадам. Сўнгра ўзалари креслога суяниб:— Сен жаргонларни, сен супникларни, сен аппикларни, сен равишдошини, сен қўшма гапни, сен эзма гапни... э-э, содда гапни айтиб бер!— дея буоравердилар.

Талабалардан учтаси оз-моз жавоб берди. Қолган икитаси оғиз очолмади. Дадам уларни қувиб солдилар. Қолган учовига:

— Жавобларинг «уч»га ҳам арзимайди,— дедилар ўшқириб,— майли, зачёткина чўзинглари!

Тадбирли қуён

Қуён илмий иш бошлагандан бери товуқ боқишга киришди. Олмаҳон ундан сўради:

— Нега товуқ боқяпсанг?

Дадам жимжимадор қилиб баҳо қўйдилар. Кейин тарафдек найновига тайинладилар:

— Ука, сен жадаллаб бозорга бор! Озроқ гўшт, редиска, пиёз олиб кел!

Пакана бўйли иккинчи бирига эса: — Сен ана у графинни ол-да, пиво дўконига югур,— дедилар. Кейин:

— Э-э... тўхта, икковнинг ҳам! Мана, пул...— деб, шимларининг чўнтагига қўл суқдилар. Аммо, улар:

— Йўғ-э, домлажон, ўзимизда бор,— деб чиқиб кетишди.

Дадам чўнкайиб ўтирган учинчи бирига:

— Сен анча бўзбола кўринсан. Бу ёққа юр, томорқада озгина иш бор,— деб у билан уйдан чиқдилар.

Пайкал олаётган студентнинг ён чўнтагидан кичкина газета тушди.

— О, «Илғор фан учун». Институтизмизники-ку, ука,— деб, дадам газетга кўз югуртира бошладилар ва бирдан туюқиб кетдилар.

— А! Нима номзўлчилик бу! «Домла Ғўраев, қачон тўрваликни қўясиз!...».

Дадамнинг вужудларини титроқ босди. Тинчгина кетмон ураётган студентга бақирдилар:

— Ув, тентак, қани, йўқол кўзимдан. Йўқол тезроқ!..


Дадам отилиб уйга кирдилар-да, бир пасда кийиниб чиқдилар.

— Ҳали мен уларга кўрсатиб қўяман. Кўрсатиб қўяман!— деганларича югуриб кетдилар.

Ҳайрон бўлиб қолдим. Дадам кимларга, нимани кўрсатар эканлар? Қайтиб келсалар, албатта, сўраб билиб оламан.

Самд РАВШАНОВ

Вухоро



Участкам

Сени тикладиму ўзим букчайдим,
Сени силлиқладим, ўзим бужмайдим,
Кимгадир ялиндим, кимга қақчайдим,
Сен — уруғ-аймоғим, укам ва акам,
Сенга сизгинаман, менинг участкам.

Бир бўлган иморат — бўлсин, дедим мен,
Орзули бу кўнглим тўлсин, дедим мен,
Хотиним керилиб юрсин, дедим мен,
Кўрганлар айтсин деб: «Яна бир кўрсам».
Гул билан бежадим сени, участкам.

Сени лойсувоқмас, кулсувоқ қилдим,
Ўзим қорайдим сени оқ қилдим,
Гулчин пештоқининг зар бўёқ қилдим,
Ҳамон битмагайсан, пул ютар экам,
Сени сизсирайман, менинг участкам.

Овқатда сифат йўқ, пулда барака,
Туну кун сени деб бўлур ҳаракат,
Баъзан қолиб кетар тўю маърака,
Суваб юбордимми одамликни ҳам!
Мунча сеҳргарсан, менинг участкам!

Ҳайдар МУҲАММАДАЛИЕВ

Уқир-ўқовлар

Қиз йигитни фақат уч бор имтиҳон қилди. Баҳосини эса ўйламай қўйиб юборди.

Қуёв-келин атрофдагилардан уялишгандан бир-бирларининг пинкларига яширинишарди.

Адибнинг китобидаги сув билан ўн беш гектар майдондаги гўзани қондириб сугорса бўларди.

Ўйин ёмғир остида ўтса-да, аммо ҳисоб «қуруқ» эди.

Ўтир САИДОВ



Иил—ўн икки ой



Ез қуёши ўз вазифасини ўтаб бўлди: ғўзалар бодроқдек очилди, шириншакар мевалар, тилғарар қовун-тар-

вузу тилларанг узуллар гарқ пишди. Саҳий куз. Жазирама саратон билан қаҳратон қиш орасидаги фасл. Унинг нашъаси ўзгача. Офтоби ёқими, ҳавоси енгил... Сентябрь — кузнинг боши.

Бу ойда кундуз қисқариб, тун узая боради. Нихоят, 23 сентябрда неча кундузга тенг бўлиб қолади. Осмон гумбазининг шимолидан жанубга эклиптика бўйича йўл билан Қуёш шу кунни Тошкент вақти билан соат 4 дан 33 минут ўтганда осмон белбоғида — экваторида бўлади. Бу пайт нузғи кун тенглигидир. (Жанубий ярим шардан шимолий ярим шарга ўтишда экваторни кесиб оми—баҳорги кун тенглиги ҳисобланиб, у 20 мартада кечганини айтиб ўтган эдик). Энди 22 декабргача кун билан тун тафовути орта боради.

Улугбек расадхонасида нузғи кун тенглигини «эйтидоли ҳарфий», баҳорги кун тенглигини «эйтидоли рабиъи» деб атаганлар. Бу ҳақдаги хабарни расадхонанинг етакчи мунажжимларидан Али Қушчи ўз рисоласида баён этган. Унинг айтишича, Ернинг экваторидаги жойларда осмон экватори ниши боши тепасидан бир неча-кундузда икки марта ўтади: нузғи кун тенглиги нуқтаси (Мезон) зенитда («самтурраъс») бўлган пайтда баҳорги кун тенглиги нуқтаси (Ҳамал) оёқ остида нодирда («самтуррижл») бўлади, ўн икки соатдан кейин улар ўз жойларини алмаштирадилар. Мана шу нузғи кун тенглиги пайтда қаерда соя тушмайди? Бунга Али Қушчи жавоб беради: Ернинг экваторида тик қондиған таённинг қоқ тушда соя бўлмаслиги

керак. Кейинчалик бу фикр амалда тасдиқланди.

Кузги кун тенглиги пайти яна бир хислатга эга: Ернинг шимолий кутб доирасида олти ойлик неча бошланса, жанубий кутб доирасида эса аксинча — олти ойлик кундуз бошланади. Куз фасли биринчи ойининг номи қадимги замонларда баъзан бир-бирига яқин талаффуз қилинган: себтабриос (Румо), сатанбар (Қибт); баъзан бошқача: айлул (Сурия), сиванну (Бобил).

Планеталарнинг кўриниши: Венера, Меркурий (сахарда), Юпитер (оқишда), Сатурн (тун бўйи), Нептунни дурбин билан оқишда кўриш мумкин. Марс, Уран кўринмайди.


Ой боши — 8 сентябрь. Тўлиноий 23 сентябрда.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ



Тонгни қутлаб...

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотоси



*Кокет
зат*

ЧАЙНВОРД

1. Пионер лагери. 2. Кимёвий элемент. 3. Ҳамроҳ. 4. Дарё. 5. Томон. 6. Ўрта денгиздаги давлат. 7. Автоном республика мақнази. 8. Ранг. 9. Миллат. 10. Полиз экинни. 11. Мамлакатимиз гарбидаги дарё. 12. Тиниш белгиси. 13. Закилар баҳси. 14. Еввойн ўт. 15. Аъзо. 16. Рўзгор буюми. 17. Дунқакли ўсимлик. 18. СССР космонавти. 19. Автомашина. 20. Инерт газ. 21. Гигант яратилаётган жой. 22. Соврин. 23. Шаҳар. 24. Шахмат устаси. 25. Тригонометрик термин. 26. Ем. 27. Исм.

Чирчиқ

Тузувчи Т. ҚУРҒОНОВ

8-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 4. Девонов. 8. Миссиепли. 10. Альп. 11. Нури. 14. Блюхер. 15. Драма. 17. «Равшан». 18. Уран. 19. Тахо. 20. Ганг. 21. Наҳв. 22. Анод. 24. Гана. 25. Вақт. 26. Кола. 28. Висмут. 30. Афина. 31. Берлин. 32. Ашур. 35. Рама. 36. Кантабрия. 37. Каракас.

Буйига: 1. Текст. 2. «Годиблар». 3. Помир. 5. Ампер. 6. Чинор. 7. Алёхин. 9. Ереван. 12. Флоренция. 13. Фатхуллин. 15. «Дохунда». 16. Атакама. 23. Дамашқ. 26. Карима. 27. Синчалак. 29. Турку. 31. Бурит. 33. Анвар. 34. Эртак.

МУҚОВАЛАРДА

Биринчи б е т: машҳур соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризамат Мусамуҳамедов.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Иккинчи б е т: Тошкент Тўқимачилик комбинатининг бир йўла 48 дастгоҳда ишлаб, беш йиллик г'анини икки ярим йилда адо этиш мажбуриятини олган Лидия Павловна Казанцева ҳамкасби Муҳаббат Абдуллаева билан иш сирларини ўртоқлашмоқда.

Учинчи б е т: Тошкент Тўқимачилик комбинати рассомлари Мавлон Арслонов, Людмила Комарова ҳамда Ленинна Чеховская янги безак нусхаларини бадий кенгаш муҳоамасига тайёрламоқдалар.

Г. ГРАФКИН фотолари

Тўртинчи б е т: Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона канали шу ердан бошланади.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОВЕВ (бош рассом), Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Самд ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАДРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: 700000, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. Редакция телефонлари. Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33-35-19; иккинчи-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; фан ва маданият бўлими — 33-35-19; рассомлар бўлими — 33-36-59.

Босмаҳонага туширилди 11/VIII-72 й. Босишга рухсат этилди 5/IX-72 й. Қоғоз 70×1081/8. Ҳажми 4 босма тобоқ. Вуяортма 955. Р-09865. Тиражи 167363. Нашр. Б-3466.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси. Тошкент.



